

Тўхтамурод Тошев



Меҳр қолур, Муҳаббат қолур...



Тошкент
«Адолат»
2017

УЎК: 001(575.1)(092)

КБК: 76.01

Т 71

Т 71 Меҳр қолур, муҳаббат қолур.../Т. Тошев. — Тошкент:
«Адолат», 2017. — 160 бет.

ISBN 978-9943-4768-5-1

УЎК: 001(575.1)(092)

КБК: 76.01

ISBN 978-9943-4768-5-1

© Т. Тошев, 2017.

© Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазирлиги ҳузуридаги

«Адолат» нашриёти, 2017.



*Ушбу китоб Устозлар
хотирасига ҳамда эл ардоғида
бўлган инсонларга бағишланади.*

ХОТИРА ВА ҚАДР

Хотира ўзликни англашга, ўтмишни доимо ёдда тутишга бот-бот даъват этиб турадиган муқаддас туйғу. Инсон ўзининг ким эканлигини хотира ва қадр туйғуси орқали чуқурроқ англайди.

Биз миллат, Ватан, Истиқлол каби бир қатор сўзларни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олиб, муқаддас санаймиз. Ана шу муқаддас тушунчалар ҳақида сўз юритганда, фикримизни беихтиёр хотира туйғуси банд этади. Инсон хотираси муқаддас, у ўз аждодларини эсга олиб, эзгу ишларини ёд этади. Аждодларини хотирлаш сусай-са ёки йўқолса, яъни аждодлар билан авлодлар ўртасида узилиш юз берса, миллат таназзулга юз тутар экан.

Муқаддас саналган тушунчаларнинг ҳаммаси хотира билан тирик, нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги кунни ва келажакни ёрқин тасаввур этиш ҳам демакдир. Хотира инсонни келажакка теран кўз билан қарашга ўргатади. Қадрлаш эса, хонадонларимизга файз-барака бағишлаб, қилаётган эзгу ишларимизга оқ фотиҳа тилаб турган қарияларимизнинг ҳурматини жойига қўйишдир. Қолаверса, кишиларнинг бир-бирларини қадрлаб юришлари замирида ҳикмат яширин.

Ҳа, ҳаёт қадри, инсон қадри хотираси билан барҳаётдир. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», дея таъкидлаган эди Президенти-миз. Хотира сўзи ёнида қадр деган ибора бор. Зеро, хотира ва қадр бир-бирисиз яшолмайди. Истардикки, ана шу икки олижаноб туйғу ҳеч биримиздан йироқлашмасин, ҳамisha қалбларимизда аксадо бериб турсин.



Таниқли журналист, публицист ва ёзувчи Тўхтамурод Тошев ҳам 40 йиллик ижодий фаолияти давомида ўзи таниган, бирга ишлаган ҳамкасблари, дўстлари, устозлари, элу юртга хизмати, меҳнати сингган таниқли кишилар тўғрисидаги хотиралари, эс-даликларини тўплаб, бир китоб ҳолига келтирдик, уни ўқиган инсонлар қалбида ўчмас бир чироқдек хотира гавдаланади. Бу, албатта, Хотира ва қадрлаш чироғидир.

Бу чироқнинг шуъласи ҳамиша нур сочиб турсин. Ана ўшандагина ўтганларнинг руҳи, тирикларнинг кўнгли шод бўлади.

Буюк француз ёзувчиси Воверанг «Ўзини ҳурмат қилган одам бошқаларни ҳам иззат-ҳурматга ўргатади», деб бежиз айтмаган эди. Зеро, ўтганларни бот-бот эслаш, дуо ила ёд айлаш, тирикларнинг қадрига етиш, ҳурмат ва иззатини жойига қўйиш халқимизнинг азалий қадриятidir.

Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармонида биноан (1999 йил 2 март) 9 май Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланиб келинмоқда.

«Хотира ва қадрлаш халқимизга хос миллий ўзлгимиз, урф-одатларимиз билан чамбарчас боғлиқ тушунчалардир, дея эътироф этган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов. — Шунинг учун ҳар йили нишонланиб борилаётган Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос ўрнини топган халқона маросим бўлиб қолади».

Азиз китобхон, «Меҳр қолур, муҳаббат қолур...» китобидаги хотираларни ўқир экансиз, беихтиёр кўнглингиздан ўтганларнинг руҳини шод этиб, тирикларнинг ҳурматини жойига қўйиш билан бирга, ёшлар қалбида ота-боболаримиз жасорати, ибратли ҳаёти ва меҳнатининг қадрига етиш, Она Ватанга, халқимизга меҳр-муҳаббат, Истиқлол ғояларига садоқат, шу юртга муносиб фарзандлар бўлишдек эзгу туйғулар ўтади.

Айтилган эзгу ниятлар ҳаммамизга ёр бўлсин!



БИР ОҒИЗ СЎЗ

Мен Тўхтамурод Тошевни кўп йиллардан буён биламан — иккимиз бирга «Тошкент оқшоми» газетасида ишлаганмиз.

Тўхтамурод истеъдодли журналист ва ажойиб публицист. Яқинда унинг ижодий фаолиятига қирқ йил тўлди. Ёзган таҳлилий, публицистик мақолалари, фельетон, ҳажвия ва суд очерклари эл оғзига тушган. У халқ тилида содда ва равон ёзади. Халқона иборалар, мақол матнлардан моҳирона фойдаланади. Т. Тошев ўнга яқин бадий, публицистик китоблар муаллифи. «Меҳнат инсонни улуғлайди», «Ўзбекистон олтини», «Хиёнат», «Эл ўғлони», «Муҳаббат рамзи», «Одамларни севиб яшайман», «Зимистонда қолган излар», «Полковникнинг қисмати», «Озодлик — буюк неъмат», «Адашганлар қисмати» каби китоблари ўқувчилар томонидан севиб ўқилмоқда.

Унинг навбатдаги китоби — «Меҳр қолур, муҳаббат қолур»га турли йилларда ёзган хотиралари киритилган. Улар китобхонга устозларни ҳурмат қилишни, одоб-ахлоқ фазилатларини ўргатади, маънавият-маърифатдан сабоқ беради. Китобга киритилган «Менинг Кавардоним», «Ўзимизнинг Фафур Ғулом» деб аталмиш тарихий лавҳаларда буюк устозлар, шу жумладан, Ойбек домла, академик шоир Фафур Ғулом тўғрисида жуда катта бадий маҳорат билан ҳикоя қилинади. «Ёд айланг бу камтарин Чустийни» деб номланган хотира-асар ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Китобхон ғазалнавис шоир ҳаёти ва фаолияти билан танишар экан, унинг ҳали чоп этилмаган ғазаллари билан ҳам танишади. Китобдаги бошқа хотира лавҳалари ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Бир сўз билан айтганда, ёзувчи Тўхтамурод Тошевнинг ушбу китоби халқимизнинг улуғ инсонлари ҳақида, уларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги тадқиқоти бўлганлиги билан диққатга сазовордир.

Нортўхта ҚИЛИЧ,
ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА



Таниқли журналист ва ёзувчи Тўхтамурод Тошев 1952 йил 8 март куни Тошкент вилоятида туғилган.

1977 йили Ўзбекистон Миллий университетининг Журналистика факультетини битирган.

Кўп йиллик самарали меҳнати ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи (1993 йил), «Шуҳрат» медали (1999 йил), «Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишони ва кўплаб нуфузли ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Бир неча бор «Йилнинг энг яхши журналисти» деб топилган ва кўплаб кўрик-танловларнинг ғолиби бўлган.

У ижодий фаолияти давомида мингдан ортиқ илмий, бадий-публицистик мақолалар, фельетонлар, суд очерклари ёзган. Филология фанлари доктори, профессор Очил Тоғаев «Суд очерклари устаси» дея унинг фаолиятига юқори баҳо берган.

Унинг қалами ижодкор сифатида «Тошкент оқшоми», «Ўзбекистон овози», «Адолат», «Осиё бозори», «Жарчи», «Савдогар», «Агробизнес-информ», «Биржа», «Биржа-эксперт», «Менинг мулким», «Ҳуқуқ дунёси» — «Мир права» каби газета ва журналларда қайралди. У кўп йиллар «Биржа» республика иқтисодий газетасида Бош муҳаррир ўринбосари, Ижодий гуруҳ раҳбари ҳамда «Бозор ва истеъмолчи» ва «Замин соҳиби» газеталарининг Бош муҳаррири лавозимларида самарали фаолият кўрсатиб келди...



МЕНИНГ КАВАРДОНИМ!

Тошкентдан ўттиз чақирим нарида Чирчиқ дарёсидан ажралиб чиқувчи Қорасув дарёси билан Ҳамдам (давоми Паркент) канали оралиғида мен туғилиб ўсган Кавардон деган ажиб бир сўлим гўша бор. Унинг пайдо бўлиш тарихи узоқ ўтмишимизга бориб тақалади. Шу боис бўлса керак, қишлоқнинг номи ва пайдо бўлиши ҳақида турли ривоятлар мавжуд.

Эмишки, бундан минг йил аввал бу жой ер сатҳининг тузилиши камарга ўхшаб кетганлиги учун одамлар бу қишлоқни Камарбанд деб атаганлар. XI аср бошларида Камарбандда ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик ҳўб ривожланган. Камарбанд аслида кичик бир шаҳарча бўлган. Бу ҳақда археологлар ҳам қизиқарли маълумотлар беришган.

Бир куни эрта баҳорда Хонтепа (Кавардонда иккита шундай машҳур тепа бор. Биринчи — Хон, иккинчиси эса Хоним тепа деб аталади) устида ўтириб, қишлоқни томоша қилиб турсам, бир гуруҳ археологлар келиб қолишди.

— Ҳа, олтин излаяписизларми? — дея ҳазиллашдим уларга.

— Олтидан ҳам зўр нарсалар топилапти, ука, — дея жавоб қилди ЎзФА Яхё Фуломов номидаги Археология институти илмий ходими Геннадий Багомлов. — Мана бир неча йилдирки, биз Чирчиқ дарёсининг қадимги ўзани ёқасида жойлашган Кавардон қишлоғи атрофида қазилмалар олиб бораёмиз, — дея суҳбатни давом эттирди у. — Қазилмалар жараёнида Кавардон асосида қадимий бурғулиқ маданиятига мансуб қатламлар ётгани маълум бўлди. Қўҳна Кавардон илк ўрта асрда ҳокимлик марказига айланган бўлиб, ўз пулини муомалага чиқарган. Ўша вақтларда шаҳарда зарб қилинган барча тангалар воҳадаги Қанқа шаҳри қазилмаларидан ҳам топилган. Ана шу тангаларга, қўлёзма ман-



баларга асосланиб, шаҳарнинг қадимий номи Каварна эканлигини билиб олиш мумкин. Лекин, унинг қандай келиб чиққанини, туб маъносини аниқлаш қийин. Тўғри, бу шаҳар атрофида гўртепаликлар кўп учрагани боис, унинг номи туркий «қабр» сўзи билан ҳам боғлиқ деб айтиш мумкин. Чунки, Кавардонда эскитдан тўртта катта қабристон бўлган.

— Лекин, унинг қадимийроқ эканлигини назарда тутадиган бўлсак, у ҳолда «Авесто» китобидаги афсонавий Кави (Гави) — буқа номидан олинган деган мулоҳазага борилади, — дея суҳбатга қўшилди археолог олим Комилжон Алимов. — Барибир ҳозирги кунда бу ерда мавжуд Кавардон қишлоғи номи ўша эски Каварнанинг ўзгарган шакли бўлиши мумкин.

Умуман, мазкур шаҳар X асрдан XII асрга қадар, айниқса, раванқ топган. Кавардон адирдаги ҳунармандчилик марказларидан бирига айланди. Чунки, у ўша вақтда Шош шаҳрига борадиган савдо йўлининг устида жойлашган эди. Худди шу даврда у араб сайёҳлари харитасига туширилган. Кўҳна шаҳар қаъридан топилган икки билакузук бу ерда ҳунармандчилик санъат даражасига кўтарилганини билдиради ва маданияти юксак бўлганидан дарак беради.

... Сўлим қишлоқ аҳолисining кўпчилиги Тошкент вилояти Паркент туманида жойлашган Паркент қишлоғидан кўчиб келган Шоди сўфи деган инсоннинг авлодлари ҳисобланишади. Ўз вақтида Шош (Тошкент) ҳукмдори Камарбандга келганида уни Шоди сўфи биринчилардан бўлиб кутиб олган. Хон ерли халқ билан учрашаркан, «Кимки бу ҳудудга доимий яшаш учун кўчиб келса, беш йил мобайнида барча солиқ турларидан озод қилинади» деб ваъда беради. Хон ўз ваъдасининг устидан чиқади. Шош ҳукмдорининг бу ҳимматини эшитган атроф ҳудудда яшовчи бошқа аҳоли ҳам бу жойга кўчиб келишга қизиқиб қолади. Ҳатто Фарғона водийсидан ҳам одамлар кўчиб келишади. Кавардон борган сайин кенгайиб, обод бўлиб, гўзал шаҳарчага айланади.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудида жойлашган Пском қишлоғидан Бозорбой ота авлодларидан бир қисми Кавардонга, бир қисми Хўжакент қишлоғига кўчиб келади. Бо-



зорбой отанинг ўғиллари Дадабой, акалари Акбарали, Ирисмат, Саидахмад, Мирзааҳмад, Рўзи бувалар шаҳарни обод қилишга катта ҳисса қўшадилар. Ҳозир эса, Кавардонда Бозорбой отанинг олтинчи авлоди яшаб келмоқда. 1780 йилларда Фарғона водийсининг Бешариқ ҳудудидан Норхўжа эшон ўз бола-чақаси билан Камарбандда истиқомат қилиш учун кўчиб келади. Бугунни кунда ана шу Эшон буванинг авлодлари бу ерда туб қўйиб, палак ёзган. Тахминан 1800 йиллари Шош шаҳрининг Сағбон ҳудудига жойлашган Қўштут маҳалласидан Алибой бобо Камарбандга кўчиб келган. Ҳозир ҳам бу одамнинг кўплаб аждодлари Кавардонда истиқомат қилишади.

Кавардон тарихида бир воқеа муҳим из қолдирган. Тахминан 1451 йили Самарқанд, Хуросон, Шош ҳокими Абусаид Мирзо (Бобурнинг бобоси) шу вақтда Паркентда бўлган Ҳожа Аҳрор валийни зиёрат қилиш учун Шошдан келаётганда Қибрай, Чирчиқ орқали Кавардонга келиб, бир кун меҳмон бўлиб, кейин Паркентга жўнаб кетади. Шундай улуғ зотларнинг қадами етган жой ҳамон файзли қадамжодек туюлади, кишига.

Кавардон тарихида уни машҳур қилган кишилар жуда кўп бўлишган. Кавардонлик Пулатхўжа Сиддиқхўжаев истеъдодли шоир бўлиши билан бирга шўролар даврида «Правда» газетасининг Ўзбекистон Республикасидаги мухбири бўлган.

Унинг ташаббуси билан 1930-1935 йилларда Кавардон ҳудудининг хушманзара бир жойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кичик бир боғи ташкил қилинган. Машҳур адибларимиз Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом, Собир Абдулла, Абдулла Қаҳҳорлар доимо бўш вақтларида бу ерда дам олиб, ижод қилишган. Адиблар учун бу боғда барча шарт-шароитлар муҳайё бўлган. Минг афсуски, қатағон йилларида бу боғ ҳам йўқ қилиб юборилди.

Яна бир кавардонлик Омилбой Ёқубовнинг ҳаёти ва фаолияти диққатга сазовордир. 1935 йилда Омилбой ака машҳур адиб Ойбек билан дўст тутинади. Бу дўстлик ришталари Ойбек вафотига қадар давом этади. Маълумки, 1948 йили кечроқ бўлса ҳам буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг



Ойбек

500 йиллиги нишонланади. Собиқ Иттифоқнинг барча ҳудудларидан, Шарқ мамлакатларидан қўплаб меҳмонлар келишади. Юбилей тантаналаридан кейин меҳмонларга зиёфат бериш одати эди. Ўша даврда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлган Мусо Тошмуҳамедов — Ойбек тезлик билан Кавардонга етиб келиб, дўсти Омилбой Ёқубов (ўша даврда Омилбой ака Кавардондаги машҳур «Меҳнат — Бирлик» колхозининг кўзга кўринган раиси эди) билан меҳмонларни қаерда, қандай қилиб кутиб олишни маслаҳатлашади. Омилбой Ёқубов дўстига қараб: «Сиз хижолат чекманг. Биз меҳмонларни кўнгилдагидек кутиб оламиз» дейди. Шундай қилиб, 1948 йил 18 май кунини Кавардонга ташриф буюрган меҳмонлар учрашувдан ва меҳмондорчиликдан ғоят хурсанд бўлиб қайтадилар. 1951 йили Ойбек касал бўлганидан кейин ҳам ҳар йили ёз пайтларида, вақтини доимо Кавардон қишлоғида ўтказиб, «Қутлуғ қон» романининг давомини, «Болалик» асарини асосан ана шу табаррук жойда ёзиб тугатган.

Ушбу рисола муаллифи кейинчалик Ойбек, Фафур Ғулом каби улуг алломаларни шу ерда — Қорасув дарёси бўйларида учратиб, ҳамсуҳбат бўлган. Уларнинг китоб дастхатларини олган.

Шу ўринда кавардонлик Ўрмон отанинг бир ҳикояси ёдимга тушади.

— Ойбек домла 1955 йилнинг ёзида менинг уйимда истиқомат қилди, — дейди у. — Саҳардан от миниб, тутзор, тўқай, далаларга ёлғиз ўзи чиқиб кетарди. Кимсасиз жойлардан ёввойи мевалар — маймунжон, зираворларни териб келардида, енгил-елпи тамадди қилиб ҳазиллаша кетарди:

— Ўрмон ака, мардикор керакми?

— Ҳа, — деб қолсам борми, пўрим кийимларини ечиб, этик, чопон кийиб, барини белбоғига маҳкам қистирганича:



— Мана, мардикор келди. Нима қилсин, кетмон билан ер чопсинми? — дея ҳазиллашарди.

— Ҳа, майли, — дердим мен ҳам. У кенг кафтларини бир ҳовуч тупроқ билан ишқалардида, гурс-гурс ер чопа бошларди. Ҳазил-ҳузул билан иш шундай бошланардики, кейин ҳай-ҳай... асти қўйверасиз... «Ҳа бўлди, қўйинг энди» деганимга ҳам қарамай, чунонам кетмон урардики, азбаройи қора терга тушиб кетарди.

... Ва ниҳоят, шудгордан чиқиб, бир чойнак яхнани симиранди-ю, яна пайровга тортарди:

— Хўш, хўжайин, энди мардикор ҳаққини тўланг.

— Чопган ерини чопилмаган ердан баттар заранг қилиб, теп-килаб ташлайдиган мардикорга ҳақ йўқ.

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳо-о... У узоқ завқланиб куларди... Меҳнат ва уруш фахрийси, қарийб олтмиш йиллик умрини ёш авлодни тарбиялашга бахш этган, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган ўқитувчи Зухриддин ака Ёқубов ҳам шундай бир ажойиб воқеани гапириб берганди:

— Таниқли адибимиз Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди Кавардон қишлоғи билан узвий боғланган, — деганди домла. — Чунки, 1935 йилдан 1968 йилгача Кавардон унинг учун худди ўзи туғилиб-ўсган даргоҳдек азиз бўлиб қолган эди. Ҳар йили ёз пайтлари Кавказ, Қрим дам олиш масканларига бормай, фақат Кавардонга шошилиб келар эди. Қишлоқ аҳли ҳам унинг энг яқин қадрдонларига айланган, яқин суҳбатдоши бўлиб қолганди. Ерлик халқ билан ака-укадек бўлишига асосий сабаб, бу биринчидан, Ойбекнинг оддийлиги, халқ билан ҳамдардлиги, иккинчидан, ерли халққа бўлган меҳр-муҳаббати эди. У халқ дардини юракдан ҳис этар, ҳаёт тарзи тўғрисидаги турли фикр-мулоҳазаларини қунт билан гапираётган одамнинг сўзини бўлмай эшитар ва ўзига тегишли хулоса чиқариб олар эди. У дўсти Омилбой акага шундай деганди:

— Мен ўзимни шу қишлоқнинг ҳақиқий аъзоси, деб ҳисоблашга ҳаққим бор. Чунки, ижодимнинг энг гуркираган вақтларида ўз асарларимни ёзиш учун бу ердан керакли маънавий озук, куч ва мадад олдим. Мен бундан жуда хурсандман. Мен қишлоқнинг фахрий фуқаросиман.



Дўстлар даврасида.

Ҳа, вақт ўтаверар экан. Дарёлардан қанча-қанча сувлар оқиб ўтди ҳам. Каварна, Камарбанд номларига эга бўлган қишлоқ бугун Кавардон номини олган. Бу ерда туғилиб-ўсган, аини пайтда турли соҳаларда меҳнат қилаётган жуда кўплаб таниқли кишиларни учратиш мумкин. Улар орасида олимлар, шоирлар, машҳур журналистлар, ёзувчилар, академиклар, таниқли муҳандислар, элга танилган юристлар, тиббиёт ходимлари, санъаткорлар бор...

Кавардон эса, ҳамон ўша-ўша гўзал. Икки дарё — Қорасув ва Ҳамдам (давоми Паркент) канали оралигида жойлашган қишлоққа келган ҳар бир меҳмон унинг табиатига, хушманзаралигига, жамолига мафтун бўлмай иложи йўқ. Кавардонликлар эса, меҳмондўст, мард халқ. Улар ўз қишлоқлари тарихи, жаҳонгашта одамлари билан ғоятда фахрланадилар.

Устоз Ойбек ҳақиқатан барҳаёт сиймолардан бири. Унинг ўткир тафаккури билан яратилган асарлари ҳар бир ўқувчининг қалбига нур сочиб турибди. Ойбек асарлари қаҳрамонлари давр билан, эллар билан ҳамиша ҳамнафас. Айниқса, унинг «Олтин водийдан шабадалар» романидаги образлар тимсолида кавардонликлар кўз ўнгимда гавдаланади. Кавардонликлар хотирасида Ойбекнинг шахсияти, буюклигидан ҳам, ўта соддадиллиги, камтаринлиги мангу яшайди.



ЎЗИМИЗНИНГ ҒАФУР ҒУЛОМ

*Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ғаниматдир, шох сатрлар-ла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.*

Ғафур ҒУЛОМ



Ғафур Ғулом

Ғафур Ғулом деганда кўз ўнгимизда ўзбекнинг забардаст халқ шоири гавдаланади. Ғафур ака табиатан хушчақчақ инсон эди. У она табиатни жуда севарди. Шунинг учун ҳам уни Тошкентдан 30 чакирим нарида жойлашган икки дарё оралиғидаги сўлим ва гўзал Кавардон қишлоғи жуда мафтун этган эди. Ёз ойлари у ҳамкасб, ижодкор дўстлари билан шу ерда — Кавардонда дам олар, ижод қиларди. Кенг бедазорларда от миниб, сайр қилиб юрганлари, гоҳида

бедана овида иштирок этиб, болалардек қувнаб турганларини кўп бор гувоҳи бўлганмиз. Бизларни ёнларига чақириб олиб, эркалаб қўярдилар, қўлимизга конфет ҳам тутқазардилар.

Ғафур ака Кавардонга тез-тез ташириф буюрар, ҳар келганида янги дўстлар орттириб қайтарди. Кавардонлик Пўлатхўжа бува унинг энг яқин дўсти эди. Пўлатхўжа Сиддиқхўжа ўғли — Сувчининг фарзандлари ҳозир ҳаёт. Қуйидаги ёдномалар уларнинг тилидан ёзиб олинган.



Бугун биз уларни қозоғза қайд қилишни журналистлик бурчимиз деб билдик. Зеро, бундан мақсад, устоз академик шоирни яна бир бор эслаб, ҳаётининг очилмаган қирраларини азиз ўқувчига таништиришдир.

Туртки

Ёз кунларининг бирида ҳовлидаги узум сўриси тагидаги сўлимгина супада Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» китобини ўқиб ўтирардик. Ҳассасини дўқиллатганича эшикдан Мансур бобо кириб келди. Биз бир зум китобдан кўз узиб Мансур бобо билан кўришдик.

— Кўп яшанглар ўғилларим, кўп яшанглар, китобда ҳикмат кўп. Хўш, қандай китоб ўқияпсизлар?

— Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» китобини, — дедик бидирлаб.

— Қайси Ғафур Ғуломнинг? Ўзимизнинг Ғафуржонними?

— Ия, бобо, ўзимизнинг Ғафуржонними деганингиз нимаси?

Мансур бобо қаҳ-қаҳа уриб кулиб юборди. Биз бобомиз нима сабабдан бунчалар қаҳ-қаҳ уриб кулаётганлигига ажабланиб, ҳайрат билан қараб турардик.

— Эй, болаларим, ахир, ўша сизлар айтаётган катта шоир қишлоғимизга узоқ йиллар келиб-кетиб юрган ўзимизнинг Ғафуржон бўлади-да!

— Бундан чиқди, биз мактаб дарсликларида ўқиб ўрганаётган атоқли адиб Ғафур Ғулом бизнинг қишлоққа келган экан-да?!

— Ҳада, у киши қишлоғимизга келибгина қолмай, ҳатто бир неча ойлаб яшаб, ижод этганлар. Ҳамқишлоғимиз Пўлатхўжа ака билан Ғафуржон жуда қалин дўст эди. Пўлатхўжа ака ўша кезларда «Сувчи» тахаллуси билана шеърлар ҳам ёзарди. Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат, Элбеклар билан ҳам дўст бўлиб, улар билан тез-тез ижодий алоқада бўлиб турарди. Қишлоғимиз Кавардонга ҳам Ғафуржонни илк бор Пўлатхўжа ака олиб келган.

— Пўлатхўжа бува ҳозир ҳаётми?

Мансур бобо бошини сарак-сарак қилди: «Эй болаларим, Пўлатхўжа акага ўхшаган қанчадан-қанча яхши одамларни баъзи ғаламислар не-не тухмат балосига дучор қилмадилар. Пўлатхўжа аканинг дўстларини қамоққа ола бошлаганда, уни



ҳам четлаб ўтмадилар. 1933 йил уни ҳам қамоққа олдилар. Пўлатхўжа ака шу кетганча қишлоққа қайтиб келмади. Яқинда аллакимдандир Пўлатхўжа акани «Гулистон» журналида оқлаб ёзибди, деганини эшитиб беҳад хурсанд бўлдим. Ҳақиқат борлигига имон келтирдим.

... Ана шу сизлар мутолаа қилаётган «Шум бола» китобини менга ҳар гал қизим Соҳиба ўқиб берганида қишлоғимиз кишилари кўз олдимга келарди. Шу китобнинг айрим боблари Кавардонда ёзилмаганимкан, деган ўй дилимдан ўтади...

Кўп ўтмай Ҳадича бувимиз, Ўрин момо, сўнг биз учун меҳрибон ва азиз бўлган Мансур бобо ҳам оламдан ўтдилар.

Лекин ҳар гал Фафур Ғуломнинг «Шум бола» китоби асосида ишланган кинофильмни ойнаи жаҳон орқали кўрганимизда болалик кезларимиз, бобомиз билан бўлган суҳбат хаёлга келар ва атоқли адибнинг ростдан ҳам она қишлоғимиз Кавардонда бўлган бўлмаганлигига қизиқиш бизни изланишга чорларди...

Танишув

1926 йиллар кавардонлик Пўлатхўжа Сиддиқхўжа ўғли — Сувчи республикамизнинг энг кўзга кўринган ишчи-деҳқон муҳбирларидан бири эди. «Қизил Ўзбекистон», «Камбағал деҳқон», «Батрак» газеталари, «Муштум» журнали саҳифаларида унинг турли мақолалари босилиб тураркан.

... Бир куни Пўлатхўжа ака «Муштум» журналига боради, Абдулла Қодирий ўтирган хона эшигини аста тақиллатади.

Ичкаридан: «Кираверинг!» деган овоз эшитилади.

— Ассалому алайкум, домла, — дея хонага бошига дўппи, эгнига ола чопон кийган, қоп-қора мўйловли Пўлатхўжа ака кириб келади.

— Ва алайкум ассалом, келсинлар, Сувчи, қадамларига ҳасанот, — дея Қодирий домла ярим ҳазил ила қўл бериб кўришади.

Қодирий домланинг ёнида эса, Пўлатхўжа ака учун нотаниш бўлган ўрта бўйли, қадди-қомати келишган, чاقнаб турган бир ёш йигит ўтирарди.

Абдулла Қодирий бир дақиқали жимликдан сўнг «Пўлатхўжа, бу йигит ўзимизнинг ўсиб келаётган истеъдодли шоир укаларимиздан — Фафур Ғулом бўлади», — дея таништиради. Бу танишув



Пўлатхўжа аканинг Ғафур Ғулом билан дўст ва тутинган ака-ука бўлишига олиб келади.

Пойқадам

1928 йилнинг тароватли ёзида Пўлатхўжа Сиддиқхўжа ўғли — Сувчи дўсти Ғафур Ғуломни қишлоқ ҳаёти билан таништириш мақсадида уни она қишлоғи Кавардонга таклиф қилади. Ғафур Ғулом ўзининг бир неча қаламкаш дўстлари билан чанг ва ўнқир-чўнқир йўللардан юришиб, Кавардонга кириб келишади. Қишлоқнинг сўлим табиати, мусаффо ҳавоси, шоиртабиат одамлари буюк шоирни бутунлай ўзига мафтун қилиб олади. Шу-шу бўлади-ю, Ғафур Ғулом Кавардон қишлоғига тез-тез келадиган бўлади. У ҳар гал Кавардонга келганида қишлоқ ёнидан оқиб ўтадиган Қорасув дарёси бўйларига тушиб ҳордиқ чиқарар, Хонтепа ва Хонимтепа каби тепаликларга чиқиб, Хонариқ бўйларида сайр қиларди. Қишлоқ кишилари билан эса, узоқ-узоқ суҳбатлар қуриб, мушоиралар ўтказишар эди. Буларнинг барчаси Ғафур Ғуломнинг ижодий фикрлашига тўртки берарди...

Бир келмади

*(Пўлатхўжа Сиддиқхўжа ўғли Сувчининг синглиси
Умринисо ая ҳикояси)*

— Мен ўша кезларда Ўрта Осиё бюроси қошида очилган хотин-қизлар курсида ўқир эдим, — дея ҳикоя қилади ая. — Ана шу вақтларда домла Ғафур Ғулом қаламкаш дўстлари — Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳорлар билан тез-тез Кавардонга келишиб, бизнинг уйда меҳмон бўлишарди. 1929 йилнинг февраль ойида мен хотин-қизлар курсини тугаллаб, йўланма билан Тошкентдаги САГУ (Ўрта Осиё Давлат дорилфунуни) қошида очилган икки йиллик курсга ўқишга кирдим. Менда ҳам ўша кезлари журналистикага бўлган ихлос жуда баланд эди. Менинг турли хатлар ва мақолаларим жумҳурият радиосида эълон қилинар, «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи», «Шарқ ҳақиқати» каби газеталар саҳифаларида тез-тез босилиб турарди.

Бир куни ўқишдан чиқиб уйга келсам, акам Пўлатхўжа дардга чалиниб, касал бўлиб ётган эканлар. Дўсти Ғафур Ғуломни сўраб,



соғинганидан кўргани келмади-я, деб гина қилган бўлдилар. Ўшанда акам Пўлатхўжа онамиз номидан дўсти Фафур Ғуломга ҳазил тариқасида шеърый мактуб йўллаб, уни мендан бериб юборган эди. Шеър шундай ёзилган эди:

*Ёру дўст келди, ҳамон Фафур уканг бир келмади,
Дард чекиб бўлдим ёмон, Фафур уканг бир келмади,
Сен деган эрдинг укам, Аҳрор ила бўлди икков,
Бўлмади сен йўлаган, Фафур уканг бир келмади.
Келмаса ҳам бўлсин омон дўстларингни барчаси,
Энг қадрли ҳам жонажон, Фафур уканг бир келмади,
Йўлама қилди ҳазар деб, балким қўли тегмагандир,
Қиш ҳавоси, йўл ёмон, Фафур уканг бир келмади.*

Мен шеърни олиб борган кунимнинг эртасигаёқ, домла Фафур Ғулом шеърни қўлига олганча, «А, ойи, қиш ҳавоси, ўзингиз биласиз, йўл ёмона», — деганча онамиз Савринисо аянинг олдига кулиб кириб келган эди.

Ҳа, Фафур Ғулом ана шундай хушчақчақ ва кулгисевар, ажойиб инсон эди.

Совға

1930 йилнинг ёзи. Пўлатхўжа Сиддиқхўжа ўғли ҳамқишлоқлари Ўрмон-тегирмончи, Шертай-фирқа, Нормат-бригадир, Нуъмонхўжа-ҳисобчи ва Иван Бондаренко, Тўлаган Рўзиев сингари ёшлар билан Кавардон қишлоғида биринчи «Меҳнат-бирлик» жамоа хўжалигини тузишади. Хўжаликнинг биринчи раиси Пўлатхўжа аканинг ўзи бўлади.

Домла Фафур Ғулом Кавардонга Пўлатхўжа ака хонадонига тез-тез келиб турарди. Янги тузилган «Меҳнат-бирлик» колхози далаларига чиқиб ғўза ривожини кўздан кечирар ва колхозчилар билан суҳбатлар қурарди. Булар эса, Фафур Ғуломни янги асарлар ёзишга ундар эди, албатта.

Ана шундай кунларнинг бирида Пўлатхўжа аканинг умр йўлдоши Пайзинисо опа ҳовлидаги сўлимгина супада рўмолча тўқиб ўтирарди.



— Пўлатхўжа ака, ҳо, Пўлатхўжа ака, — деганча домла Фафур Ғулом дафтар-китобини қўлтиқлаб эшикдан кириб келди.

— Қайним, келинг-келинг, қайси шамол учирди. Боягина Мунисхон йўл қараётган эди... Бугун меҳмон келаров десам, акангиз Фафуржон келса керак деган эди? Билмадим, сизнинг келишингизни қаёқдан биларкин?!

— Ҳорманг, янга, ҳорманг! Бу Пўлатхўжа акам мени меҳмонга келишимни тушларида ёки фол очиб билсалар керакда! Йўқса, мени қишлоққа айнан бугун келишимни қаёқдан билар эдилар. Бу дейман, акамнинг ўзлари кўринмайди. Ёки яна қимиз-пимиз ичгани кетдиларми?!

— Эй, Фафуржон, қайним, ана шундай долзарб кунларда акангиз вақтларини беҳуда ўтказармидилар.

Хатто бир пиёла чой ҳам ичмасдан каллаи саҳардан далага кетган эдилар. Ҳадемай келиб қолсалар керак.

— Пўлатхўжа акам колхоз тузиб, унга раис бўлганларидан бери ижодни кам қилаётганга ўхшайдилар. «Муштум» ва «Қизил Ўзбекистон»да камроқ кўринмоқда.

— Ҳа, акангиз Тошкентдан қайтгач, колхоз тузиб, унга раис бўлганларидан бери хўжалик ишларига берилиб, ёзув-чизув билан камроқ шуғулланмоқдалар.

— Янгажон, рўмолча тўқишга ҳам жуда уста экансизку! Бунинг устига тез ва чиройли тўқидингиз.

Пайзинисо опа эндигина тўқиб бўлган рўмолчани чиройли қилиб тахлаб, Фафур Ғуломга узатар экан: — «Олинг, қайним, бу сизга мендан совға», — дея тухфа қилдилар.

Ҳа, ўшанда бу совғани Фафур Ғулом «Раҳмат! дея қабул қилган экан.

Олмосхоннинг дугонасимисан?

(Пўлатхўжа Сиддиқхўжа ўғли Сувчининг қизи
Мунисхон ая ҳикояси)

Фафур Ғулом 1931 йилнинг бутун ёз фаслида, бизнинг Хонимтепа ёнидаги эски уйда истиқомат қилганди. У киши табиатан қувноқ, дилкаш инсон эди. Айниқса, Фафур амаким ёш болаларни жуда яхши кўрарди. Мен ўша кезларда 3-4 ёшли қизалоқ эдим.



Ғафур амаким билан бўлган кўплаб учрашув ва суҳбатларнинг айримлари хотирамда.

Кейинчалик мен Ғафур амаким билан 1954 йилнинг жазира-ма ёзида учрашдим. Ўшанда мактабни тугаллаб, Тошкентдаги педагогика билим юртига ўқишга кириш учун борган эдим. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, синов комиссиясидан эса ўта олмай, Ғафур амакимнинг Бешёғочдаги уйига бордим. Мени ўзлари илиқ кутиб олдилар. Аввалига мени танимадилар шекилли, шинамгина хонага таклиф қила туриб, «Сен Олмосхоннинг дугонасимсан?» — дея сўрадилар. Мен эса, «Йўқ, дўстингиз Пўлатхўжа Сиддиқхўжа ўғли — Сувчининг қизи Мунисхон бўламан», — дедим.

— Э, кавардонлик Пўлатхўжа аканинг қизиман дегин, бўлди-бўлди, танидим... Яқиндагина кичкина қизалоқ эдинг... Эҳ аттанг, Пўлатхўжа ака ифвогарларнинг туҳматига дучор бўлмаганларида ҳозир орамизда бўлган бўларди, — дея Ғафур амаки бош чайқадилар.

Ўша куни амаким мени етаклаганча педагогика билим юртига олиб келиб: — «Бу қишлоқда пахта териб келган қиз, у албатта шу ерда ўқиши керак», — дея мени ўқишга жойлаб қўйдилар.

Ғафур амакимнинг ана шу ёрдами билан мен педагог бўлиб етишдим, ёш авлодга 30 йилдан ортиқ таълим-тарбия бердим.

Сўнги учрашув

Домла Ғафур Ғулом билан ҳамқишлоқларимиз сўнги маротаба 1964 йилнинг ёзида Кавардонда учрашган эканлар. Ўшанда домла Ғафур Ғулом ўзи билан бирга домла Ойбек, адабиётшунос олим Ҳомил Ёқубовларни ҳам олиб келган экан. Улар ўша куни Кавардон қишлоғидан ўтувчи Қорақалпоқ анҳори ёнидаги чойхонада шеърят кечаси ўтказишиб, ўзларининг янги ёзган шеърларидан ўқиб беришибди. Ўшанда домла Ғафур Ғулом ўзининг «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» деган шеърини ўқиб берган экан:

... Шеър ўқийлик Лутфийдан, Навоийдан,
Бедил, Фурқат, Пушкин ила Жомийдан.
Кейин қолмай замона айёмидан,
Дил ёрисин мисралар илҳомидан.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим...



Кечга яқин домла Ғафур Ғулом қаламкаш дўстлари билан қишлоқнинг тор кўчаларидан аста ортга қайтар экан, қишлоқ узра шоиримизнинг қуйидаги сатрлари жаранглар эди:

*Кекса шоир тилидан овозимиз,
Шундай ўтсин ҳар баҳору ёзимиз.
Кўп кўринсин сизга қўйган озимиз,
Дўстлар учун жонимиз, ниёзимиз.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим.*

Кавардонликлар домла Ғафур Ғулом билан қишлоқда сўнгги бор учрашётганликларини ва унинг хушчақчақ чеҳрасини бошқа такрор кўрмасликларини хаёлига келтирмаган эдилар.

Орадан роппа-роса икки йил ўтгандан сўнг, радио машъум хабарни эълон қилганда, юзлаб китобхонлар сингари кавардонликларнинг ҳам вужуди ларзага тушганди...

Юқоридаги ҳикояларни тинглаб, марҳум бобомизнинг сўзлари қулоқларимиз остида яна бир бор такрор янграйди:

«Ўзимизнинг Ғафуржонми...?»

Ҳа, Ғафур Ғулом биз — кавардонликларнинг ўз Ғафур Ғуломимиз эканлигига ишонч ҳосил қилдик*.



Латифжон Мансуров (ўнгдан иккинчи) устозлари даврасида.

* Ушбу мақола шогирдим, кавардонлик ёзувчи Латифжон Мансуров билан ҳамкорликда тайёрланган.



«ЁД АЙЛАНГ БУ КАМТАРИН ЧУСТИЙНИ»

Хотира — муқаддас, у қалбдаги мисоли бир ҳайкалдир. Ўтганларнинг руҳини шод этмоқ эса, биз тирикларнинг бурчимиздир. Айниқса, улуғ кунларда улуғларни ёд этмоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳазалнавис шоир Чустий ана шундай улуғ, беназир инсонлардан бири эди. Камина домланинг кўп суҳбатларида бўлиш шарафига муяссар бўлган. Чустий домланинг Чуст туманидаги Ғова қишлоғида ёзги дала ҳовлиси бор эди. Бир куни шу ерда дам олаётган эканлар. Зиёрат қилгани кирдим, мени кўриб, хурсанд бўлиб кетдилар. Табиатан одамохун эмасми, қучоқ очиб:



Чустий

— Келинг, тақсир, кўришмаганимизга ҳам анча бўлиб қолибди, бу оламда нима гаплар? — дея мени бағрига босдилар.

Мен ҳам «Бу олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса бас» дея у кишининг ғазалидан бир сатр ўқиб, жавоб бердим. У киши мамнун ҳолда мийиғида кулдилар-да, ҳозиржавоблик билан тўрт қатор шеър ўқидилар:

*Учарга фикру зикрингиз менинг икки қанотимдир,
Кўришган пайтимизда чехрангиз янги ҳаётимдир...
Ширин суҳбатларингиз ком аро қанду наботимдир,
Дилим андуҳи ичра меҳрингиз ноёб бисотимдир,
Сўзингиз менга дурру бебаҳо, ҳуш келибсиз энди...*



**Муаллиф Чустий
бьюсти ёнида.**

Чустий домла ҳаётда тақводор, шариат аҳкомларига қатъий риоя қилгувчи, очик чеҳра, хушчақчақ, меҳмоннавоз, қариндош ва дўстларига оқибатли, ўзгаларнинг оғирини енгил қилгувчи, ёмонликка ҳам яхшилик қайтаргувчи ва ғийбату ифвондан йироқ киши эдилар. Фарзандлари отасига нисбатан қилинаётган ноҳақликлардан ғазабланиб, у кишининг душманлари ҳақида гапирганларида, уларни уришиб: «Бировни маломат қилманглар!» — дер эдилар. Мен ўзларининг ҳам бирор марта бировни ёмонлаб гапирганларини билмайман.

У киши, ҳатто энг оғир кунларда ҳам яратганга шукр қилиб: «Менинг Ёзувчилар уюшмасидан четлатилганим — саодатимдир! Чунки улар сафида қолганимда, билмадим, ким бўлар эдим, бу — Оллоҳ таолонинг мени ҳидоят қилганидур!» — деб айтар эдилар. Баъзан, Чустий домланинг душманлари фарзандларига ҳам тажовуз қилганларида, у киши: «Одатда, иймонсиз, Оллоҳ таолодан қўрқмайдиган, қилган ёмонликлари учун охиратда жавоб бермоғига ишонмайдиган кимсаларгина шундай қилади, қўяверинглар, асло сиқилманг, чунки жаноб Расулуллоҳ: «Бу дунё улар учун, охират эса биз учун» — деб марҳамат қилган», дер эдилар.

Чустий домла 1904 йилда Чуст шаҳрида таваллуд топганлар. Отаси Нурруллоҳхўжа тўқувчилик билан машғул бўлганлар, тирикчилик юмушларидан ҳоли кезларида гўзал ғазаллар битганлар, тахаллуслари «Туробий» эди. Ёш Чустийнинг қўлларига илк бор қалам тутқазган ҳам ана шу киши эди.

Чустий дастлаб Чустдаги эски мактабларда таҳсил кўрган, форс ва араб тилларини, Навоий, Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Бедил, Фузулий каби шоиру мутафаккирлар ижодини чуқур ўрганган. Ислом дини тарихи, фикр, нотифик, аруз илмини мукаммал ўзлаштириб, Қуръони Каримни тўла ёд олган, жуда ёшлигиданок шеърятга ҳавас қўйган.



1917 йили Набихон Хўжаев(Чустий)нинг отаси оиласини Чустдан Қўқонга кўчириб олиб келади. Ёш Набихон ўқишни шу ердаги эски мактабларда давом эттиради ва айнан шу ерда ўз ғазаллари билан элга танила боради, шеърлари маҳаллий матбуот саҳифаларида чоп этилиб, ҳофизлар репертуарларидан мустаҳкам ўрин ола бошлайди. 1939 йили Навоий таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик кўриш муносабати билан Чустий ва домла Чархий Қўқондан Тошкентга чақирилади, мақсад — уларни Навоий асарларини ўрганиш ишига жалб қилиш эди. Шу йили Чустий Тил ва адабиёт институтига адабий эмакдош қилиб тайинланади. Қўқондалик вақтида чин шеърийат мухлислари эътиборини қозонган шоир ижоди пойтахтга келганларидан сўнг, янада равнақ топади, қатор шеърий тўплamlари нашр қилинади. «Қўзғол», «Шамшир», «Лолазор», «Ҳаёт завқи» номли шеърий тўплamlари, «Даврон ота», «Қурбон Умаров», «Қўчқор Турдиев» номли саҳна асарлари, «Зафарнома», «Кийикнома», «Тирик жаннатга кирган кампир», «Боғи Эрам» каби дostonлари шулар жумласидандир. Республика матбуоти ва радиосида кўплаб ғазаллари эълон қилиниб, таниқли ҳофизлар томонидан куйлана бошлайди. Чустий Фарғона каналлари, Каттақўрғон сув омбори, Фарҳод ГЭСи каби халқ қурилишларида ўз ғазаллари билан иштирок этиб, эл муҳаббатига сазовор бўлади. Унинг шеърлари, айниқса, уруш йилларида кенг шуҳрат топади. Радио ва концерт залларида асосан у кишининг ғазаллари янграйди. Ҳатто фронтлардаги ўзбек жангчилари Чустий ғазалларидан бирини айтганича жангга кирадилар.

«Гадонинг душмани гадо, бўзчининг душмани бўзчи» деганларидек, Чустийнинг бу қадар шуҳрат топиб бораётгани чин истеъдод душманлари бўлмиш баъзи сохта шоиру ёзувчиларнинг ғашини келтира бошлайди, чунки халқ ҳеч қаерда улар ёзган нарсаларни эшитмоққа иштиёқ билдирмас, дастур бўйича саҳнага чиқиб қолсалар «Дийдиёнгни, чўпчагингни онангга ўқиб бер» дея уларни саҳнадан тушириб юборар эди. Ҳақиқий олтин нима эканлигини яхши фарқлай оладиган халқни ўзларининг ўтмас матоҳлари билан алдай олмаган мазкур чин истеъдод душманлари чор атрофга зир югуриб, Чустий хусусида турли ифво-ю, бўҳтонлар тарқата бош-



лайдилар. Улар бу билан чекланиб қолмай, ўзаро тил бириктириб, қатъий ҳужум режасини тузадилар: домланинг ижодий кечаларини уюштириб, шу баҳонада у кишини эл олдида бадном қилмоқчи бўладилар. Аммо, уларнинг бу машғум режалари чиппакка чиқади. Чустий душманлари атайлаб танқидий кечага айлантириб юборган ижодий кечаларда берилган саволларга, ғаразли фикрларга тўлатўқис жавоб бериб, эл олдида ўзини оқлаб олади. Унинг ижодидан айб топа олмаган душманлар энди у кишидан бирор сиёсий нўхсон ахтаришга киришадилар. Лекин бунга эриша олмасалар-да, ўзлари тўқиган турли иғво-ю, бўҳтонларни асос қилиб олиб, 1946 йили Чустийни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан четлатадилар, радио ва матбуот саҳифаларида асарларини эълон қилдирмай қўядилар. Чустий ўша куни ўз ижоди билан хайрлашиб, қуйидаги шеърни битган экан:

*Кетарман марҳаматсиз дилрабо, кўргунча хайр энди,
Дилу тошу ситамгар, бевафо кўргунча хайр энди.
Эрур расми муҳаббат айрилиққа тоқат этмаслик,
Нечунким кўнглимиз бўлмас жудо, кўргунча хайр энди.
Кезарман бу юришда боғу дарё, тоғу саҳрони,
Муяссар бўлмагунча муддао, кўргунча хайр энди.
Кўриб ҳолимни Мажнун даштида бечора оҳулар
Менга раҳми келиб дерлар дуо, кўргунча хайр энди.
Куярман оташи ҳижрон аро, лекин умидим бор,
Агар кўрсамда, Чустий, минг жафо, кўргунча хайр энди.*

Лекин тез орада адолат устун келиб, Чустий домла уюшма аъзолигига қайта тикланади. Шундай бўлса-да, душманлар барибир тинчимайдилар. Яна бўҳтон устига бўҳтон, иғво устига иғво тарқатишда давом этадилар. 1948 йили ўғли Музаффархоннинг хатна тўйини қилади. Ана шу тўйда Чустий шаънига баландпарвоз сўзлар айтиб, қадаҳ кўтарган душманлар учун бу айни муддао эди. Орадан тўрт йил ўтгач, Усмон Юсупов Москвага СССР Пахтачилик министри қилиб чақириб олингач, душманлар Чустийни диний маросим уюштирганликда айблаб, яна Ёзувчилар уюшмасидан



Чустий домла ҳамкасблари билан.

четладилар, у кишига: «Сиз ўғлингизни хатна қилдирдингиз, совет шоири бўла туриб диний маросим уюштирддингиз!» — деб айтишади. Шунда домла — «Айбим шу бўлса, ҳозироқ уйимга бориб хотинимга: «Иккинчи ўғил туғма!» — деб айтаман», — дейдиларда, уюшма биносидан чиқиб кетганича умрининг охирига қадар ҳам у ерга қайта қадам босмайди. Ўша кундан бошлаб радио ва матбуот органлари эшиклари Чустий ғазаллари учун бутунлай ёпилади. Аммо эл қалбидан мустаҳкам жой олган буюк ғазалнависнинг ғазаллари халқ орасида баралла янграйверади. Бу ҳақда домла бундай деб ғазал битганлар:

*Ҳар кимни сийласа эли, у кам бўлармиди,
Эл севмаган азизу мукаррам бўлармиди...
Чустий, элингни севки, сени сийлади элинг,
Ҳар кимни сийласа эли, у кам бўлармиди.*

Машҳур ҳофиз Жўрахон Султонов Чустийнинг ғазалларини радио ва матбуотда эълон қилишини тақиқлаб қўйишган ўша кунлар ҳақида эслаб: «Чустийни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан четлатишган куннинг эртасига биз ҳофизлар бундан буён радио ва концертларда кимнинг ғазалларини айтишни билмай қолган эдик,



чунки репертуаримизда Чустийдан бўлак шоирларнинг шеърлари деярли йўқ эди», деб айтган экан. Чин истеъдод душманлари Чустийни Ёзувчилар уюшмасидан четлатиб ҳам таскин топмадилар. Қисқаси, душманларнинг таъқибу таъқиқи 60-йилларнинг биринчи ярмига қадар сира бўшашмади. Шу йиллар давомида Чустий ҳам ўз ижодини бир дам бўлса-да, тўхтатгани йўқ, матбуотда босилмаса ҳам, радио ва телевидениеда айтилмаса ҳам, қўлаб газал, дostonлар битиб, йиғиб қўяверди, қатор шарқ классик ва замонавий шоирлар асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Саъдий, Ҳофиз, Хисрав Деҳлавий, Собир Термизий, Мирзода Ишқий, Мирзо Ғолиб, Жаъфар Ифтихор, Парвин Эътисомий, Али Сардор Жаъфарий асарлари шулар жумласидандир.

Доно халқимиз: «Ит ҳуради, карвон ўтади!» — деб айтганидек, душманлар харчанд тўсқинлик қилмасинлар, Чустий ижоди тош орасидан униб чиққан гул каби аста-секин рўёбга чиқа бошлади. Боиси — радио, телевидение ва матбуот органларида, оз бўлса-да, иймонли, адолатли, ҳақиқий заршуносларнинг пайдо бўлганлиги эди. Ана шундай кишилар Чустий ижоди йўлига қўйилган ғовларни, ўзларига зарари тегиши мумкинлигига заррача парво қилмай, бузишга киришдилар. Натижада, радио ва айрим газеталарда Чустийнинг шеърлари эълон қилина бошлади. «Ғазаллар», «Гул мавсуми» деган шеърый тўпламлари, шарқ классик асарларидан таржималари чоп этилди.

Аммо телевидениеда то Ўзбекистон мустақилликка эришмагунча, Чустий ғазаллари деярли эълон қилинмади, сабаби — домла ижодининг душманлари уяларидан бири ана ўша ерда эди. Мустақиллик шарофати билан телевидениега ҳам ватанпарвар, иймонли, адолатли кишилар кириб келди. Улар Чустий каби ноҳақ тўсқинликка учраган чин ижодкорлар асарларини экран орқали эълон қилмоқдалар.

Мана, ҳозирги кунгача кетма-кет учта девонлари — «Ҳаётнома», «Садокат гуллари» ва «Кўнгил тилаги», «Индамаслар олами» номли марсиялари чоп этилди, радио ва телевидение орқали Чустий ижодларига бағишланган махсус эшиттириш ва кўрсатувлар, концертлар бериб турилибди, видеофилмлар ҳамда ҳужжатли фильм яратилди,



домла ҳақида «Хотира» китоби нашрга тайёрланмоқда. Тошкентда кўча, мактаб, маҳалла, кутубхона, Бекободда кўча, Қўқонда мактаб, Чустда кинотеатр, кўча, маҳалла, жамоа хўжалиги Чустий номи билан аталмоқда. Наманган, Қўқон ва Чустдаги музейларда у кишининг ҳаёт ва ижодларини ёритиш учун алоҳида хоналар ажратилган, таваллудларининг 90 йиллигига бағишлаб Тошкентдаги уч маҳаллада, ўзларининг номларидagi мактабда ва Қўқондаги театрда тантаналар бўлиб ўтди. 1994 йилнинг 19 августида, эса Чустда таваллуд кунларига бағишланган асосий тантана бўлиб ўтди, шу муносабат билан у ердаги Мавлоно Лутфуллоҳ боғида Чустийнинг буюсти ўрнатилди.

Чустий домланинг катта ўғли, шарқшунос олим, раҳматли Музаффархон Хўжаев менга шундай ҳикоя қилиб берган эди:

— Падари бузрукворимиз вафот этишларидан бир неча кун илгари Чустга етиб келгач, у ердаги ёру биродарларига, Қўқондаги дўстлари Ибодуллоҳ Раҳматуллаев ҳамда барча қариндошларга келганларини хабар қилдирибдилар. Улар ўша кунгек Говага етиб келишибди. Кейин, қариндошлар Қўқонга қайтиб кетаётиб, отамиз билан бирма-бир хайрлашаётганларида амакиваччамиз Мухторхон акам қўл бериб хайрлашибди. Шунда қиблагохимиз Мухторхон акамни бағрига босиб: «Эҳ, нодон, қучоқлашиб хайрлашсангчи, эртага ким бору ким йўқ!» — дебдилар. «Ўшанда мен ҳақиқатан ҳам нодонлик қилиб, амаким нимага ишора қилаётганликларини сира тушунмабман, бамайлихотир Қўқонга қайтиб кетаверибман» — деб эслаганди кейинчалик Мухторхон акам. Қариндошлар қайтиб кетишгач, падари бузрукворимиз Чуст ва Қўқондан Фавога чиқиб келган дўстлари билан тонггача ширин суҳбат қурибдилар, уларга ўша ерда битган янги ғазалларини ўқиб берибдилар. Эртасига эрталаб суҳбатни Чустдаги янги мазорда давом эттиришга қарор қилишибдида, йўлга чиқишибди. Бу мазор Чуст шаҳрининг энг баҳаво ерида бунёд этилган бўлиб, чор атрофи мевазор, серсув ва оромбахш шаббода маскани эди. Домла Ибодуллоҳ Раҳматуллаевнинг айтишларича, қиблагохимиз у кишига: «Аввал Мавлоно бувамнинг боғларига кириб, қабрлари тепасига борайлик, дебдилар. Отамиз ул кишининг руҳи покларига дуои фотиҳа қилибдилар. Кейин, бирмунча вақт ҳаёлот оғушига чўкиб, бо-



бомизнинг руҳлари билан суҳбатлашгандек бўлибдилар. Сўнг, кўзлари жиққа ёшга тўлганча ўринларидан туриб: «Чустда қолар эканман», — дебдилар.

Падари бузрукворимиз 1983 йилнинг 12 августида, шанба куни вафот қилдилар. Эртасига ул кишини дафн қилаётганимизда янги қазилган қабр атрофидаги оёқ ва ҳасса изларига кўзим тушди, булар кечагина отамиз қолдирган излар эди. Кейин, суриштириб билсам, қазо қилмасларидан бир неча соат бурун бу жойни ўзлари танлаб, атрофини айланиб чиққан эканлар.

Кекса журналист Қамариддин ака биз билан бир «дом»да яшайдилар. Ўша киши бир куни менга: «Отангиз бандаликни бажо келтирмасдан бир-икки ҳафта олдин ҳузурларига кириб эдим, шошиб нималарнидир ёзаётган эдилар, назаримда шеър эмас, балки каттароқ насрий нарсаси эди. Бисотларини ахтариб қўрингчи?» — дедилар. Мен отамизнинг қўлёзмаларини бирма-бир кўздан кечириб, бир катта дафтарга араб алифбосида ёзилган насрий матнни топдим, унга «Ўтмиш хотиралари» деб сарлавҳа қўйилган эди, ундан ташқари яна икки шеърини васиятларини топдим. Кейин, қўлёзмалари орасидаги бир кичик шеър диққатимни тортди, чунки унинг машинкаланган матни четида араб алифбосида битилган яна бир шеър бўлиб, унга «Ўқинглар» деб сарлавҳа қўйилган эди. Мана, ўша тўрт қатор шеър:

*Нуриллоҳхожа ўғли эрди бу, исми Набихожа,
Кичиклардан кичик қолдирди дўстларга асар Чустий,
У дунёдан хабар, саксон йил ўтди, келмагач, охир,
Бу дунёдан у дунёга олиб кетди хабар Чустий.*

Шеър остида эса «1983, август...» деган тарих ёзилган эди. Буларнинг барчаси «Кўнгил тилаги» номли девонларига кирди...

Ривоятга кўра, жума оқшомида ҳар бир маййитнинг руҳи қавм-қариндошлари, фарзандларидан дуо фотиҳа умидида қабридан чиқиб, ўз уйи оstonасига келиб ўтирар экан. Агар қавм-қариндошлари ёки фарзандлари Қуръон тиловат қилиб, унинг руҳига дуои фотиҳа қилаётган бўлсалар, шоду хуррам бўлиб ва



агар бундай қилмаётган бўлсалар, титраб-қақшаб қабрига қайтар экан-да, унинг бир бурчагида мунгли овоз билан йиғлаб ўтирар экан...

Ҳа, ўтганларнинг руҳлари шод бўлсин! Биз уларни доимо ёд олайлик. Зеро, бу биз тирикларнинг бурчимиздир.

Қуйида шоир Чустийнинг ҳали ҳеч қаерда эълон қилинмаган шеърларидан айрим намуналарни ўқийсиз.

Яхши

Йўлга чиқдинг, э кўнглим, юрма суст, жадал яхши,
Қолма катта карвондан, юргани маҳал яхши.

Келса тош кемир, дерлар, келса сув шимир, дерлар,
Гар ўқиб амал қилсанг, элда бу масал яхши.

Роҳат изласанг доим, енгиб ўт машаққатни,
Юз ўгирма меҳнатдан, эл аро синал яхши.

Йўл ёруғ, яқин манзил, юр, ҳақиқий эр бўлсанг,
Қошу кўзга банд бўлма, қолма, деб гўзал яхши.

Гар қазолмасанг, кўнглим, катта мавжли бир дарё,
Лоақал, қазиб боргил, чўлга бир канал яхши.

Ҳосилинг агар жомдир, қайта-қайта ишлов бер,
Чиқмаса у гал яхши, бўлгуси бу гал яхши.

Эртадан юриб то кеч, яхши гул ҳидин ҳидлаб,
Эл учун асалари ҳам, келтирур асал яхши.

Яхши изла сўз конин, инжулар териб чиққил,
Кўрган эл дегай яхши, яхши ҳар маҳал яхши.

Фикри суст гўзалдан ҳам, таъми кам асалдан ҳам,
Чустий, менга сермаъни, кичкина ғазал яхши.

**Ортиқчадир**

Элни қулликка солувчи зўравон ортиқчадир,
Берманг, ўз бошин есин, бир парча нон ортиқчадир.

Тўпланиб, ҳар жойда ётган бир хунук шиприндидек,
Янги дунё саҳнида эски замон ортиқчадир.

Жонимизга кимки қасд этса, унинг ҳолига вой,
Ҳайф эрур унга ҳаёт, жисмига жон ортиқчадир.

Яхшилар қанча кўпайса, шунча соз олам аро,
Ер юзида битта ҳам бўлса ёмон, ортиқчадир.

Кўр бўлур ким имтиҳон қилса, қуёшга тик боқиб,
Бу қуёш бизнинг замондир, имтиҳон ортиқчадир.

Эл дилига лиммо-лим тўлган садоқат гавҳару,
Дилга бундан бошқа сўз сиғмас, гумон ортиқчадир.

Қўймагаймиз кирғали дарвозадан ҳайдаб солиб,
Келса ҳар уйга ғаразлик меҳмон ортиқчадир.

Она юртда энди тинчлик лолазори яшинағай,
Чустий, эл бирлан юлиб ташила, тикон ортиқчадир.



«ЭЛГА ЯХШИЛИК ҚИЛҒИЛКИ, МУНДИН ЯХШИ ЙЎҚ...»

Мир Алишер Навоийнинг ижоди ва фаолиятига мана, олти аср тўлаптики, ҳали-ҳамон мутахассислар ва қизиқувчилар томонидан турлича тадқиқ қилиб келинмоқда. Бугун биз кичик бир тадқиқотимизда тарихий манбалардан маълум бўлган фактлар асосида Навоийнинг тадбиркорлиги ҳақида тўхталишни лозим топдик.

Алишер Навоий нафақат улуғ шоир ва давлат арбоби, балки бой-бадавлат мулкдор, саховатли сармоядор (ҳозирги тилда инвестор) инсон сифатида ҳам машҳур бўлган.

Навоий мол-дунёси ўзига етарли, тўқ, бадавлат киши бўлган. У умрини хайрли ва эзгу ишларга, халқ учун фойдали бўлган иморатлар — мадраса, шифохона, ҳаммомлар, дўкон ва расталар қуриш, боғлар барпо этиш, кўприклар қуриш, ариқлар қазииш ишларига бағишлаган. «Бобурнома»да Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига доир кўплаб қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Бобурнинг таъкидлашича, «Мунча бинойи хайр — ким ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлғай» дея Навоий амалга оширган бунёдкорлик ишларидан ҳайратланади.

Алишер Навоий ўз тасарруфидаги мол-мулкларининг асосий қисмини инсонпарварлик ишларига сарфлади. Мударрис ва талабаларга моддий ёрдам кўрсатди, уларга маош, нафақа тайинлади, таъминотини таъминлаб турди. Айниқса, мухтожларга моддий ёрдам кўрсатди.



Алишер Навоий ҳайкали.
Тошкент.



Алишер Навоий мамлакат ободончилиги, халқ фаровонлиги ва саломат яшашлигини бир дақиқа унутмас, давлат ва эл манфаатлари йўлида хизмат қилишни асосий мақсад деб билган. Ва ҳатто сарой кирдикорлари натижасида Навоий бир қанча вақт давлат ишларидан узоқлаштирилади — Астрабодга сургун қилинади. У ҳатто ўша жойдан туриб Ҳусайн Бойқаро ва сарой амалдорларига ёзган мактубларида мамлакатда ободончилик ишларини давом эттириш, шаробхона ва қиморхоналарни беркитиш, саройда майхўрликни ман этиш, бозорларда нарх-навони қаттиқ назорат қилиш, мактаблар ва шифохоналарни кўпайтириш каби тадбирларни амалга оширишни талаб қилган.

Навоий ўзи қурдирган шифохоналарнинг бирига «Шифоия» деб ном берган. Шеърят мулкининг султони Навоийнинг эзгу ишлари асрлар оша яшаб келмоқда. Ҳазрат Навоийнинг элу юрт фаровонлиги, халқ манфаати учун қилган яхшиликларини эсга олганда беихтиёр Бобур Мирзонинг «Элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ...» деган сатрлари ёдга тушади. Шоир ўз асарларида ҳар бир инсон умр кечиран экан, ўзидан яхши ном қолдиришини, бунинг учун Ватани, халқи фаровонлиги йўлида қайси бир соҳада меҳнат қилмасин, фидойи бўлиб ишлаши зарурлигини таъкидлайди.

Навоий «Вақфия» асарида келтиришича, подшолик томонидан тайинланган маошнинг ўз эҳтиёжига етадиганини олиб қолган, қолган қисмини эл-юрт фаровонлиги учун сарфлаган. Катта бир маблағни таълим-тарбия ривожига инвестиция (сармоя) ҳисобида киритиш бир қарашда фойда келтирмайдиган фаолият турига ўхшаб кетади. Аммо, Навоий тимсолидаги маҳаллий инвесторнинг бош мақсади молиявий манфаат кўриш эмас, балки маънавий ва маърифий фойда кўриш ҳисобланган. Бугунги кун тадбиркорларининг Навоийдан ўрнак олса арзийдиган фазилатлари бисёр.

Қисқа қилиб айтганда, буюк олим, мутафаккир ҳазрати Навоийнинг ижоди ва давлат арбоби сифатидаги қирралари ҳали ўрганилмаган. Уни келажакда тадқиқ этиш эса, биз — авлодларнинг ва ёшларнинг бурчидир, унинг адабий мероси ҳар бир замон учун азизу мукарамдир.



ТАДБИРКОР НАВОИЙ

Ҳар йили 9 февраль куни буюк донишманд ва мутафаккир, ғазал мулканинг султони Алишер Навоийнинг туғилган кунини кенг нишонлаймиз. Мана, таваллуд топган кунига 567 йил бўлибдики, халқимиз унинг ёдини ҳурмат билан тилга олади, навойихонлик кечаларини давом эттиради.

Зеро, донишманд ва давлат арбоби бўлган улуғ бобомиз бизга «Хамса», «Хазойин ул-маоний», «Маҳбуб ул-қулуб» каби асарларини қолдириб кетганларки, бу асарлар жаҳон маданиятининг дурдоналари ҳисобланади. Халқимизни дунёга танитган тафаккур даҳоси олдида таъзим бажо келтирмоқ биз — авлодларнинг, инсоний бурчимиздир.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Алишер Навоий бобомиз нафақат улуғ шоир, давлат арбоби, балки бой-бадавлат мулкдор, тadbиркор, саховатли инсон бўлган эканлар.

Ривоят қилишларича, Навоий ҳиротлик Шаҳобиддин исмли бир кишига садоқатли хизмати учун саҳийлик қилиб, чиройли бир от совға қилибди. Мартабали зотнинг бу саховатидан боши кўкка етган Шаҳобиддин Навоийга ҳаддан ташқари мулозамат кўрсатар экан. Баъзан бу мулозамат камтарин Навоийни ноқулай аҳволга солиб қўйган онлар ҳам бўлибди. Албатта, бундай ортиқча қилиқлар, лаганбардорлик, табиийки, ҳазрати Навоийга ёқмасди. Навоий қаерга от миниб борса, Шаҳобиддин ҳам соядек эргашар, остидаги чиройли эгар-жабдуқли отни ҳалойиққа: «Каминанинг камтарин хизматлари учун мана менга Алишер Навоий ҳадя этган ажойиб тулпорим шу бўлади», деб ҳаммага мақтанар экан. Шаҳобиддин қаерга борса, оғиз кўпиртириб мақтанишдан чарчамас экан.

Улуғ шоир эса ўзининг саховатини кўз-кўз қилинаётганидан ийманар, шу боис Шаҳобиддиннинг бундай хурмача қилиқларидан халқ олдида уяларди. Бу каби бачкана мулозаматлар авж олавергач, Навоий бир тadbир қўллабди. Сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган ҳолда бир ҳийла ўйлабди. Шоирнинг топшириғига кўра унинг бир чаққон хизматкори кечаси Шаҳобиддиннинг отини ўғирлаб, эрта тонгда отни бозорда сотиб юборибди. Бино қўйган отидан



айрилган Шаҳобиддин тўрт томонга югуриб, ўғрини ҳам, отини ҳам тополмабди. Охири иложи қолмай, яна Навоийнинг олдига бош эгиб келибди.

Воқеадан гўёки хабар топган буюк шоир Шаҳобиддинни тинчлантиргандай дебди.

— Наилж, сизга энди йўқотган отингизнинг баҳосини берамиз. Бу ҳам бўлса бир шарт билан.

Иложсиз қолган Шаҳобиддин Навоийга маъқул дегандай бош эгибди.

— Шартимиз шуки, бундан буён от сақламайсиз ва сафарга отланган чоғимизда бизга йўлдош бўлмайсиз.

Аросатда қолган Шаҳобиддин «йўқ» деса пулдан ҳам қуруқ қолишдан кўрқиб, шартга «Розиман, розиман, ҳазратим!» дебди.

Тадбиркор шоир хизматкорига от учун 94 танга санаб беришни буюрибди.

Шаҳобиддин бундан норози бўлиб:

— Ҳазрат, менга совға қилган тулпорингиз 100 тангага арзир эди. Нега олти танга кам баҳолаяпсиз, дебди.

Навоий ҳазратлари ҳоҳлаб қулиб дебди:

— Эй, Шаҳобиддин ука, отингизни бозорда бундан қимматига олмадилар-да!.



ДАҲОЛАР ЎЛМАЙДИ

ёки бир сурат тарихи

Академик шоир Фафур Фулом жаҳонгашта инсон эди. Унинг излари кўплаб шаҳарлару қишлоқларда қолган. Бу излар ўз навбатида одамлар қалбига кўчган. У ичакузди ҳангомалари, хушмуомалалиги, одамларга меҳрибонлиги, халқпарварлиги, истеъдодли ёшларни қадрлаш, қатор-қатор асарлари билан ўзига мангу ҳайкал қўйиб кетган улўф инсондир.

Ҳа, даҳолар ўлмайди. Уларнинг иккинчи умри ҳам бор. Бу умр боқий умрдир. Устоз Фафур Фулом ана шундай барҳаёт сиймолардан. У тафаккур билан яратган ёрқин асарлари ҳар бир инсон, ўқувчи қалбига нур сочиб туради...

Хотира ва Қадрлаш байрами арафасида «Адолат» газетаси таҳририятига таниқли тарихчи олим Мажид Ҳасаний кириб келиб қолди. Анча суҳбатлашиб ўтирдик. Шунда у менга ушбу (эътиборингизга ҳавола этилаётган) суратни кўрсатиб қолди. Суҳбатимиз мавзуси ўз-ўзидан академик шоиримиз хотираси билан уланиб кетди.

— Мен 50-йилларнинг охирида Душанбеда, яъни «Совет Тожикистони» газетасида ишлар эдим,— дея ҳикоя қилди олим. — Фафур ака билан асида 1950 йилдан таниш эдим. Тез-тез учрашиб ҳам турардик. Бир кун тўсатдан Тошкентга қақриб қолишди. Ҳайрон бўлдим. Сабаби нима экан?! Кейин билсам, устоз Фафур Фуломнинг ташаббуси билан мени Тошкентга ишга таклиф қилишган экан. Дарҳол устоз билан учрашиб, таклиф учун миннатдорчилик билдирдим. Аммо нимагадир ичимда иккиланиб турардим.

Фафур ака ниҳоятда сезгир инсон эди. У иккиланиб турганимни сезиб:

— Ҳа, йигитча, Тошкентнинг сувини ичган чумчуқ Макка-тиллодан қайтиб келади-ю, сиз нега иккиланасиз, деб қолдилар?



— Ҳа, энди устоз ... — чайналиб қолдим мен...
 — Тортинманг, гапираверинг.
 — Чумчуққа ҳам бошпана керак-да, — ҳазилга олдим мен.
 — Э, ҳа бўлди-бўлди, бу масалани ҳал этамиз, бу ҳақда ўйлаб ҳам қўйганмиз, бизга истеъдодли ёшлар керак, бўтам...

Ўша куни эртаси мени «Ўздавнашр» директори Абдулла Ўразаевнинг олдига олиб бордилар.

— Абдулла ака, — дедилар Ғафур ака хотиржамлик билан, бу йигитнинг келажаги бор, меҳнаткаш, изланувчан, заҳматкаш ижодкор. Мен анчадан бери унинг ижодини кузатиб бораман. Мавзуларни топади, билими пухта. Садриддин Айний ижодидан 8 томлик танланган асарларини тузиб, нашр эттирмоқда. Шундай йигитни сизга тавсия этайпман. Қимирлатмай ишлатинг, қир ошади...

Шу гап бўлди-ю, Тошкентда ишлаб қолдим. Шунга ҳам эллик йилга яқин вақт бўлибди. Келгуси йили устознинг юбилеи бўлади. Ғафур ака тўғрисидаги хотираларимни Худо хоҳласа, газетага ёзиб бераман.



**Мажид Ҳасаний (чапдан биринчи) академик шoir
Ғафур Ғулом ва шогирдлари.**



Орадан ҳеч вақт ўтмай, уй беришди. Жойлари жаннатда бўлсин, Ғафур аканинг меҳрибонлиги билан уйли бўлиб қолдим. Бу ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Шу уйга эшикдан, остона хатлаб кирар эканман, дарҳол кўз ўнгимда Ғафур Ғулом гавдаланади.


...Ўша қувончли кунлар арафасида буюк шоирни зиёрат қилгани Арпапоя кўчасидаги ҳовлисига бордим.

— Кел, бўтам, — дедилар Ғафур ака ҳар доимгидек хушчақчақлик билан. Душанбелик йигит билан бир суратга тушиб қўйайлик, — ҳов фалончи (сураткашнинг исми эсимда йўқ) қани бизни бир суратга олиб қўйчи...

Шу-шу ушбу ягона сурат менга Ғафур акадан яна бир хотира бўлиб қолди.



«ОҚШОМ»НИНГ НУРИ



Саъдулла Караматов

Тошкентнинг «Оқшом» газеталари ўша машғум зилзиладан кейин, яъни 1966 йил 1 июлда дунёга келган. Қаранг, орадан ярим аср вақт ўтибди. Шу-шу бу газеталар пойтахтни қайта тиклашга, уни обод ва кўкаламзор қилишга, шаҳарни ижтимоий-маданий жиҳатдан ривожлантиришга, ҳамшаҳарларимизни маънавий жиҳатдан тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Маълумки, ҳар қандай газетанинг йўналишини аввало жамоа, қолаверса, Бош муҳаррир белгилаб беради. Унинг биринчи муҳаррири, аниқроғи, ташкилотчиси моҳир журналист, таниқли ёзувчи ва публицист ҳамда таржимон Саъдулла Музаффарович Караматов эди. Ҳар байрам арафасида қарийб қирқ беш йиллик машаққатли йўлни босиб ўтган, минглаб хонадонларнинг қалбларига зиё тарқатган газеталарнинг биринчи муҳарририни эслаш, ёдга олиш биз — шогирдлари учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Саъдулла Караматов ғоят истеъдодли журналист, туғма газетачи эди. У газетанинг ипидан-игнасиғача биладиган, воқеаларни аввалдан ҳис этадиган йирик қалам соҳиби ва мард раҳбар-муҳаррир эди.

... Ҳеч эсимдан чиқмайди илк бор ишга келганим. ТошДУ-нинг журналистика факультетини тугаллаш, диплом ишини ёқлаш арафасида эдим. Бир куни дўстим, журналист Абдуқодир Ниёзовни учратиб қолдим.



Саъдулла Караматов дўстлари билан.

— Бизга, «Оқшом»га ишга келмайсизми? — деб қолди у даб-дурустан. Мен ҳам ўйлаб ўтирмай, «бўпти» дедим.

Иккимиз Бош муҳаррирнинг олдида кирдик. Абдуқодир мени таништирди. У киши кўзойнагини олиб, менга бошдан оёқ разм солиб чиқди-да, синовчан назар билан аста деди:

— Ука, бизда иш оғир. Қийналиб қоласиз. Бизда фақат «жанг» қилиш керак. Мен «жанг» сўзини «қаттиқ ишлаш керак» деб тушундимда:

— Жанг бўлса, жанг қилаверамизда, домла, — дедим шартта.

Бу гапим Саъдулла акага ёқди шекилли, селекторнинг қайсидир тугмасини босди. Карнайдан «Лаббай, Саъдулла ака» деган овоз келди. — «Пўлатов, бу ёққа кириб кетинг», деди муҳаррир.

Эшик олдида ўрта бўйли, қотмадан келган, сочлари ҳурпайган ахборот бўлими мудири Абдулла Пўлатов пайдо бўлди. У қулоқларини динг қилиб, қўл қовуштириб турарди.

— Шу бугундан эътиборан бу йигитчани синайсиз. Бир ҳафта мухлат. Сўнг менга фикрингизни айтасиз.

Бир ҳафта ўтгач, иккимизни чақириб қолдилар.

— Ҳа, Пўлатов, чақирмасак кирмайсиз, бир ҳафта ўтди, йигитингиз қалай?



Ижодий мулоқот.

— Бўлади... — деди Абдулла ака. Чамамда ортиқча сўз айтишга чўчиди шекилли, бошқа чурқ этмади.

— Ундай бўлса, ариза ёзинг. Эркин Жўраев бошқа бўлимга ишга ўтаяпти. Сизни унинг ўрнига оламинг... Икковингиз бирга ишлайсиз, — деди менга қараб.

Шу-шу «Оқшом»даги фаолиятим бошланди. Турли мавзуларда, турли жанрларда ёза бошладим. Бир куни йўлакда муҳарриримизга дуч келиб қолдим.

— Ҳа, Тошев, ваъдалар қуюқ эди, жангдан дарак йўқ-ку!

Қўққисдан берилган бу саволдан бироз гангиб қолдим, нима дейишимни билмай, «жанг бўлади» деб юбордим.

— Қани кўрамиз, — дея хоналарига кириб кетдилар. Сўнг Абдулла акадан сўрадим:

— Жанг деганда нимани назарда тутяптилар?

— Каллаварам, танқидий, таҳлилий мақолалар ёзинг деяптилар... Шу-шу танқидга берилиб кетдим. Газетада фелъетонлар, луқмалар, суд очерклари, памфлетлар пайдо бўла бошлади.

Бир куни Саъдулла ака қақчириб қолдилар. Бундай пайтда «Оқшом»дагиларнинг юраги «зил» кетарди. Тинчликмикан, дея хавотирга тушарди. Шу ўй билан мен ҳам остонага қадам қўйдим.

— Келинг, — дедилар ўрнидан туриб қўл берар экан. — Яхши ёзаяпсиз. Буни ҳақиқий жанг деса бўлади.



Раҳмат! Мана буни прокуратурадан беришди. Бир танишиб чиқинг. Зўр мақола бўлади...

Орадан уч кун ўтгач, навбатчиликда хато ўтказиб юборибман. Ҳамма қўрқитди: «Тамом, энди ишдан кетдинг!» «Йўғе, ўзимга тасалли бердим. Сиёсий хато эмаску! Шунгайм ишдан ҳайдашадими?!» Лекин Саъдулла ака ижодий йиғин якунида гапириб ўтдилар.

— Ишлаган одам хато қилади. Ҳали ёш, бундан кейин ҳушёр бўлиш керак...

Саъдулла Караматов — менинг биринчи устоз-муҳарририм ана шундай бағри кенг, ғоят зийрак, зукко, фаросатли, қаерда нима гапиришни биладиган мард инсон эди. Ишлаган кишини ҳурмат қиларди, меҳнатини ўзига яраша баҳолар, рағбатлантирарди. У ўзи ташкил қилган газеталарини, жамоани жуда яхши қўрар эди. Унинг ўзига хос журналистика мактаби бор эди. Бу мактабни жуда кўплаб журналистлар ўтади: Абдулла Пўлатов, Алиназар Эгамназаров, Солиҳ Ёқубов, Муродилла Абдуллаев, Насриддин Муҳаммадиев, Абдуқодир Ниёзов, Маҳмуджон Комилжонов, Раҳматилла Файзуллаев, Муҳаммадвали Муродов, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Рустам Ҳудойқулов, Эркин Жўраев... Мен ҳам Саъдулла ака билан қарийб ўн беш йил бирга ишладим. Минг афсуски, у ҳам кўплар қатори тухматга учради. Булар соғлиғига ўз таъсирини кўрсатмай иложи йўқ эди, бевақт ўлим уни орамиздан юлиб кетди... Уни сўнгги йўлга кузатдик. Аммо унинг хотираси уни билган, кўрган, бирга ишлаган кишилар, ҳамкасблари қалбида абадий яшайди.



КАСБГА ЭЪТИҚОД, ДЎСТГА САДОҚАТ



Солиҳ Ёқубов

Академик Ғафур Ғуломдек аллома шоирга мирзолик қилган журналистни биласизми? Биргина «Умидига етганда юлдузи сўнган Умида», «Музлаган юрак» мақолаларига муштарийлардан мингдан зиёд хат олган муаллифни-чи? Яхши умидлар билан тўй-туркумга таклиф этган одамларнинг тўй дастурхонига чорловчи таклифномаларини қирқ йилдан бери кўз қорачигидек сақлаб, авайлаб-асраб келаётган хокисор инсоннинг кимлигини-чи? Албатта, бу киши журналист Солиҳ Ёқубов бўладилар.

... Ўрта мактабни ОЛТИН нишон билан битириб, ўзининг меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Телеграф агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги)да дастёрликдан иш бошлаган Солиҳ Ёқубов ўз даврининг моҳир ва машҳур адиблари, журналист ва таржимонлар Рихси Саҳибоев, Насибулла Ҳабибуллаев, Шербек Алиев, Яҳё Йўлдошев, Усмон Япиев, Тошқин Мўминов, Турғун Пўлат, Илҳом Фозилов, Собит Тоиров, Абдусамад Обидхўжаев, Ёқуб Иброҳимов сингари устозлар ижодидан баҳраманд бўлди, улардан иш усуллари, журналистика сирларини ўрганди.

— Ўша йиллар мен учун ҳақиқий ижод мактаби бўлди, — деб эслайди Солиҳ ака. — Яъни, Шайх Саъдий тили билан айтганда:

*Яхшилар кетидан агар чопарсан,
Истагинг, бахтингни шундан топарсан.*



Ҳаёт йўлимда яхшиларга эргашиб кам бўлмадим. Шунинг учун мен юқорида номлари зикр этилган устозларим ҳақида гап борганда ҳамиша уларни ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламан.

Бугун 43 йиллик умрини ижодга бағишлаган ҳамкасбим ва устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, моҳир ва истеъдодли журналист Солиҳ Ёқубов ҳақида ўйлаганда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг қуйидаги шеърий мисралари ёдга тушаверади:

*Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам.
Дўст қадам қўймас эса,
Вайронадур қошона ҳам.*

Зеро, дўст ҳақида бундан ошириб сўз айтиб бўлмаса керак.

— Солиҳ Ёқубов билан аслида биз 40 йил олдин — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (собиқ Тошкент Давлат университети)да таҳсил олаётган талабалик даврларидаёқ танишган эдик. Гарчи, олдинма-кейинги курсларда ўқиб, талабалик гаштини суриб, пахта терими ва жамоат ишларида бирга қатнашган бўлсак-да, бир-биримиз билан бизни асосан «Оқшом» бирлаштириб, яқиндан дўстлаштирди, — дея эслайди таниқли журналист ва адиб Маҳмуджон Комилжонов. — Биринчи кун — биринчи учрашув сира ёдимдан чиқмайди. Ўшанда мендан анча олдинроқ ушбу таҳририятда иш бошлаган Солиҳ ака мени табриклаб шундай деган эди: — Сафимизга қўшилганингиз қутлуғ бўлсин. Бу муқаддас даргоҳ. Ҳозир «Оқшом»да ишлашни орзу қилмаган, унда бирон бир материали ёритилишини истамаган адиб ёки журналист камдан-кам топилади. Шундай бахт сиз билан бизга насиб этган экан, шунга яраша хизмат қилишимиз керак.

Солиҳ ака ҳақ эди. Ўшанда чиндан ҳам таҳририятда элга танилган, муштарийлар меҳрини қозонган Саъдулла Караматов, Ўткир Ҳошимов, Максим Каримов, Тўлқин Расулев, Усмон Юсупов, Машъал Ҳакимов, Алиназар Эгамназаров, кейинчалик Ҳамид Икромов, Раҳматилла Файзуллаев, Абдиқодир Ниё-



зов, Тўхтамурод Тошев, Насриддин Муҳаммадиев, Мурод Абдуллаев, Сирожиддин Саидов сингари забардаст ёзувчи, шоир ва журналистлар ишларди.

Умр ўткинчи. Не-не синовларга бардош бердик. Яхши кунларнинг ҳам, оғриқли ҳолатларнинг ҳам гувоҳи бўлдик. Йиллар шу тариқа ўтаверди. Бу даврда қанча жойларга, маоши каттароқ ишларга ҳам таклиф этишди. Қўнмадик. «Дарахт бир жойда қўкаради», деган нақлга амал қилдик. Қолаверса, «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририятини ўзимиз учун энг азиз, қутлуғ ва муқаддас даргоҳ деб билдик. Мана, орадан шунча йиллар ўтибдики, ҳамон сеvimли таҳририятимизда шогирдларимиз ишлаб келишяпти. Шу таҳририятдаги ўттиз беш йиллик фаолиятининг салкам ўттиз йилини Солиҳ ака Бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ўтади. Йиллар Солиҳ акани фидойи инсон, дилкаш дўст, яхши оила сарбони, журналистлик касбига меҳрли мураббий сифатида танитди.

... Ўшанда мен қисқа муддатли таътилда эдим. Бирдан уйдаги телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам, Солиҳ ака тушқун кайфиятда саломлашди, дея эслайди Маҳмуджон ака. Нима гап, тинчликми ўзи? — дедим унинг одатини беш қўлдек билганим учун хавотирланиб. — Дунёнинг ишларини қаранг, — деди Солиҳ ака оғир оҳангда. Дўстимиз Ҳамиджон Икромовни бериб қўйдик.

— Қачон? — сўрадим бу гапдан даҳшатга тушиб.

— Кеча дафн этиб келдик.

Алоқа узилди. Билмадим, Солиҳ ака ўпкаси тўлиб бу ёғини давом эттира олмадими ёки бирор сабабми, билмадим, алоқа тўсатдан узилди. Қайта қўнғироқ бўлишини кутдим. Телефон бошқа жирингламади.

Эртасига эрталаб уйдан телефон бўлди. Билсам, 40 йиллик дўстидан жудолик Солиҳ ака руҳиятига ёмон таъсир этибди...

... Шундан кейин Солиҳ акани уйига ҳамкасблар билан кўргани борганимизда ҳол-аҳвол сўраб-сўрашишга улгурмай яна Ҳамид акадан сўз очди:

— Дўстимиз анча ёш кетди, оиласига жабр бўлди. Бу қадрдон дўстга чин садоқат намунаси эди... Донишманднинг:



*Ким ғамингга шерик бўлмас,
У сени ҳеч севган эмас,*

деган сўзи худди Солиҳ ака учун айтилгандек...

Юксак касб маҳорати, кенг тафаккур ва қобилият, одамлар билан муомала қилиш борасида табиат ато этган ширинсуханлик хислатлари билан ҳурмат ва эътиборга, эъзозга мушарраф бўлган Солиҳ Ёқубов минг ўйлаб, бир кесадиған инсон. Бирор ишга қўл уришдан олдин роса мушоҳада юритиб, кейин хулоса чиқаради. У ҳамиша тарозунинг шайинини баб-баравар олиб юришга ҳаракат қилади. У шунга одатланган. Ўзгалар меҳнатининг қадр-қимматини ўзиникидан устун қўяди...

Солиҳ Ёқубовнинг яна бир фазилати — у ҳеч қачон нимадир сабаб билан бировлардан асло ўкинмайди. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари сифатида бирон иш юзасидан ходимлари билан баҳслашади, лекин улар билан орада ҳеч нарса бўлмагандек гаплашиб кетаверади. Баъзан бирон сабаб билан асабларингизни жиловлай олмай қолсангиз, у юмшоқлик ва мулоимлик билан кулиб: «Ҳаяжонланманг, азизим», дейди сизга тасалли бериб. Кейин жўяли, ширин сўзлар билан кайфиятингизни кўтариб юборади. Шу одатидан бўлса керак, у ҳазрат Навоийнинг мана бу сўзларини тез-тез қайтариб туради:

*Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёр дурур ёр айлар.
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгишларни гирифтор айлар.*

Солиҳ ака «Оқшом» газеталарини жон дилидан севади, газетада чоп этилган мақолаларда қалб қўри борлигидан, бу мақолаларга кўз нури сингганлигидан фахрланиб қўяди. Бутун умрини журналистикага бағишлаганиданми, газетачиликнинг оғир меҳнатини жуда ҳам қадрлаганиданми, агар бирор киши (у ким бўлишидан



қатъи назар) қўлидаги газетани буклаб олган ёки ғижимлаб турган бўлса, беозорлик билан уни қойийди...

— Кимки газетани қадрламабди, журналистнинг қадрига етмабди, — дейди Солиҳ ака.

Солиҳ Ёқубовнинг зукко, сезгир, одамларни бир қарашдан кайфиятини тушуниб оладиган ноёб қобилияти бор. Унинг бу хислатига биз — ҳамкасблар ҳамиша қойил қоламиз. Шу ўринда бир ривоят келтирсак, фикримиз янада аниқ ва равшан бўлиб қолади.

Бир йўловчи эрталаб йўлда кетатуриб рўпарасидан келган бир нуроний чолга салом-алик қилибди-да, сўнг унга кўрсаткич бармоғи билан сўзсиз бошини кўрсатибди. Отахон эса, унга жавобан тилини кўрсатибди. Йўловчи ўтиб кетгач, воқеани кузатиб турган одамлар отахондан бу имо-ишоранинг таърифини сўрашганида у:

— Йўловчи «Бошга балони нима келтиради?» деб сўраб эрди, мен унга: «Тил» деб жавоб бердим, — деган экан.

Бу ўринда топқирлик ҳақидаги юқоридаги ривоятга ортиқча изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак...

Ушбу мақолада устоз ҳамкасбимиз Солиҳ Ёқубовнинг умр мазмуни китобидан бир саҳифасинигина варақладик, холос. Бу китобга росмана назар ташласангиз, шубҳасиз унда Солиҳ Ёқубов ҳаётининг кўплаб ёрқин саҳифаларига дуч келасиз. Ва Солиҳ Ёқубовнинг феълига жуда ҳам мос бўлган шоирнинг қуйидаги сатрлари билан у ҳақдаги дил изҳоримизга яқун ясашни лозим топдик:

*Бахт сотилмас ва кимки агар,
Тер тўкишга бўлолса молик —
Шунда толе бўлур жилвагар,
Шунда шодлик қилур ошнолик.*



«АЛИНАЗАР ДЎСТГИНАМ, ЙЎҚДИР КАМУ КЎСТГИНАНГ»

1976 йил. Пойтахтнинг «Тошкент оқшоми» газетаси роса «гуллаган» пайт. Тақдир тақозоси билан мен ҳам жамоага қўшилиб қолдим. Ўша пайтларда ўзбекча ва русча «Оқшом» газеталарига истеъдодли журналист, публицист, ёзувчи ва таржимон Саъдулла Караматов муҳаррирлик қиларди. Жамоа аҳил, талаб эса, катта эди...



Алиназар Эгамназаров

Бир куни Саъдулла ака чақириб қолдилар.

— Тошев, — дедилар (у киши кўпинча ходимларни фамилияси билан атардилар) — Саноат, қурилиш ва алоқа бўлими бўшаб қолди. Эркин Жўраев Қаршига, «Қашқадарё ҳақиқати»га ишга кетди. Ўрнига ўтиб ишламайсизми? Эгамназаровга ходим бўласиз. У яхши одам. Қалами ўткир, кўп нарсга ўрганасиз...

Устознинг мана шу уч оғиз таърифи менга етарли эди: — Яхши одам бўлса, майли, бирга ишлайвераимиз, — дедим.

Саъдулла ака ходимларнинг хоналарига уланган селектор тугмасини босди. Орадан уч дақиқа ўтгач, эшик олдида оқ сариқдан ва тўладан келган, дўппи кийган, салобатли бир одам пайдо бўлди.

— Бугундан эътиборан бўлимда бирга ишлайсизлар. Тошевни шогирд қилиб олинг, — дедилар Бош муҳаррир жиддий оҳангда...

Аввалига Алиназар акадан анча чўчидим. Негаки, у ўта жиддий, камгап, бунинг устига жуда талабчан эди. Материалларни ҳам



роса сувини сиқиб таҳрир қиларди. Лекин қўп ўтмай, тил топишиб кетдим.

Бир куни хонамизга машҳур журналист ва истеъдодли шоир Анвар Эшонов кириб келди.

Эшикдан кириши билан «Али Назар дўстгинам, йўқдир каму кўстгинам» дея қучоқ очди. Сўнг мен билан қўриша туриб: «Ие, бу қотма йигит ким бўлди?!» — дея Али Назар акага юзланди.

Устоз мени таништирди. Шунда Анвар ака бирдан жўшиб:

— Али Назарга бўлсангиз эш, ишларингиз бўлар беш, — дея ҳазиллашди. — Яхши бўпти, табриклайман. Али Назар зўр йигит, мард инсон, йўлдошни йўлда қолдирмайди. Омадингиз бор экан. Этагини маҳкам тутинг. Шу пайт Али Назар акани селекторда Бош муҳаррир чақириб қолди. Анвар ака билан биз ёлғиз қолдик.

— Дўстимнинг «Шоли ва қамиш» мақоласини ўқиганмисиз?

— Йўқ.

— Айтиб берайми?

— Майли.

— Шоли билан қамиш ёнма-ён ўсаркан. Қамиш қўшнисига мақтанибди.

— Мени кўргин, нақадар бўйчанман, укпар попуқларим ғоят гўзал. Мени одамлар олис-олислардан ҳам кўрадилар. Сени эса, табиат бўйдан қисган, бунинг устига бошингни ҳам қилиб турганинг турган.

Шоли деркан:

— Сен билан, дўстим, ҳали кузда гаплашамиз.

Ёз ўтиб, олтин куз келибди. Кишилар шолининг бир донасини ҳам увол қилмай, ўриб-йиғиб, уйлари тўридаги сандиққа солишибди. Қамишдан эса, бўйра ясаб, оёқлари остига тўшашибди. Шоли камтарлиги туфайли иззат-иқром кўрибди. Қамиш эса, кеккайиб оёқ ости бўлибди.

Ана шунақа, укам. Али Назар дўстим ҳам шолидек камтар, ҳалол инсон. Бу фазилат журналист учун сув ва ҳаводек зарур. Ҳалол одам ҳамиша тинч ухлайди, эшик «тиқ» этса, юраги «шиғ» этмайди...



Анвар аканинг ушбу сўзлари бир умр ёдимда қолди. Алиназар ака тимсолида шахсан ўзим кўп бор бунинг гувоҳи бўлдим.

Алиазар ака ижод қилишдан чарчамайди. Вақтини беҳуда сарфламайди. Доимо ўйчан, нималарнидир ўйлайди, излайди, тафаккур қилади.

— Алиазар — мақоланавис (журналист), — дейди севимли ёзувчимиз Омон Мухтор. — Шунинг баробарида, у — тарихчи ҳам, адиб ҳам! Ҳар гал мақола ёзмоқчи бўлиб ҳужжатлар, далиллар излайди. Кейин тўплаганларини тарих кўзгусига солиб, таҳрир қилишга киришади. Ниҳоят, адиб ҳолатида асарга ранг-бўёқ беради. Унинг ёзганлари эҳтиросли, таъсирчан. Айрим манзараларни ўқиб, кўзингизга ёш келади.

Ҳа, ёзувчи Алиазар Эгамназаровнинг қаламига мансуб «Устозга таъзим», «Очиғини айтганда», «Муқаддас уй», «Йигирма миллиондан бири», «Биз билган Дукчи Эшон», «Сургун» номли китобларни ўқиганингизда бу асарлардан олам-олам маънавий озуқа оласиз. Айниқса, унинг узоқ йиллар давомида олиб борган ижтимоий-тарихий кузатувлари асосидаги ижод маҳсули бўлиши «Сургун» китобини мутолаа қилганингизда беихтиёр кўзингизга ёш келади. Унда яқин ўтмишимиз, кечаги қунимизнинг изтиробли, аччиқ-аламли воқеалари билан танишар экансиз, беихтиёр бутунги бахтли, ёруғ кунларимизнинг қадрига етиш керак, деган ҳулосага келасиз.

Алиазар аканинг қалами «Тошкент оқшоми» газетасида, «Шарқ юлдузи» журналида, Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриётида ишлаб юрган чоғлари янада қайралди. Китоблардан ташқари яна кўплаб публицистик мақолалар, очерклар ёзди. Китобларга муҳаррирлик қилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Алиазар Эгамназаровнинг ижод саҳнига қадам қўйиши ҳам жуда қизиқ бўлган. Зангиота туманининг Хонобод қишлоғида туғилиб, кўча чангитиб юрган ёш йигитчанинг қалбида ниш урган илҳом булоғининг кўзини очишга акаси Ғуломхон ака сабабчи бўлиб қолган. Ундаги истеъдодни сезган акаси ўзи муҳаррирлик қилаётган Қорасув тумани газетаси таҳририятига бошлаб келиб янгилишмаган экан. Унинг дастлабки машқлари шу ерда тоблани ва ниҳоят қалбидаги меҳр



уни Тошкент Давлат университетининг филология факультети журналистика бўлимига бошлаб келди. Университетни тугатгач, меҳнат фаолиятини 1964 йили «Сирдарё ҳақиқати»дан бошлади.

— Бу ерда жуда истеъдодли қаламқашлар билан танишдим, — дея хотирлайди ўша йилларни Алиназар ака. — Ҳақиқий журналистика мактабини ўтадим. Шу ерда муҳаррирлик қилган таниқли адиб Исмоил Сулаймонов, Нуъмон Насимов, Самад Қодиров, Турғун Жамолов, Анвар Эшонов менинг ҳақиқий устозларим бўлади. Улардан журналистиканинг энг нозик томонларини, игна билан қудуқ қазишдек машаққатли касбнинг ўзига хос сирларини, журналист этикасини, сабр-тоқатли бўлишни, қаноатни ва ҳалолликни ўргандим.

Инсон умри йиллар билан эмас, балки қилган ишлари билан ўлчанади. Алиназар ака ҳам бир ижодкор, таниқли журналист, публицист ва ёзувчи сифатида ҳамиша изланишда. У ўз ижоди билан инсонлар қалбини эзгулик билан беади, кўплаб маънавият булоқларининг кўзини очди, ўнлаб шогирдлар тайёрлади.

Устоз ҳақида гап борар экан, яна бир ибратомуз ривоят ёдга тушади.

Луқмони Ҳакимдан: «Нима учун устозни отангдан ҳам яхши кўрасан?» — деб сўрабдилар.

— Устоз абадий тириклигимнинг сабаби, отам эса, ўткинчи ҳаётимнинг сабаби!» — дея жавоб берган экан.

Ҳа, устоз улуғ зот. Бугун устоз Алиназар Эгамназаровни 70 баҳори билан қутлар эканман, кўз ўнгимдан илк устозларим сиймоси намоён бўлади: Саъдулла Караматов, Расул Раҳмонов, Шароф Убайдуллаев, Тўлқин Қозоқбоев, Эркин Эрназаров, Тўлқин Расулов, Ўткир Ҳошимов, Солиҳ Ёқубов, Абдулла Пўлатов, Алиназар Эгамназаров...

Устоз, Аллоҳ умрингизни узун қилсин!



АКА РАСУЛ ОМОНМИ?

... Бир куни машҳур академик шоиримиз Фафур Фулом таниқли хонанда Фаҳриддин Умаровни учратиб қолибди.

— Ҳа, ҳофиз, — дебдилар сезгир шоир. — Нега қовоғингиздан қор ёғилгудек? Тинчликми?

— Ҳа, энди, домла, одамларга ҳайронман. Кейинги пайтда мен ҳақимда анчагина латифалар тўқиб қўйишибди... Биттасини эшитиб, жуда хафа бўлдим-да!

— Ие, қизиқ экансизу, шунга ҳам хафа бўлиб юрибсизми? Халқ фақат суйган одами ҳақида латифа тўқийди. Мана, шоирлардан ким ҳақида латифа эшитгансиз? Фақат аканг, Фафур Фулом ҳақида! Бундан хафа бўлиш эмас, балки суюнмоқ керак, бўтам!..

Устоз Расул Раҳмонов 70 ёшга кирибди... деган гапни эшитдим у юқоридаги ҳангома ҳаёлимдан ўтди.



«Ўзбекистон овози» газетасининг бир гуруҳ ижодкорлари.



Ва айна пайтда отахон газетада ишлаб юрган пайтимизда устозлардан бири Муҳиддин Камолович Жалолов Расул ака ҳақида бир ажойиб латифани айтиб берганди.

Расул ака ўзи истиқомат қилаётган Тошкентдаги «Ачабод» маҳалла қўмитаси раиси экан. Шўро замони эмасми, ҳар куни бир алғов-далғов... Бирдан халқ орасида «Хрушчев ишдан кетибди» деган гап тарқалиб қолибди. Шунда «Ачабод» маҳалласида яшайдиган бир лўли акамиз ваҳимага тушиб дебди:

— Бу Хрушчев, деганлари ишдан кетибди-я! Энди нима бўлади?!

— Э, мен Хрушчевни танимайман, — дебди иккинчиси. — Танишни истамайман. Ие, менга қара, уни қўйиб тур, ўзимизнинг ака Расул омонми?

— Ҳа, омон, омон, — дебди ғудраниб. Шу-шу бу латифа ҳозиргача тилдан-тилга кўчиб юради.

Ҳа, устоз Расул ака эл севган, халқ яхши кўрган инсонлардан бири. Бу устознинг ҳаётидан кичик бир лавҳа, холос. Аммо бу гап Расул аканинг элга қайишувчанлигини, барчага баробарлигини, уни билганлар эса, оқил инсон дея севишини кўрсатади. Расул ака ана шундай ҳақгўй, оқил ва адолатли давлат ва жамоат арбоби. У чумолига ҳам озор бермайди, қоқилганларни эса, тоғдек суяб юради. Ўзганинг юкини елкасига олади...

Расул ака билан танишишимиз хўп қизиқ бўлганди. Ўшанда 1991 йилнинг охирилари эди чамамда. Гарчи мен адиб Расул Раҳмоннинг кўплаб қисса ва очеркларини ўқиб юрсамда, ўзи билан ҳеч кўришмагандик. Бир кун мени катта бир идорага ишга таклиф қилиб қолишди. Ҳужжатларни расмийлаштиргунча бирикки ҳафта ўтди-кетди. Бу борада нуфузли идора ҳам тугатиладиган бўлиб қолди. Шунда Мафкура бўлими мудир Иўлдош Саиджонов Сизни «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига ишга юборамиз, деди.

— Ҳамма ўзига иш топиб кетяпти. Сиз ҳам боринг, ёмон жой эмас...

Мен рози бўлдим.



Шунда Расул акани илк бор кўрдим. Очиқ чехра, юзидан нур ёғилиб турарди. Кўксида Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати нишони гулдек ёниб турибди. Ҳар ҳолда унинг салобати босди шекилли, секингина дедим:

— Мени сизга ишга юборишди...

— Жуда тўғри қилибсиз. Журналист экансиз. Бирга ишлаймиз, — деди у. — Яна қўшиб қўйди. — Газетанинг номини ўзгартиришимиз керак... Ишларимиз жуда кўп. Тер тўкамиз...

Расул ака раҳбарлик қилаётган жамоа жуда аҳил ва иноқ эди. Энг зўр журналистлар шу ерда ишлашарди. Расул Раҳмонов уларга таянарди. У шахсан менинг кўз ўнгимда ўзбек матбуотида «Совет Ўзбекистони»ни «Ўзбекистон овози» номи билан дастлаб нашрдан чиқарган Бош муҳаррир бўлиб қолди.

Расул ака жуда ҳалол, хокисор, ғоят маданиятли ва шу билан бирга жуда ҳам оддий одам. Бир куни Ачабоддаги уйида у билан матбуот, умуман, журналистика ҳақида анча суҳбатлашиб қолдик. Суҳбат орасида менинг атрофга назар ташлаётганимни сезиб қолдилар, шекилли, хижолатдан «Ҳайрон бўлаяпсизми?» деб сўрадилар.

Йўқ, — дедим мен. — Ҳаммаси оддий, уйингиз камтарона экан. Шуниси яхши. Файзли экан.

— Ҳа, энди ўзимиз учун бирор нарса қилишга улгурмадик, — ҳазилга олди устоз.

Шундан билдимки, Расул ака жуда камсуқум, ўзини эмас, фақат ўзгаларнинг фароғатини ўйлаб, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган инсон экан.

Ҳаётда шундай одамлар борки, эл-юрт, Ватан манфаатини ўз манфаатидан устун қўядилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли журналист, хассос адиб, етук жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ академияси академиги, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши раиси ўринбосари, «Маҳалла» газетаси Бош муҳаррири биринчи ўринбосари бўлган Расул Раҳмонов ана шундай меҳнаткаш, заҳматкаш, камтарин инсон эди.



ЖАВОҲИРЛАР САНДИФИ

*Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолғуси яхши ному иши.*

САЪДИЙ



**Жамолiddин
Асомиддинов**

Фалсафада инсон энг олий қадрият, дея эъвозланади. Мавлоно Саъдий айтганларидек, ундан фақат яхши ном билан, эзгу аъмоллари қолади. Шунинг учун ҳам Хотира ва қадрлаш фақат онгли мавжудот саналмиш инсонгагина хос туйғудир. Масалан, ўтган умримизни ёки бирон бир яқин кишимизни ёдга олмоқчи бўлсак, аксарият ҳолларда хотирамизга таянамиз.

...Ҳамон эсимда, «Ойнаи жаҳон» орқали «Тойчоқ» телеспектаклини оиламиз аъзолари билан бирга томоша қилиб ўтирардик. Спектакль энг «кульминацион» нуқтасига келганда, Мирзаҳалил отам кўзларига ёш олиб, «Э, баллией, ким ёзса ҳам болабди-да, барака топгур, тарбиявий аҳамияти жуда катта асар экан, ҳаётда шунақалар ҳам бор-да» деб юбордилар.

Отамнинг фахр билан айтган ушбу сўзларидан менинг ҳам этим жимираб кетди. Мен ўзимча билағонлик қилиб «Бу асар машҳур драматург, уста ҳажвчининг «Меҳрибонлар» пьесаси асосида ишланган телеспектакль» деб юбордим.

— Отасига минг раҳмат, — деди Мирзаҳалил отам ғурурини ичига сиғдиrolмай. — Ёзувчи битта асари мазмун-моҳияти билан минглаб одамларни тўғри йўлга даъват этиб, уларни тарбиялаяп-



ти. Ёзувчи дегани шундай бўлса экан, — дея отам телевизордан кўзини узмаганди ўшанда.

Орадан анча йиллар ўтди. 1995 йил ёзувчининг 80 йиллиги муносабати билан камина ҳам бир қатор туркум мақолаларим учун кўплар қатори мукофот соҳибларидан бири бўлганимда, отам мени бағрига босиб, кўз ёшила қутлаган эдилар. Отам мутахассислиги бўйича муҳандис-механик бўлсалар ҳам, адабиётни жуда севадиган, унинг қадрига етадиган инсон эдилар. Мени ҳам журналистикага йўналтирган шу отам эдилар.

Ўшанда отам бир пиёла чой устида «у одам ҳақида билганингча гапириб бер», деб қолдилар. Мен у кишига севимли адиб ҳақида билганларимни сўзлаб бердим.

Таниқли ёзувчи Жамолиддин Асомиддинов 1915 йил август ойида Тошкент шахрининг Чувалачи маҳалласида таваллуд топган.

Билим олишга жуда иштиёқи баланд бўлган Жамолиддин ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ шарқ классик адабиётини мукаммал ўрганади. Навоий, Лутфий, Жомий, Фузулий, Бобур, Огаҳий ва бошқа мутафаккир шоирларнинг асарларини қунт билан мутолаа қилади.

Унинг ижодий йўналишининг шаклланишида ўз даврининг машҳур ҳажвчи шоирларидан саналган туркистонлик мавлоно Юсуф Сарёмий шеъряти муҳим ўрин тутати. Бу ўткир қалам соҳибига адибнинг алоҳида ихлоси бўлиб, уни ўзига пиру устоз деб билган. Сарёмийнинг катта маҳорат билан ёзилган девонини (шеърый тўпламини) қайта-қайта ўқиди ва деярли барча шеърларини ёд олади.

Табаррук устози изидан борган адиб 1940-1950 йилларда кўплаб ҳажвий шеърлар ёзиб, матбуотда эълон қилади. Унинг «Аччиқни — аччиқ кесар» номли биринчи шеърлар тўплами 1964 йилда нашр этилади.

Тўпламдаги ҳар бир шеърда ҳаётда учраб турадиган салбий ҳолатлар, иллатлар нишонга олинади.

1960 йилда «Ўзтелерадио» қўмитасига келган Жамолиддин Исомиддинов салкам 30 йил телеминиатюралар кўрсатувиغا раҳбарлик қилади. Республикамиз телевидениесида «миниатюра»



Истеъдодли ёзувчи (ўнгдан иккинчи) замондош ижодкорлар сафида.

жанрининг шаклланиши, тараққий этиши ва уни халқимизнинг сеvimли кўрсатуви бўлиб қолиши, шубҳасиз, унинг номи билан боғлиқдир.

У телевидениеда фақатгина миниатюралар билан эмас, балки «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувининг ҳам асосий ижодкорларидан, уни фаол муаллифларидан бўлиб оммага танилди. Катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу кўрсатувнинг 50 дан ортиқ сценарийси унинг қаламига мансубдир.

Бундан ташқари, унинг «Меҳрибонлар», «Ғизғизон», «Кўрпангга қараб», «Ўкинч», «Якан», «Мубтало» каби ўнлаб катта ҳажмдаги телеспектакллари экран орқали намоиш этилиб, кўп минглаб телетомошабинлар олқишига сазовор бўлган.

Моҳир адиб драматургия соҳасида ҳам баракали қалам тебратди. Унинг «Тоштешар», «Тўйдаги тутун», «Ҷафога вафо», «Бевафо экан», «Мубтало», «Меҳрибонлар», «Тузоқ», «Қувғин», «Тўлин ой» (Ғ. Жаҳонгиров билан ҳамкорликда), «Тўйчи Ҳофиз» (Р. Усмонов билан ҳамкорликда), «Бир қизга минг ошиқ» (А. Зайниддинов билан ҳамкорликда) сингари 12 та жанрда ёзилган пьесалари Тошкент шаҳар ва вилоят театрларида бир неча йиллар мобайнида сахнадан тушмай намоиш қилинган.



Адибнинг тўрт жилдлик танланган асарлари нашрдан чиққан. У республикамиз ҳажвчилигига ва драматургиясига муносиб ҳисса қўшиб, адабиётимизда ўзига хос илдиз қолдирди.

Ҳа, Жамолиддин Исомиддинов (тахаллуси Алп Жамол) ҳақиқатан ҳам ажойиб, кўп қиррали истеъдод соҳиби бўлган. Айниқса, ўзининг ичакузди ҳангомалари, ҳажвиялари, интермедиялари билан халқ ичига кириб борди: эл қалбидан жой олди. Чунки, шўролар даврида халқнинг юрагидаги дардни, ҳақсизликни кўрсатиш унча-мунча ёзувчининг қўлидан келмасди. У халқ ичидан чиққан халқпарвар ёзувчи эди. У бунга ўзида журъат ва даъват, жасорат ва матонат топа оларди. Устоздан катта ижод жавоҳири қолди. У, гарчи адабиётдан чуқур хабардорлигига қарамасдан, ҳеч қачон бу билан мағрурланмаган, ҳавойиланмаган. Қўлидан келганча ҳаммага яхшилик қилган.

Инсон қанчалик дилкаш, одамий бўлса, у ҳақдаги таассуротлар ҳам ўзгалар қалбига шунчалик чуқур ўрнашиб қоларкан.

Домла одамларнинг қиёфасига қараб, уларнинг феъл-атворларини аниқ айтиб бераркан. Мол-дунё, бойлик йиғиш, зиқналик у кишига ёт нарса бўлган. Айниқса, у киши маҳалладаги кексаларга кўп мурувват кўрсатган. Одамлар унинг давра суҳбатларига муштоқ бўлишган. Шундай суҳбатларда йиғилганларни ғоят мамнун этиб, ёзган ҳажвий шеърларини маҳорат билан ёддан ўқиб берар экан. Бир даврада «Иғвогар» ҳажвий шеърини ўқиб берганларида бутун даҳада «машҳур иғвогар» даврадан писибгина чиқиб кетган экан. Мана ўша шеър:

*Танилди ҳаммага туҳматчи дostonликда иғвогар,
Хаёли, дарду фикри — кони ёлгонликда иғвогар.
Ариза даста-даста, қўлда сарсонликда иғвогар,
Ўринлаб қолса ёлгон, шоду хандонликда иғвогар.*

*Сирин билмас кишилар наздида бир нотагондек у,
Мулойим сўз билан авраида ҳам худди илондек у,
Агар анқов топилса дафъатан чаққай чаёндек у,
Ҳамиша кирдикори хуфя-пинҳонликда иғвогар.*



Ҳалол ишлаб бирор ерда чидам бирла туrolмайди,
Қора ниятли феъли ҳеч кишига мос келолмайди.
Кеча тонг отгунча уйдирма ўйлаб ухлаёлмайди,
Куйиб дод дейди, нетсун, бағри бирёнликда иғвогар.

Бисотида топилмас заррача ҳам яхши ниятдан,
Елим ёзар печакдек тирмашар ҳар кимга туҳматдан,
Бу хил шармандалик бирла чиқиб ул одамиятдан,
Аталмай қолди охир номи инсонликда иғвогар.

Мудом ҳасратда шўрлик, орқалаб бир тўда иллатни,
Чирик-чиркинди, яъни эски сарқит тўла ғийбатни,
Қолар қийноқда жони ўтказолмай қолса туҳматни,
Ариза даста-даста, қолди сарсонликда иғвогар.

Ҳа иғвогар, туҳматчилар ҳамма даврларда бўлган. Уларга қарши фақат Жамолиддин акадек мард инсонлар курашган. Шунинг учун ҳам уста ҳажвчи, танқидчи ҳаётнинг кўп чиғириқларини босиб ўтишига тўғри келган. Бир пайтлари устозга ҳам туҳмат тошларини отишган. Ўшанда 1974 йил эди. Бу ҳақда унинг ўғли, иқтисодчи олим Абдурахмон ака шундай хотирлайди:

— Отамнинг устидан бир имзосиз хат тушади. Ўша пайтда отам «Телевизион миниатюралар» театрининг бош директори эдилар. Хатда бир қатор «айб»лар саналиб, охирида бировларга пьесалар ёзиб бериб, пул ишлаётганини худди бир янгиликдек таъкидлаганди.

Хатдаги далилларни ўрганиш учун Марказқўмдан комиссия келади. Баъзи далиллар ҳаётда бўлган ҳолатлар бўлиб, отамнинг шу баҳона ишдан олишга гўё етарли эди. Комиссия аъзоларидан бири отамга шундай савол беради:

— Бозорда ўн йил ишлаганингиз тўғрими?

— Тўғри, ишлаганман, лекин Америка бозорида эмас, ўзимизнинг бозорда ишлаганман. Аммо мен мўмай пулнинг ичидан шу қуруқ шалдироқ қоғозларнинг ичига келиб ўтирибман. Менга раҳмат айтиш ўрнига, ишдан бўшатамиз дея пўписа қиласизлар.



Марҳамат, мени ишдан олишларинг мумкин, лекин қўлимдаги қаламни ҳеч ким тортиб ололмайди. Бу амал эса, қўлнинг кири... Бугун бор, эртага йўқ...

Бу зукко жавобдан комиссия аъзоси аниқ мулзам бўлган бўлса, ажаб эмас.

Лекин Худо берган истеъдодни, қаламни ҳеч ким тортиб ололмади. Адиб шундай ёздики, ундан ҳар қандай жамият учун ибратли бўлган, нопок шахсларни инсоф, диёнатга, поклик ва ҳалолликка чорловчи жавоҳирлар сандиғи қолди.



ЭЛ ИЧИГА СИНГИБ КЕТГАН ОДАМ



Муртазо Султонов

Инсон бу кўҳна оламда яшар экан, аввало эзгулик сари интилади. Ўтаётган умр йўлларига назар солиб, фақат яхшилик, меҳру муҳаббат, заҳматли, аммо шарафли меҳнат шукуҳини ҳис қилиб яшагиси келади. Жамиятимизда шундай инсонлар борки, уларнинг ҳаёти ҳамма учун бирдек ибратлидир. Улар ҳаётининг мазмунини фақат изланиш, интилиш, кашфиётлар яратиш ва халқимиз манфаати йўлида хизмат қилишдан иборат, деб биладилар.

Очеркимиз қаҳрамони — Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи, Мухандислик академияси академиги, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюشمаси аъзоси, Халқ таълими аълочиси, иқтисод фанлари номзоди, Тошкент шаҳар Қамамлиқ суди судьяси Муртазо Султонов ҳам ўзининг меҳнати, изланишлари боис, элнинг олқиши ва меҳрига сазовор бўлган ана шундай тиниб-тинчимас инсонлардан биридир. У умрининг ҳар бир лаҳзасини меҳнат қилишга, изланишга, одамларнинг оғирини енгил қилишга бағишлаб яшаб келмоқда.

Халқимизда «Яхшидан боғ қолар», деган пурмаъно ҳикмат бор. Боғ — рамзий маънодаги ўхшатиш. Унинг моҳиятида яратувчанлик, эзгулик, келажакка дахлдорлик амаллари, ҳислари яширин. Шу боис бўлса керак, фарзандлари истиқболи, оиласи, юрт фаровонлиги ўйи билан яшаган борки, ўзидан кейин боғ қолдиришни истайди. Бу эса, инсондан доимий изланиш, тинимсиз



меҳнат, улкан матонат ва сабр-тоқатни талаб қилади. Негаки, ҳаёт йўллари ҳар доим ҳам текис ёки ёруғ эмас. Унда ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ кунлари, гоҳида сокин, гоҳида эса далғовли онлари бор. Бу машаққатларга сабр-бардош қилган эса, албатта, бир кун келиб енгил нафас олади, яратган боғлари ҳосили, ме-валарини кўради. Аслида, инсон учун бундан катта бахт, шараф бўлмаса керак...

Асли касби қурувчи-инженер, иқтисодчи бўлган Муртазо Султоновнинг ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, беихтиёр инсон ақл-шуури, сабр-бардошининг чексизлиги ва ҳар қандай вазиятда ҳам келажакка, эртанги ёруғ кунга нақадар ташналигига амин бўласиз.

Муртазо Султоновнинг ҳаётдаги шиори фақат одамларга ях-шилиқ қилишдан иборат. У доимо эл орасида: каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш, ҳамроҳига доимо оқибат кўрсатиш, на-тижада унинг яқин дўстига айланиб қолишдек жиҳатлари билан ҳам кўпчиликнинг юрагидан жой топа олган саҳий қалб инсон. Қолаверса, қаерда, қандай вазифада ишламасин, доимо масъулият-ли ходим, раҳбар сифатида эътироф этиб келинган. Севимли усто-зимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таъкидлаганла-ридек, Муртазо ака «эл ичига сингиб кетган одам».

Муртазо аканинг қурувчи-муҳандис, иқтисодчи, яна бир касби журналистлиги ўз йўлига, аммо ишнинг кўзини билади-ган, узоқни кўра олувчи, ходимларининг яқин дўстига айланган зукко раҳбар эканлиги ҳам бор гап. Қурилиш соҳасидаги масъул лавозимларда, халқ таълими вазирининг ўринбосари, «Тижорат» очиқ акциядорлик жамиятида департамент бошлиғи вазифасида ишлаган йилларини ҳар бир жамоа аъзоси хайрихоҳлик билан эслайди. Муртазо Султоновнинг номини ҳурмат билан тилга олади. Айниқса, мустақиллик йилларидаги қизғин меҳнат фао-лияти давомида қатор-қатор янги, муҳташам мактаб биолари қуриб, фойдаланишга топширилганлигини ва бу қурилишларда ўзининг ҳам камтарин ҳиссаси борлигини гурур ва ифтихор билан сўзлайди. Аслида, кўпчиликка бош бўлиш, раҳбарлик қилиш учун лаёқат, уқув бўлиши керак. Моҳир раҳбар Муртазо



Султонов ўз жамоаси, ҳамкасблари манфаатлари йўлида елиб-югуришдан чарчамайдиган, ҳожатбарор инсон.

— Ходимлар ўз вазифаларини раҳбардан ҳайиқиб эмас, ўзаро ҳурмат-эътибор юзасидан бажаришгани маъқул, — дейди Муртазо ака. — Раҳбарнинг меҳр-мурувватидан баҳраманд инсонларнинг ўз вазифасига муносабати ҳам шунга яраша бўлади, бурчдорлик ҳисси кучаяди.

Муртазо ака билан «Адолат» газетасида ишлаб юрган чоғларимда танишганман. Уни биринчи бор кўрганимда у менинг кўнглимга сингиб кетган инсон бўлди. Ғоят маданиятли экани, одоб-ахлоқи унинг шундай юриш-туришидан, юзу кўзидан, сўзидан билиниб турарди. Кейинчалик биз дўстлашиб кетдик. Матбуотда тез-тез ижодий ҳамкорлик қилдик.

«Биржа» газетасида ишлаётган чоғимизда ҳамкасбим ва дўстим, таниқли журналист Рустам Худойқул бир ногирон жияни борлигини, уни ногиронлар мактабига жойлаштира олмаётганлигини айтиб қолди. Шу тобда таҳририятга Муртазо ака ёзган мақоласини кўтариб кириб келиб қолди. Муаммодан хабар топгач, мақолани менга топшириб, хайр-маъзурни насия қилганча, Рустамни олдига солиб Чимбой кўчасидаги ногиронлар мактабига жўнаб кетди. Унинг ёрдамида муаммо ҳал бўлди. Ўша ногирон қиз, мана, ҳозир мактабда ўқияпти.

Шундан сўнг, Муртазо акага, ҳожатбарор бу инсонга, ногирон бир қизнинг бошини силаб, меҳр-оқибат кўрсатганига қойил қолдим ва унга меҳрим янада ошди.

Муртазо Султонов 1961 йил Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари институтининг қурувчи-муҳандис факультетини тамомлаб, иш фаолиятини Урганчдаги 169-трестда бошлади. 1968 йил меҳнатдан ажралмаган ҳолда Тошкент халқ хўжалиги институти аспирантурасининг сиртқи бўлимига қабул қилинди. 1971 йили иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Унинг ибрат бўлишга арзигулик умр йўлини босиб ўтганлиги иш фаолиятида намоён бўлади. У оддий қурилиш устаси, муҳандисликдан катта ва кенг миқёсдаги қурилиш ишлари бўйича раҳбарлик лавозимларига кўтарилди. 1972 йилда Олий ва ўрта



махсус таълим вазирлигининг қурилиш, молия ва иқтисод моддий-техника таъминоти ишлари бўйича вазир ўринбосари лавозимига тайинланди. 1990 йилда эса, Халқ таълими вазирининг ўринбосари бўлиб ишлади. Ўша даврларда «марказ»дан пул ундириш мушкул иш бўлсада, у киши доим талашиб-тортишиб ўз фикрини исботлаб, юқорига гапини ўтказган. Натижада унинг шу даврдаги меҳнатлари самараси ўлароқ Самарқанддаги бир қатор олийгоҳларнинг янги ўқув корпуслари, Талабалар шаҳарчаси қурилади. Фарғона Политехника институти, Нукус Давлат университетининг кўркем бинолари қад кўтарди, вилоятлардаги кўплаб техникум ва билим юртлари янги ўқув биноларига эга бўлдилар. Минг-минглаб ёш авлоднинг билим олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун шарт-шароитлар яратилди.

Инсон умри доим бир текис бўлмас экан, 80-йиллар ўрталарида юртимизда «Пахта иши» деган гаплар чиққанда бу балонинг домига Муртазо Султонов ҳам тушди. Унинг бошига не-не тўхматлар ёғмади, дейсиз. Ишлаб турган лавозимидан бўшатилади. Журналистлар уюшмаси аъзолигидан четлаштирилди. Радиода, газетда кетма-кет фелъетон қилиб «урилди». Бир неча йил давомида 128 марта тергов қилинди. Ҳақлиги боис бу гирдобдан омон чиққан Муртазо Султонов яна бир карра яқинлари, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлди.

Элимизда истиқлол шабадаси эсиб, елкасидан тоғ ағдарилган Муртазо Султонов 1991-1998 йиллардаги фаолияти давомида икки мингга яқин янги, муҳташам, замонавий мактаб бинолари қурилишида иштирок этди. Дарҳақиқат, Муртазо Султоновнинг ҳамма жойда шогирдлари кўп. Улар ҳам устозлари сингари ҳалол ва меҳнатсевар, тadbиркордирлар.

Ҳар бир инсоннинг бошқалардан ажралиб турадиган фазилатлари бўлади. Муртазо Султонов қайси жамоада ишламасин, қўл остидаги ходимларининг ҳар бирининг туғилган кунини ёддан билади. Ва шу кунда уларга гулми ё бирор совға бериб хурсанд қилади. Бир сўз билан айтганда, атрофдагиларга ҳамиша яхши дўст, ишончли маслакдош бўлиб келган. Муртазо Султонов пенсияга чиқиб ҳам меҳнат фаолиятини тўхтатгани йўқ. У элим деб,



юртим деб, куйиб-пишадиган, халқ манфаатини юқори қўядиган олийжаноб инсон.

Муртазо Султонов одамларга бошпана, ёш авлодга боғча-мактаб, катта иншоотларни қад қўтариш ишига муносиб ҳисса қўшган инсондир. Очиқ кўнгил, инсонпарвар бу кишини нафақат бизнинг республикамизда, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам яхши танийдилар. Чунки Муртазо ака забардаст одам. Қаерга бормасин, ўз касбини улуғлаб, савоб ишлар қилади. Уй-жой қуришга бел боғлайди. Шу ўринда Ибн Синонинг ёшлик йилларидаги отасининг насиҳатларини эсладик:

— Болам, сен қаерга борсанг, ўша ерда ўзингга қаср қургин, — дебди. Ёш йигитча бу насиҳатни қандай бажараман, деб ўз-ўзича ўйлабди. Чунки унда ҳали қаср қуришга маблағ йўқ эдида. Қиссадан ҳисса шуки, Ибн Сино қайси мамлакатга бормасин, одамларга нафи тегадиган ишлар қилган, уларнинг дардига малҳам қўйган, шу туфайли ҳамма жойда унинг дўст-биродарлари бўлган. Бу ишлар эса, олтин қаср қургандан афзалроқдир, ахир.

М. Султонов ҳаёти-фаолияти эзгу ишлар қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Бу пок ният унинг эл-юрт орасида ҳурмат-иззатга муяссар бўлишига сабаб бўлди. У республикамизнинг қайси вилояти, чекка қишлоқ, овулларига борса, албатта, у ерда яшаётган юртдошларимизнинг мушкулени осон қилишга шайланади. Оллоҳ назар солган бу инсон қаерда ишламасин, унинг мақсади инсонга хос бўлган фазилат билан ўз вазифасини аъло даражада бажаришга муваффақ бўлган ибратли раҳбар саналган.

Халқ таълими вазирининг ўринбосари вазифасида ишлаганида бирмунча қурилиш ишларини амалга оширганининг шохидимиз. Бу ишларни санаб салмоғига етмайди, киши. Ёш авлод билимли, малакали бўлиши учун, аввало, уларга етарли шарт-шароит керак. Бундай олижаноб ишда кўп йиллар М. Султонов бош-қош бўлди. Айниқса, Мустақиллик байрами бу инсонга қўшалоқ байрам, тантана ҳисобланарди. Байрам олдидан неча юзлаб болалар боғчалари, мактаблар фойдаланишга топшириларди. «Мен ҳаётимда дўст-ёр, шогирд етиштиришни мақсад қилганман», — дейди Муртазо ака.



М. Султонов қаерда ишлаган бўлсалар, шу жамоада яхши таассурот қолдирган. Чунки одамлар билан муомала, муносабат қилиш ҳам бир санъат. Оллоҳ бу инсонга ана шундай истеъдод ато қилган. Бу неъматни инсон ўзида мужассам этиши кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам унинг ҳалол меҳнатлари натижаси кўксини безаб турибди. Халқимиз «Меҳнатинг — зийнатинг» дея бежиз айтмайди.

Муртазо ака таниқли олим ва журналист. Республика матбуотида биз унинг қаламига мансуб бир-биридан мазмунли мақолаларини ўқиб турамиз. Ҳавас қилса арзийдиган катта бир оиласи бор. Оқила рафиқаси Маҳфузахон ая Муртазо аканинг



**Муртазо Султонов рафиқаси
Маҳфузахон ая билан.**



бундай равнақ топишида ҳамнафас бўлган аёлдир. Улар 2 ўғил, 2 қизни вояга етказиб, уларни ҳам ҳаётда ўзлари каби ҳалол меҳнат қилишга ўргатдилар. Набиралар бува-бувиларининг ардоғида. Инсонга бундан ортиқ бахт борми!

Бу ҳаётда инсонни азиз ва мукаррам қиладиган омиллар кўп. Фақат уларни илғай олиш, уларни бажаришда ўзида ирода, куч, билим ва ақл топа билишлик энг муҳими бўлса керак. Муртазо Султонов нимагаки эришган бўлса, ота-онаси, ўзи, оиласи, атрофидаги дўстлари, устозлари ва шогирдлари туфайли эришди. Фарзандлар ва нева-чеваралар камолини кўрмоқда. Уларни яхши ўқитиб, эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбияламоқда.

Унинг ҳаёти ўнлаб ҳақиқий дўст ва муносиб шогирдлари, Маҳфуза опадек садоқатли ёри билан доимо чиройли. У Муллохон, Дилфуза, Мақсуджон, Шабатжондай ўз касбини ардоқлайдиган, Ватанга, халқига астойдил хизмат қиладиган, меҳнатсевар ва камтарин фарзандларни тарбиялаб, вояга етказди. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, бу ибратли хислатлар эндиликда нева ва чеваралар ҳаётида шаклланмоқда.

Муртазо ака барча одамларни Оллоҳ яратган бир олий қадрият деб, уларга бирдай ҳурмат кўзи билан қарайди. Ўзига салом учун узатилган қўлнинг қадрини доимо баланд тутати. Муомалада тайинли, ростгўй ва ишончли. Барча биродарларининг ҳолидан хабардор. Яхши-ёмон кунларида ёнларида, албатта, камарбаста. У кишининг ажойиб фалсафаси бор: «Аслида, одамга кўп нарсаси керакмас, — дейди Муртазо ака. — Озгина эътибор, ҳаётида юз берган у ёки бу хурсандчилигини баҳам кўриб, ўз вақтида айтилган бир оғиз сўз, оғир дамда кичик бир ҳамдард бўлади... Мана шундай кичик нарсалар, бир одамдан бошқа одамга арзимас бир яхшилик киши кўнглига гоҳида кучли оби малҳамдай татийди».

Ажойиб эътироф! Бундай эътироф маънавияти пок, кўнгли кўчалари обод, руҳи самимиятга бой инсонларгагина хос. Муртазо ака бундан мустасно эмас.

Хуллас, Муртазо ака қўлидан келганича бошқаларга кўрсатиб келаётган меҳр-оқибатининг илдизлари теран, илдизлари ғоят ҳикматли...



ЧИНОРГА АЙЛАНГАН... ДЎСТИМ

Абдулла Турдиев... У шиддаткор ва ҳозиржавоб шоир эди. Аммо умри ҳам шиддат билан ўтди-кетди. Қисқа... Лекин мазмунли. Ундан ажойиб ва бетакрор назм навоси қолди.

У билан курсдош эдик. Ўша пайтларда — шўролар мафкураси бизни занжирбанд этган чоғларда ҳам у мустақилликни, ҳурликни, озодликни орзу қиларди. Баъзан тўлиб-тошиб кетган чоғлари шартта ўрнидан туриб, янги ёзган шеърини дона-дона қилиб ўқиб берарди...



Шоир Абдулла Турдиев

Биз — курсдошлар уни ҳайрат билан тинглардик:

*Гоҳ яқин, гоҳ олисдан бахтимни излагайман,
Ўзни сенлаб гоҳида дардларим сизлагайман,
Гоҳо қолиб беимкон ўкинчда бўзлагайман
Уфқларда нигоҳим: манзилим кўзлагайман,
Манзилим кўзлагайман.*

У манзилни — Мустақилликни кўзлади. Орзу қилди, унга интилди, ички бир туғён билан курашди, ёнди, куйди. Миллатни ҳур, Ватанни озод кўрмоқчи бўлди, ўз тилига эга бўлишни истади. Ва ниҳоят, бу ёруғ кунларга ҳам етиб келди, шукроналар айтди. Аммо минг афсуски, бу ҳур, гўзал Ватан гулшанида у булбул каби узоқ ёниб сайрай олмади. Бешафқат ўлим уни орамиздан олиб кетди...



*Энг сўнги манзилга ета-етгунча —
Гоҳо бир ҳикматни англаймиз аранг.
Чумоли излари кета-кетгунча —
Заминга дон расмин чизибди, қаранг...*

Ҳа, Абдулла Турдиев ҳокисор ва меҳнаткаш инсон эди. Ундан мустақиллик йилларида яратилган ажойиб шеърӣ гулдаста қолди.

Бугун зукко ва шиддаткор шоир дўстим Абдулла акани эслар эканман, Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган яна бир шеъри ёдимга тушади:

*Йиллар — суюнчи чопган болакай,
Ғуллар — нақ қувончдан ёрилган юрак.
ХОТИРА, ҚАДР — бу... тўққизинчи МАЙ,
Ки, қўлтиқтаёқлар кўкариб, ўсиб —
ЧИНОР...га айланган қутлуғ кун демак!*

Бу қайноқ сатрлар ўша ҳаяжонли дамларда, яъни 1999 йил 9 май арафасида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов та-шаббуси билан Юнусободда Хотира ва Қадрлаш мажмуи очилган чоғда шоирнинг юрагидан отилиб чиққан эди...

Зеро, инсон хотираси улуғ ва муқаддасдир. Уни ҳар қанча эъзозласак, ардоқласак, барибир кам.

Шоир Абдулла Турдиевнинг хотираси ва уни билган дўстлари, шеърӣят шайдолари, қолаверса, халқи қалбидан асло ўчмайди.

Қуйида шоирнинг сўнги йилда ёзган ва менга маъқул бўлган шеърларидан бирини ушбу рисолада чоп этиб, Абдулла аканинг руҳини яна бир бор шод айлашни бурчим деб билдим.

Юртим деган — Юртбошингга паноҳ бўл, элим...

*Дунё билан бўйлашган эл — Ўзбекистоним,
О, булбуллар ошён этган — фарруҳ бўстоним.
Пойтахт Тошкент осмонида даъфатан қуюн —
Ногоҳ баргдай титраб кетди жону жаҳоним.*



Гард қўнмасин кўз-қошингга,
Огоҳ бўл, элим!
Юртим деган — Юртбошингга —
Паноҳ бўл, элим!

Айтгил, тарих, кўрганмисан кўп бошли илон,
Худди одам сувратида... кўз-қошли илон?!
Балки шундоқ орамизда жон сақлаб, писиб —
Ёмон-ёмон — ўз қўйнингдан чиққан илон!

Оҳ, оғудир нон-ошингга,
Огоҳ бўл, элим!
Юртим деган — Юртбошингга —
Паноҳ бўл, элим!

Хиёнат — энг азим гуноҳ — кечирмас Танграм,
Билгувчидир ўзи Оллоҳ — кечирмас Танграм!
Ватанфуруш, ғанимларга эл қарғиши — ўқ —
Минг тазарру, кечдир «эвоҳ!» — кечирмас Танграм!


Наҳот, синов бардошингга —
Огоҳ бўл, элим!
Юртим деган Юртбошингга —
Паноҳ бўл, элим.

Абдуллоҳнинг юрагидан сим-сим... бу ашғор,
Оғриқ билан қалам сурдим... қажрим — бешумор.
Йўқ, илоё, кўз тегмасин, десанг — ВАТАНга —
Фидо элим, кўзмунчоқ — бўл, ё бўлгин — тўмор!

Келолмасин ёв қошингга,
Огоҳ бўл, элим!
Юртим деган — Юртбошингга —
Паноҳ бўл, элим!



МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР...



Муҳаммад Юсуф

XX асрнинг 80-йилларида «Тошкент окшоми» газетасида бир гуруҳ истеъдодли ёшлар ишлашарди. Насриддин Муҳаммадиев, Мурод Абдуллаев, Сирожиддин Саидов, Муҳаммадвали Муродов, Акмал Ақромов, Дилшод Жалолов, Рустам Худойқул, Эркин Жўраев, Дилшод Жалолов...

Ўша кезлари Муҳаммад Юсуф билан танишиб, кейинчалик ака-укадек бўлиб кетгандик. Муҳаммад қорачадан келган, қотмагина, баъзан тортинчоқ, аммо тўғрисўз, дангал гапирувчи, адолатпарвар йигит эди. У умуман ёлғон сўзлашни билмас, соддалиги туфайли одамларга чин кўнгилдан ишонарди.

Бўш қолган чоғларимизда адабиёт, санъат ҳақида кўп гаплашар эдик. Баъзан кайфияти яхши бўлиб, очилиб кетса «Хали мен зўр шоир бўламан!» — деб қўярди. Шунда Сирожиддин Саййид иккимиз «Худо хоҳласа, деб қўйинг тақсир», дердик. У мийиғида кулимсираб, нималарнидир пичирларди...

Қадимда юнонларда «Шоирлар ярим пайғамбарлар, ҳақиқий шоирлар эса авлиёлар», дея эътироф этилган экан. Муҳаммад Юсуф ҳам нималарнидир аввалдан кўра биларди, айтган башоратлари, қизиқ, рўёбга чиқарди. У бир шеърида шундай дегани эсимда:

*Мендан нима қолар: икки мисра шеър,
Икки сандиқ китоб, бируюм тупроқ...*



Ёки бошқа бир шеърида шундай ёзган эди:

Тузалмайди дардим менинг, ўлсам керак,

Тупроқ билан оға-ини бўлсам керак.

Ўлим нима? Бу ҳам битта сайр, она,

Ўзинг қаро ерга кетди, хайр, она...

Шоир ушбу сатрларни ёзаётганида, балки ўзининг вафоти ҳақида башорат қилган бўлса ажаб эмас. Аммо шафқатсиз ўлим унинг айни 47 ёшида сафимиздан олиб кетди, шоир бу фоний дунё билан хайрлашди.

Шоирлик ҳар кимга насиб этавермайдиган бир илоҳий туйғу. Шоирлик бу қисмат, бу илоҳий бир синоат. Яратганнинг инояти. У ўзи айтганидек, «зўр» шоир бўлди. У буни ички бир туйғу билан сезарди. У узоқ яшамаслигини ҳам биларди. Гоҳида ҳазиллашиб, «биздақалар у ёғда ҳам керак», деб қўярди.

Муҳаммад Юсуф эл ардоғидаги шоир бўлди. Унинг шеърлари дилга яқинлиги билан ажралиб туради. Ватан, она, муҳаббат мавзуси унинг шеъриятида халқона янгради. Содда, самимий мисралар бир ипга тизилган маржондек сара ва беғубор. Унинг «Улуғимсан, Ватаним», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» каби қўшиққа айланган шеърлари халқ орасида мустақиллик мадҳияси тимсолидек янграмоқда.

У ўзининг қисқа ва аммо мазмунли ҳаёти давомида «Таниш тераклар», «Булбулга бир гапим бор», «Илтижо», «Уйқудаги қиз», «Ишқ кемаси», «Қўнглимда бир ёр», «Бевафо кўп экан», «Эрка кийик» каби ўнлаб шеърини тўпламлари, «Эй дил», «Қора қуёш», «Осмоннинг охири», «Қўҳна қудуқ», «Темирлар нидоси» каби дostonларини китобхонларга адабий мерос қилиб қолдирди.

Муҳаммад Юсуф юқорида айтганимдек, содда, оққўнғил, ростгўй, ҳалол ва покиза қалб эгаси эди. Шу боисдан ҳам унинг шеърияти маънавиятга тўла. Шоирнинг шеърлари оддий, равон, соддалиги билан халқ оғзаки ижодига ўхшаб кетади. Халқ дилига яқин содда шеърларидаги мавзулардан бири бу — Ватан бўлиб, уни худди ўз онасидай азиз ва қадрли санаган, ҳамиша юртини



волидаси каби ардоқлаган. Масалан, унинг миллий ғурурни ҳар нарсадан устун билиб, Истиқлолни асраб-авайлашга, қадрлашга чорлаган мисраларини ўқиганингизда бунга яна бир бор амин бўласиз. Таъсирчан жумлалардан юрагингизда ватанпарварлик туйғуси жўш уради. Шоир ёзади:

*О, ота маконим.
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам.
Римни алишмасман бедапоянгга.*

Муҳаммад Юсуф она-Ватан мадҳини ана шундай гўзал ифода этган туғма истеъдод эди.

Яна бир шеъридан парча:

*Сен шоҳлари осмонларга
Тегиб турган чинорим.
Ота десам,
Ўғлим деб
Бош эгиб турган чинорим.
Кўнглимдаги ифтихорим,
Қўйнимдаги туморим,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним!*

Ҳа, Муҳаммад Юсуф ўзбекнинг юрагини титратган шоир эди. Бир қарашда унинг содда-дўлвори мисраларини ўқир экансиз, бутун жисмингиз бир қалқиб тушар, қалбингиз фахр ва ғурурдан жунбушга келарди. Бундай ўтли сатрлар ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялайди. Уларни Ватанни севишга, ардоқлашга ва муносиб фарзандлар бўлиб етишишига даъват этади.

Муҳаммад Юсуф ўз миллатини, ўз Ватанини, унинг ҳар бир гиёҳини ўзидан ҳам ортиқ суярди. Унинг содда шеърлари



меҳнаткаш элини, улуғ Ватанни ўзига хос, ҳаммага тушунар-ли оҳангда гўё куйларди. У ҳамиша минглаб ватандошларимизга қарата «Халқ бўл, элим», «Ҳеч кимга бермайман сени, Ўзбекистон» дея ҳайқираётгандек туюлади, кишига.

Муҳаммаднинг Ватанга, халққа бўлган садоқати, самимийлиги миллат ва юрт истиқлоли учун интилишлари унинг бетакрор шеърларида акс этди. Ҳа, Муҳаммад Юсуф шеърят деб аталмиш юксак чаманда ўз овози, ўз созига эга бўлган буюк шоир эди. У оддий, барчамиз учун таниш сўзлардан шундай шеър дурларини чизганки, ўқувчи уларни ўқиганда шоир билан бирга қувонади, баъзида куюнади. Негаки, шоир олам дардини, одам қувончу ташвишларини қалб кўзи билан кўра била олади. Оташ-нафас шоирнинг шеърлари онани ҳурмат қилишга, қадрига етишга, Ватанни севишга, умрни зое ўтказмасликка, бир-биримизга меҳр-мурувватли бўлишга ундайди. Унинг шеъряти қалбларни губордан поклаб, инсонларни гўзаликка ошно бўлишга чорлайди. Муҳаммад Юсуф шеърларининг мавзуси ранг-баранг.

*Ўтар қанча йиллар тўзони,
Юлдузлар кўз ёши самони.
Ўтар инсон яхши-ёмони,
Меҳр қолур — муҳаббат қолур.*

Тириклигида ўзидан яхши ном қолдирган инсонлар ҳамиша халқ дилида яшайди. Муҳаммад Юсуф ҳам қисқа умр кечирди. Аммо ундан асрларга татигулик чинакам бетакрор ижодий мерос, ёрқин из қолди. Адабиётимизга ва халқимизга қилган фидойи хизматлари учун Муҳаммад Юсуф 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ шоири унвонига сазовор бўлди. Афсуски, у «Мен» деб номланган достонини тугатолмай кетди.

Шоира айтганидек:

*Осмонда чақиндек чақнади кетди,
Сўзлардан гавҳарлар яратди кетди,
«Кўклардан бир чимдим кўкини» олиб,
Йўлига поёндоз айлади кетди.*



Муҳаммад Юсуф устозлари даврасида.

Ҳа, адабиётга чинакам хизмат — бу миллатга хизматдир. У
ўзи суйган, ёниб қуйлаган халқнинг юрагига самимий бир оҳанг
бўлиб сингиб кетди.



МУҲАММАД ЮСУФ

ёхуд унинг таҳаллуси Мақсад Яхшиев эканлиги хусусида

Муҳаммад Юсупов билан ҳали машҳур шоир Муҳаммад Юсуф бўлмасдан олдин ҳар куни кўришардик. Ўша дамлар, яъни 80-йилларнинг боши эди: иккимиз ҳам «Тошкент окшоми» газетасида ишлардик. У шаҳар хўжалиги бўлимида, мен эса, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлимида ишлардим. Ўша даврда таҳририятда кучли журналистлар йиғилганлиги учун газета ғоятда ўқишли чиқар эди. Пойтахтдаги кўпгина муаммоларни дадил кўтаришарди. Муҳаммаджон ҳам шаҳар муаммоларини ўткир ҳажвга оларди, газета саҳифаларида унинг гоҳ шеърий луқмалари, гоҳ шеърий фельетонлари пайдо бўлиб қоларди. Уларнинг кўпини Муҳаммаджон «Мақсад Яхшиев» таҳаллуси билан чоп этарди.

1985 йилнинг ёзи иссиқ келди. Жазирама саратонда Тошкент шаҳрида чанқовбосди яхна ичимликлар, айниқса, квас анқонинг уруғи бўлиб қолганди. Таҳририятта шикоятлар, қўнғироқлар бўлгани учун Муҳаммад Юсуф ўз имзоси билан «Квас» у, лекин квас эмас... » деган шеърий луқма ёзган. Бу шеърий луқма «Тошкент окшоми» газетасида босилди. Шеър ҳамон эсимда:

*Ёндиради саратон,
Ишга бориш марафон,
Ишдан қайтиш марафон...
Квас ичгим келяпти.*

*Аммо бочка тўла морс,
Ҳамма бочка тўла морс,*



Ҳамма «точка» тўла морс,
Квас ичгим келяпти.

Биров сўрар шоколад,
Биров сўрар лимонад,
Мени эса қиёмат —
Квас ичгим келяпти.

Терлаб-пишиб борар ёз,
Ёмғир, деб ёлворар ёз.
Ёқар дилни бир ҳавас —
Квас ичгим келяпти.

Боғ қилдим — гулзорга кўрк,
Чўян қўйдим — зарга кўрк.
Уй қурдим — шаҳарга кўрк,
Товариш «Ташлимводторг» —
Квас ичгим келяпти!

Шундан кейин шаҳарда квас ҳам кўпайиб кетганди... Бир куни Муҳаммад юраги сиқилаётганини айтиб қолди. Дардлашгиси келди чоғи...

Анҳор бўйидаги ошхонага бордик. У узоқ вақт Анҳор сувига тикилиб қолди. Сўнгра хўрсинганча деди:

— Ўғлимни соғиндим...

Тошкентдаги Рус тили ва адабиёти институтини тугаллаб, қишлоққа бордим. Отам уйлантириш пайига тушиб қолдилар. Мен эса, Тошкентга қайтиб кетиб, у ерда ишлаш ниятим борлигини айтдим. Отам эса:

— Ўғил уйлантириш ота-онанинг ҳам қарзи, ҳам фарзидир, болам, — дедилар.

Отам бир сўзли инсон эди. Тўй бўлди. Тўйдан кейин келинни қолдириб, Тошкентга ишга келдим. Орадан бир йил ўтиб ўғиллик бўлди. Оиламни олиб Тошкентга кўчиб келдим.

Аммо келинингиз пойтахтдаги қийинчиликларга қўника олмади. Охири қайсарлик қилиб Андижонга қайтиб кетди. Бир-икки



бориб, олиб келмоқчи бўлдим. Аммо келинингиз унамади. Ёлгон тақдир экан, охири ажрашишга мажбур бўлдик. Лекин ўғлимни соғиниб кетяпман-да!

— Ўғлингизнинг оти нима? — сўрадим Муҳаммаджондан.

— Бобур!

— Улуғ исм экан...

Шундан сўнг орадан қанча сувлар оқиб ўтди шу Анҳордан. Сўнг «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газета-сида бирга ишладик. Ўша йиллар давомида у катта шоир бўлиб танилди...

Бир кун ибуна масаласи билан Андижон вилоятига хизмат сафарига бориб қолдим. Ҳамроҳим Қозимжон жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судига кириб, бир одамни қўриб чиқайлик, деб туриб олди. Кирдик. Йўлакда бир йигитга рўбарў келдим. У худди Муҳаммад Юсуфнинг қуйиб қўйган ўзгинаси эди. Бир зум қотиб қолдим. У салом бериб қарши томонга ўта бошлади. Худди уни йўқотиб қўядигандек шошилиб:

— Сизни бир дақиқага мумкинми? — дедим. — Кечирасиз, исмингиз Бобурми, Муҳаммаджоннинг ўғлимисиз?

— Ҳа, нимаиди? Хизмат ака?

— Мен дадангиз билан бирга ишлаганман. Дўст эдик. Ис-мим...

— Ие, ие, сизни танимабман, кечирасиз. Сизни ёшлигимда қўп қўрган эдим. Анча ўзгариб кетибсиз... сочларингиз оқарибди.. У шундай дея мен билан бошқатдан қучоқлашиб қўришди. Мен эса, Муҳаммадни бағримга босгандек бўлдим. Қўзларимга ёш қалқди.

— Судда ишлаётган экансиз, жуда хурсанд бўлдим. Дадангиз-нинг орзуси ушалибди. Сизни Тошкентга олиб кетиб ўқитиб юрган чоғларда «Ўғлим энг одил судья бўлади», дерди. Армони ушалсин. Ҳозир сизни қўрганда боши қўкка етарди. Майли, жойи жаннатда бўлган бўлсин!

— Дадам Сиз тўғрингизда ҳам менга қўп гапирар эди...

... Бобур, ҳозир нима иш қиялпсиз?

Шу шаҳар судида суд мажлиси котиби лавозимида ишляп-ман. Собиржон Сиддиқов, Исомиддин Ҳасановлар менга устозлик



қилишаяпти. Ҳа, айтгандай, Сизни Собиржон ака билан таниш-тирсам майлими?

— Бўпти...

Тўладан келган, аммо ҳорғин чеҳрали киши бизга табассум билан пешвоз чиқди.

— Андижонда кўришганимиздан жуда хурсандман, — деди у эски танишлардек. — Бобуржон жуда тиришқоқ, ўз устида тинмай ишлаяпти. Ундан мамнунман. Худо хоҳласа, отаси орзу қилган йигит бўлади...

Сухбатимиз дастурхон устига кўчди. Бобур ва Собиржон ака билан анча чاقчақлашдик. Муҳаммад Юсуфни эслашдик. Хотиралар бирма-бир кўз ўнгимизда гавдаланарди... Мен эса, гўё Муҳаммад Юсуфни кўргандек бўлдим. Ўғил бола — авлод давомчиси. Шу куни шоирнинг руҳи шод бўлган бўлса ажаб эмас.

Шоирнинг ёлғон тақдири эса, чинга айланди. Шу Тошкентда яна бахтини топди. У устоз домламиз, менинг диплом ишим раҳбари Ғайбулла ас-Саломнинг қизи Назираҳонга уйланди. Уч қизли бўлди. Неварали ҳам... Шоир бахтли яшади. Аммо умри қисқа экан... Лекин у ёзган шеърлар биз тирик эканмиз, қулоқларимиз остида ҳали-ҳануз жаранглайди:

*Бир тўкилиб тагин қомат тикладик,
Елкаларга миллат юкин юкладик.
Озод вужудларда руҳ бўлди бино,
Бинолар ўрнида давлат тикладик...*

Муҳаммаджон «Ўзбекистон овози» газетаси бағрида очилган «Осиё бозори» газетасида ҳам Мақсад Яхшиев тахаллусида ранг-баранг шеърлари билан фаол қатнашарди. Газетанинг биринчи сонига «О, Осиё бозорлари» шеърини ёзиб берганди:

*О, Осиё бозорлари:
Даллоллари виқорлари,
Оппоқ соқол атторлари,
О, Осиё бозорлари...*



Истанг, бари топилади.
Қуш сути ҳам сотилади.
Айтинг ўзи не йўқ бунда,
Хоҳланг кундуз, хоҳланг тунда...
О, Осиё бозорлари.

Бозор эмас — бир чорбоғдек,
Олмалари — ошқовоқдек!
Узумлари суюқ асал,
Ширмойи нонлари — ғазал.
Бари танҳо, бари гўзал —
О, Осиё бозорлари!

Манов меҳмон хорижданмиш,
Форишданмас — Парижданмиш.
Чўпи билан ер кишимишлар,
Анорни арчмасдан тишлар.
Нима дейсиз — шундай ишлар!...
О, Осиё бозорлари!

Бағрингдан фойз аримасин,
Даллоллари қаримасин.
Расталаринг тўлиб турсин,
Барака ёр бўлиб юрсин.
О, Осиё бозорлари!

Ҳа, Муҳаммад Юсуфнинг чинакам, ҳақиқий, бетакрор шеърлари бизга мерос бўлиб қолди. Ундан ажойиб ватанпарвар фарзандлар ҳам қолди...



ОЛИМ «ДОДА»



Олимжон Ҳакимов

«Ўзбекистон овози» газетасида ишлаб юрган чоғларимизда бир кун иустоз журналист, раҳматли Исмоил Сулаймонов менга «Шу Олимжон деган йигит хўб ширин йигит-да, дўст бўлсанг кам бўлмайсан, оқибатли инсон», деган эди.

Олимжон акани мулоим, ширинсўз, ўз касбининг устаси, одамохун, кайвони бир инсон сифатида кўп йиллардан буён яхши билардим. Аслида у кишини танимайдиган инсон бўлмаса керак. Олимжон ака кўп йиллар хозирги «Ўзбекистон овози», «Саодат», «Муштум» журналларида безакчи муҳаррир бўлиб ишлаган. Жами 45 йил матбуотда ҳалол хизмат қилди. Бир йўла эл корига ҳам яради: тўй ва маъракаларда доимо беминнат хизматда. Ҳожатбарор бу инсон барчанинг кўнглини олишга, одамларнинг корига ярашга ҳаракат қилади. Журналист, ёзувчиларнинг бир-бирига меҳрини оширади, тилидан бол аримайди.

— Тўй ёки маъракани ёхуд бирор-бир тадбирни унинг эгалари дилидагидек, кўнглидагидек ўтказиб бериш, очиғи катта санъатни талаб қиладиган иш, — дейди Олимжон ака. — Бу эса, кўп жиҳатдан даврабошининг маҳоратига боғлиқ. Даврабоши борини ошириб, сероб қилиб, кам-кўстларни сездирмай, мўл-кўл қилиб ўтказиб бериши, барча келганларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилиши лозим. Шунда маросим ҳам гап-сўзсиз чиройли ўтади.



Яхшиямки, дунёда шундай беназир инсонлар бор. Инсон қанча очиқ, одамохун ва самимий бўлса, у ҳақидаги таассуротлар ҳам ўзгалар қалбига шунчалик чуқур ўрнашиб қолар экан.

Олимжон ака ана шундай ҳурматга, меҳру муҳаббатга сазовор инсон. Зеро, инсонийликнинг энг олий фазилатларидан бири кишиларга яхшилик қилишдир. Ҳадисда «Ҳар бир яхшилик садақадир» дейилади. Одамлар муҳтож бўлганда ёрдам бериш, ҳожатини чиқариш, яхши-ёмон кунларида асқотиш, бемор бўлганда йўқлаш, тўй ва маъракада туриб бериш, ширинсуханлик билан сўзлаш, инсоннинг дилига озор бермаслик — буларнинг бариси яхшиликдир.

— Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шундай ёзган: «Кимлар билан бўлсанг шулардексан. Улар ёмон бўлса, сен ҳам ёмон, улар яхши бўлса, сен ҳам яхшисан» дея хотирлайди Олимжон ака. — Одам бировга яхшилик қилса, доим дили равшан, кайфияти шод юради. Дунёда ўзгаларга яхшилик қилиб яшашдек саодат йўқдир.

Олимжон Ҳакимовнинг ҳам ҳаётий шиори шундай. Олим «дода» ҳали қирчиллама ёш йигит. Икки юзи нақш олма, чеҳраси доим кулиб, балқиб туради, тили-забони ширин, икки қўли кўксидан... Хушмуомала... Донолар айтганидек, «Хушмуомалаликдан — улуғлик, қаноатдан — роҳат, ихлосдан — муҳаббат пайдо бўлади». Ким мулоимлик дарахтини экса, саломатлик мевасини йиғиб олади, деганларидек, Олим «дода» элга қилган хизматлари мевасини териб юрибди. Уни эл танийди, у эса элни... Инсон учун бундан ортиқ бахт борми?! Олимжон Ҳакимов эрталабдан ишни газета ва журналларни ўқишдан бошлайди. Агар шоғирдларининг яхши мақоласи чиққан бўлса, эринмай, қўнғироқ қилиб, табриклайди, ижодига барака тилайди.

Дарвоқе, нега биз уни Олим «дода» деймиз. Чунки, Олимжон Ҳакимов инсонийликнинг, яхшиликнинг, мулоимликнинг, хушмуомалаликнинг пири, «дода»си... Тарбияли одам ҳамма жойда ўзини тута билиши ва ҳаммага ўрнатилган бўлиши билан ибратлидир. Олим «дода» айнан шундай... ўз хулқи, юриш-туриши одамларга меҳрибонлиги билан барчага намуна, ўрнатилган.

Фалакнинг гардиши ила мен ҳавас қилган инсон билан бир таҳририятда, бир хонада ўтириб ишлаш насиб қилган. Буни



Олимжон Ҳакимов «Саодат» журнали жамоаси билан.

қарангки, фариштали инсон ҳар дақиқа, ҳар соат, ҳар куни одамларга яхшилик улашаётганининг, уларга мадад бўлаётганининг, оғирини енгил қилаётганининг гувоҳи бўлганман.

Олим «дода»нинг елкасидан «тоғ ағдарилган». Уч ўғил ва икки қизни уйли-жойли қилган. Келинойимиз раҳматли Зироатхон опа билан ўндан ортиқ набиранинг додаси, бувиси бўлишган...

Олим аканинг доим ёш кўринишига сабаб нима? Чунки у адабиётга, санъатга ошно. Уни доим адиблар, журналистлар, санъаткорлар даврасида учратасиз.

Ўзи етимликда ўсиб, ўз меҳнатлари билан инсонлар қалбига йўл топган, улар меҳрини қозонган, игна билан қудуқ қазишдек мураккаб, машаққатли ва заҳматли касб бўлиши журналистика соҳасида меҳнат қилиб келаётган Олим «дода» ҳамиша эл ардоғида...

Телефон қўнғироқлари тинмайди.

— Олимжон акани мумкинми?!

Гўшакни ҳамхонамга узатаман. Олимжон ака телефон гўшагини олар экан:

— Ассалому алайкум! Ҳа, «додам» тинчмисиз? Бола-чақалар омонми? Хўш, хизмат?.. — дейдилар.

Оллоҳ ўзи севган бандасига одамларнинг иши тушадиган қилиб қўяр экан. Ҳар бир одамини одамлар сўрашга, сўраб келишга лойиқ айлсин! Бизнинг Олим «дода» ана шундай, барчага керакли Инсон! Ҳамманинг бахтига омон бўлинг, Олим дода!



СУЛОЛА

Она юртни азиз ва мукаррам би-
лиш, миллий туйғуни қалбан англаш
ҳар бир инсоннинг бурчи. Ватанининг
гуллаб-яшнаши, мустаҳкамланиши,
халқнинг бахт-саодати, маданияти,
маърифати ва қадриятларини тиклаш,
ривожлантириш учун бу эзгу йўлда
хизмат қилиш эса, катта буюклик-
дир. Зеро, бундай одамларни ҳеч
иккиланмай, эл фарзанди, эл ўғлони,
деб айтиш айни муддао. Чунки улар-
нинг ишидан, қадамидан, каломидан,
ижодидан ўсиб келаётган ёш авлод-
га ибрат бўларли ҳаётбахш нурлар таралади, кўпчилик уларга
ўхшашга, улардек ишлашга, ижод қилишга, ниманидир яратиш-
га интилади.

**Рассом Тўлқин Икромов**

Истеъдодли мўйқалам устаси, таниқли рассом ва кўп йиллар
Тошкент Маданий-оқартув техникумида, Тошкент Давлат Поли-
техника институтининг архитектура факультетида ёшларга таълим-
тарбия берган устоз-мураббий Тўлқин Икромов ана шундай табар-
рук инсонлардан бири эди.

Рангтасвир устаси, манзарачи рассом Тўлқин Икромов
1939 йил 21 июнда Тошкент шаҳрида туғилган. У 1955 йили
П. Беньков номидаги Республика рассомчилик билим юрти-
га ўқишга кириб, уни аъло баҳолар билан битиради. Билимини
мустаҳкамлаш ва рассомчилик маҳоратини ошириш мақсадида
1959 йили Н. Островский номидаги Театр ва рассомчилик инсти-
тутига ўқишга киради.



Болаликдан табиатга ошно бўлган Тўлқин Агзамович ўз асарларида она табиатнинг гўзаллигини рангли бўёқларда акс эттиради. Ўша пайтда яратган унинг илк полотноларидан бири — «Хўжакентнинг эски кўприги» картинаси Ўзбекистоннинг бепоён ва бетакрор табиатининг янграётган бир ажойиб қўшиғига ўхшаб кетарди.

Истеъдодли rassom Тўлқин Икромовнинг «Чорвоқ кўприги» полотносида Чорвоқ сув омбори устидаги ажойиб кўприк, сокин Чорвоқ денгизи атрофидаги яшил тоғлар, қирлар, шовуллаб оқаётган Угом дарёси шундай тасвирланганки, кўрган киши худди ўзини табиат қўйнида ҳис этади. Ушбу полотно ўз даврида мутахассислар эътиборига тушган ажойиб картиналигича ҳамон сақланиб келинмоқда.

Тўлқин аканинг ижодида манзара жанри етакчи ўринни эгаллайди. У она юртнинг бадий образини яратиш борасида жуда кўп изланишлар олиб борган. Масалан, унинг «Хумсон», «Тоғларда тонг отди», «Меҳнат», «Ургут», «Баҳор», «Оқтош», «Тушлик», «Ҳосил байрами», «Юсуфхона» каби манзарали асарлари rassomчилик санъатининг ривожига муҳим аҳамият касб этади. Тўлқин Икромовнинг асарлари республикамиз ва хорижий мамлакатлар музейларида ҳамда хусусий тўпламларда сақланиб келинади. У республика миқёсидаги кўплаб кўргазмаларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Табиат куйчиси, манзаралар устаси бўлган rassom Тўлқин Икромовдан қолган ажойиб полотнолар бугунги кунда кишиларга завқ-шавқ улашиши билан бирга, унинг номини, ижодини, ҳаётини рангли тасвирларда абадий қолдирди.

Тўлқин Икромов ҳақида ўйлаганимда, беихтиёр истеъдодли rassom билан танишган чоғларим ёдга тушади. 1987 йили Қорақамиш даҳасига кўчиб келганимда Тўлқин ака менинг ҳам ижодкор, ҳам журналист эканлигимни билиб, қўшни сифатида ўз ижодхонасига таклиф қилганди. Ўшанда Тўлқин ака чизган суратларни, расмларни, полотноларни кўриб, бир олам завқ олгандим.

Rassom ўзининг камтарлиги, одоби, муомала маданияти ва ҳушчақчақлиги билан мени ўзига мафтун этганди. Кейинчалик Тўлқин ака билан эски қадрдонлардек ака-ука бўлиб кетдик.



Тўлқин ака ниҳоятда болажон инсон эди. Унинг рафиқаси, турмуш ўртоғи Раҳима опа Жўраева ҳам фарзандларини еру қўкка ишонмасди.

— Фарзанд бамисоли ёш ниҳол, — дерди Раҳима опа, уни ҳар томонга эгсанг, эгилаверади. Токи, куч йиғиб, тана куч олмагунча измингизга солсангиз бўлади.

Демак, таълим-тарбияни ҳам ёшлигидан, гўдаклигидан бошлаш айни муддао саналади. Ота-оналарнинг фарзанд олдидаги бурч ва вазифаларининг энг муҳими — уларни соғ-саломат вояга етказиш билан бир қаторда дину диёнатли қилиб тарбиялаш ҳамдир.

Шундай пайтларда Тўлқин ака ҳам олий маълумотли педагог, кейинчалик кўп йиллар «Модалар уйида» чеварлик қилган Раҳима опанинг гапларини қўллаб-қувватларди.

— «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она», деган доноларимиз, — дерди Тўлқин ака салмоқланиб. — Оилада безътиборлик туфайли ноқобил фарзанд пайдо бўлади. Диний экстремистик оқимлар даврасига адашиб кириб қолган ёшларимиз тақдири аянчли бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз. Шунинг учун ота-она назоратидан четда қолган болага маҳалла-қуй, қўни-қўшнилар ҳам эғалик қилишни унутмасликлари керак. Чунки бола катта бўлганида мукамал, тарбияли инсон бўлса, бу маҳалла обрўси, ғурурига айланади.

Педагог-рассом Тўлқин аканинг бола тарбиясидаги нуқтаи назари ана шундай эди. У қаерда ёшларга таълим-тарбия бермасин, ишга сидқидилдан ёндошиб келган.

Иноқ, аҳил оилада олти нафар фарзанд тарбияланди вояга етди. Тўлқин ака билан Раҳима опанинг уч фарзанди отасининг изидан борди. Ота касби уларга бахт-саодат келтирди. Катта қизи Умида Икромова (Шомансурова) 1965 йил Тошкент шаҳрида туғилган.

1985 йилда П. Беньков номидаги республика рассомчилик билим юртини тамомлаб, ўша йили Тошкент Педагогика институтига ўқишга кирди. 1990 йил рассомчилик графика факультетини тугаллаб, Олмазор туманидаги 196-ўрта мактабда чизмачилик ва



расм фанидан дарс бера бошлади. Умидахоннинг турмуш ўртоғи Шоолим Шомансуров ҳам 1965 йил Тошкент шаҳрида туғилган. У ҳам П. Беньков номидаги республика rassomчилик билим юртининг rassomчилик бўлимини тугаллаб, китобларни безаш, локли миниатюра буюмларини яшаш билан шуғулланиб келмоқда. Шоолим меҳнатдаги ютуқлари ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги намунали ишлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 25 августдаги Фармонида биноан «Шухрат» медали билан мукофотланган. Унинг икки ўғли ҳам ота-онаси изидан кетди. Улар ота-она касбини улуғлаб кам бўлишмаяпти. Ижодий изланиш йўлидан боришиб, тенгқурлари орасида катта муваффақиятларга эришиб келишмоқда.

Rassomлар сулоласининг яна бири — Гулчеҳра Икромова 1967 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Табиатан rassomчилик санъатига ошно бўлган Гулчеҳра ҳеч иккиланмай Тошкент Маданий-оқартув техникумининг бадий-безакчилик факультетига ўқишга кирди. Ўз билимини ошириш учун 1987 йил Тошкент Педагогика институтига ўқишга кириб, уни 1992 йил тугаллади. Дастлаб Республика ўқувчилар саройида дарс берди. Ҳозирда Маданият коллежида бадий-безакчилик факультети кафедраси мудири сифатида ёшларга rassomчилик санъати сирларини ўргатиб келяпти.

Тўлқин ака сулоласининг яна бир кенжа вакили — унинг ўғли Тоҳир Икромовдир. У ҳам Тошкент шаҳрида 1972 йил туғилган. 1988 йил 196-мактабни тугатган. Унга талант ва истеъдод ота қонидан ўтган десак янглишмаймиз. У ёшлигидан локли миниатюра rassomчилиги ва безакли композициялар билан шуғулланиб келади.

Тоҳир 1991 йили Тошкент Маданий-оқартув техникумининг миниатюра бадий-дизайнерлик факультетини тугатган. У ўз билимини ва маҳоратини ошириш мақсадида Тошкент Педагогика университетини 1996 йили тугаллаб, лок миниатюра rassomчилиги устаси бўлиб етишди. Негаки, ўқиб юрган чоғларида у ана шу мураккаб санъат тури устида кўп ишлади, ўқиди, ўрганди. «Халқлар дўстлиги» шоҳ кўчасидаги Абулқосим мадрасида



у уста Абдурашид Тўхтаевдан наққошлик, хаттотлик сирларини ўрганди. Абдулла Набиев номли ёшлар ижод уйида ёшларга рассомчилик бўйича сабоқ берди. 1999 йили Тошкент Халқ хўжалиги институтининг халқаро иқтисод факультетини тугаллаб, маркетинг соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишди. Кейинчалик у талабалар билан ишлаш чоғида ўзи яратган замонавий асарларини Ўзбекистон «Мусаввир» рассомчилик марказида кўргазмага қўйди.

Тоҳир отасининг ишини давом эттириб, анъаналарга содиқ қолган ҳолда ўзбек локли миниатюра асарлари (қути буюмлари) бўйича ўзига хос мактаб яратди.

У ўз ижоди ва тинмай изланиши туфайли халқ амалий ва тасвирий санъатининг ажойиб намуналарини яратмоқда. Тоҳир Икромов 1999 йилнинг сентябрь ойида Берлинда ўз кўргазмасини намойиш этди. Сўнгра, 2000-2001 йилларда Германиянинг Аугсбург шаҳрида, Американинг Нью-Йорк шаҳридаги «Арт-Экспо»да ажойиб безакли, миллий руҳдаги безакли қутичалари кўргазмасини ташкил этди. 2001 йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Миллий миниатюралари танловида биринчи ўринни эгаллади. Бундан кейин 2002, 2004, 2005 йилларда Германия ва Япония мамлакатларида ҳам кўргазмалар ташкил этиб, XXI аср миниатюра буюмлари бўйича энг моҳир уста эканлигини яна бир бор исботлади.

Шу тариқа Тўлқин ака ўзидан катта бир сулола яратиб кетди. Бугун бу сулола эл хизматида. Улар яратаётган санъат мўъжизаларидан одамлар эстетик завқ-шавқ оломоқдалар. Уларнинг рассомчилик, ҳунармандчилик, нақшинкорлик буюмлари нафақат бизни, балки чет элликларни ҳам мафтун этмоқда.

Тўлқин аканинг шогирдлари ҳам сероб. Улар республиканинг ҳар бир бурчагида бор. Архитекторлар Тоҳиржон Содиқов, Муҳаммадамин Расулов, рассомлар Убайдулла Саидахмедов, Абдурахим Умаров, Абдурахмон Султонов, Анвар Илҳомов, Бахтиёр Раҳмонбердиев... Эҳ-ҳе, улар жуда-жуда қўп.

Тўлқин ака доимо шогирдлари билан фахрланиб, «Улар менинг бахтим!», деб юрарди. Улар устозни тез-тез йўқлаб, маслаҳатлар



олиб туришарди. Бу ўз касбига беқиёс муҳаббат қўйган фидойи устознинг ҳақиқатан бахти эди.

Тўлқин ака табиат шайдоси эди. У чизган расмларнинг аксарияти ҳам табиат ҳақида бўларди. Улардан чексиз завқ оларди. Ҳатто ўзи кўп қаватли уйда яшаса ҳам пастдаги ёзги ижодхонасини, унинг атрофини гулдек яшнатиб қўярди. Кўрган одамнинг ҳаваси келиб, бир соатгина бўлса-да, шу салқинда дам олгиси келарди. Бундай кишилардан нафақат ишда, ҳар бир соҳада ибрат олса арзийди.

Жонқуяр педагог-рассомнинг нияти жамиятимизга муносиб мутахассислар тайёрлаш ва қалбини тўлқинлантираётган асарлар яратишдан иборат бўлган. Бу иш ҳар бир педагогдан катта масъулият талаб этади. Лекин масъулиятни тўла ҳис этиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Масъулият бор жойда иш кўнгилдагидек бўлади, улғайиб келаётган ёш авлодда кишиларга муҳаббат уйғотади. Тўлқин ака Икромов ҳам ана шундай фидойи устозлардан эди. У киши ҳаёт бўлганларида бу йил умрининг саксонинчи баҳорини қаршилаган бўларди. Аммо Тўлқин ака худди тирикдек, ёнимизда юргандек туюлаверади. Рангли бўёқларда қолган абадий ҳаётни унинг шогирдлари, дўстлари, фарзандлари — сулоласи давом эттиришмоқда.




Тўлқин Икромов муаллиф билан Сижжак кишлоғида.



МУНАВВАР ҲАЁТ

Бу дунёда шундай одамлар борки, улар билан бир замонда яшаётганингдан фахрланасан, киши. Инсон бу қўхна оламда яшар экан, аввало, эзгулик сари интилади. Ўтаётган умр йўлларига назар солар экан, ундан фақат яхшилик, меҳру муҳаббат, заҳматли, аммо шарафли меҳнат шукуҳини ҳис этиб яшагиси келади. Жамиятимизда шундай инсонлар борки, уларнинг сермазмун ҳаёти ҳамма учун ибратлидир. Таниқли журналист, моҳир таржимон, адиб ва публицист



Адиб Ҳамид Жалолов

Ҳамид Жалолов ҳам бутун ҳаёти мазмунини халқимиз манфаати йўлида хизмат қилиш деб билди, инсонларга зиё тарқатди.

Ҳамид ака Жалолов Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриётида Бош муҳаррир бўлиб ишларди. Ўша пайтлари 1996 йиллар эди, чамамда, хизмат юзасидан кўп мулоқотда бўлар эдик. Ҳамид ака босиқ, ширинсухан, ҳар бир гапни ўйлаб гапирадиган, ишингиз хусусида эса, фойдали фикр билдирадиган инсон экан. Одатда ҳаётда ўз касбига садоқатли инсонлар кам топилади. Аммо Ҳамид Жалолов қирқ йилдан ортиқ умрини матбуотга, ноширчиликка бағишлади. У халқимизнинг «Дарахт бир жойда кўкаради» деган нақлига амал қилиб, қирқ йиллик меҳнати билан матбуотимиз ривожланишига катта ҳисса қўшган ҳассос қалам соҳибидир.

Ҳамид ака билан кейинчалик ҳам кўп суҳбатда бўлдик. У фақат одамларга эзгулик қилиш ҳақида ўйларди, холос. Ана шу



фазилат менга маъқул эди. Бугун устоз ҳақида ўйлар эканман, унинг ҳикояларидан пайдо бўлган ибратли ҳаёт лавҳалари бирма-бир қўз ўнгимда гавдаланди...

Ҳамид Жалолов республикамизнинг ардоқли олимлари Ражаббек Ислombeков, Эркин Юсупов, Бердиали Имомов шоир ва таниқли журналистлар Олим Қўчқорбеков, Турсун Иброҳимов, Маҳкам Рихсиевлар билан ҳамқишлоқ, мактабдош бўлган. Ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларида «Шарқ юлдузи» журналида масъул лавозимларда кўп йиллар фаолият олиб борган журналист, моҳир таржимон Ҳайдарали Ниёзовнинг қўлида адабиётдан таҳсил олган. Ана шу муҳит унинг адабиётга, китобга бўлган меҳрини уйғотди. Шу ҳавас уни Тошкент Педагогика институтининг адабиёт факультети кечки бўлимига ўқишга етаклади. У ерда кейинчалик шоир ва журналист бўлиб етишган тенгқурлари Ҳайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Наримон Орифжонов, Анвар Юсуповлар билан танишди, биргаликда Мақсуд Шайхзода раҳбарлигидаги ёш ижодкорлар тўғарагига қатнашди. Бу унинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Ҳамид Жалолов ўша талабалик йилларини мароқ билан эслар эди:



Ҳамид Жалолов онла аъзолари даврасида.



— 1950 йилларнинг ўрталари эди, мен у пайтда ўрта мактабни тугатиб, шароит тақозосига кўра Янгийўл (ҳозирги Зангиота) туманининг Эркин қишлоғидаги мактабда бош пионервожатий бўлиб ишлардим. Кейин Тошкент Педагогика институти кечки бўлимига ўқишга кирдим. Бахтимни қарангки, Наримон, Анварлар билан курсдош бўлдим. Аудиторияда Мақсуд Шайхзоданинг адабиёт тарихидан қилган маърузаларини тингладим, унинг раҳбарлигидаги ёш ижодкорлар тўғарагига қатнадим. У ерда Хайриддин, Юсуфлар билан танишдим, дўстлашдим. Бу мендаги адабиёт ва ижодга бўлган меҳрни кучайтирди, шеърлар қораладим, ҳикоялар ёза бошладим. Мақола, лавҳаларим «Тошкент ҳақиқати», «Ёш ленинчи», (ҳозирги «Туркистон»), «Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи»), Янгийўл тумани газеталарида мунтазам эълон қилина бошлади.

Бир куни шеърият кечаси ўтказишни режалаштирдим. Бунда устоз Шайх аканинг ижодий фаолиятини назарда тутгандим. Учрашув мен ўйлагандан ҳам зиёда ўтди. Бундан шоир ҳам, учрашув қатнашчилари ҳам фоят мамнун бўлишди. Бу ҳақда ёзган репортажим гезаталарда эълон қилинди.

Шайх аканинг бир ўғити ҳеч эсимдан чиқмайди. У киши биз, шогирдларига: «Шимингнинг почаси эмас, кети йиртилсин, — дердилар. Кейин билсак, бу «Кўчада шаталоқ отиб юрмай, кўпроқ ўтириб ўқи, ижод билан шуғулан, қилган ишингдан, ёрдамингдан бошқа биров баҳра олсин», — дегани экан. Мен бутун умрим давомида, қаерда ишламай, бу ўғитга амал қилишга интилдим...

Талабалик йилларидаги матбуотчиликка ҳавас, унинг фаол ижодкори бўлиш Ҳамид Жалолов учун таҳририят томон йўл очди. 1960 йилда ҳозирги «Тонг юлдузи» газетаси раҳбарияти мактабда ўқитувчилик қилаётган Ҳамид акани мактаб иши, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳаётини яхши билиши ва газетанинг фаол жамоатчи мухбири эканлигини ҳисобга олиб, таҳририятга ишга таклиф этди. Бу унинг учун аини муддао эди. Таҳририятдаги иш жараёнида ижодкорлар даврасида бўлишга, ўзи ҳам ижод билан мунтазам шуғулланишга имкон яратди. Ундаги ташкилотчилик қобилияти газетада янги-янги ташаббускорлар фаолиятини ёритиш, уларни ўқувчилар оммасига етказишга ёрдам берди.



Ҳамид ака 1969-1992 йилларда «Ёш гвардия» нашриётида таҳририят мудир, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишлаган кезларида ҳам устозларининг ўғитларини унутмади. Тарбиявий мавзунини устун қўйди, унга оид адабиётларни режалаштирди, унга адиблар ва олимларни жалб қилди. Ўзи ҳам болалар газети ва журналларида шу мавзудаги ҳикоялари, очерк ҳамда туркум мақолалари билан фаол қатнашди. Ҳамид ака сўнгра «Ёш гвардия» нашриётида узоқ йиллар оммавий-сиёсий адабиётлар таҳририятининг бошқарганини инобатга олиб, мустақиллик шарофати билан 1992 йилда янги ташкил этилган «Адолат» нашриётига бош муҳаррирликка таклиф этилди. Нашриёт Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида бўлиб, ҳуқуқий адабиётлар чоп этишга ихтисослашган эди. Шўролар даврида барча иттифоқдош республикалар учун бир хилда жавоб берадиган бундай адабиётлар асосан Москвада нашр этилар, жойларда эса, уларнинг таржимаси бериларди. Шунинг учун бу соҳани пухта биладиган ноширлар деярли йўқ, борларининг ҳам малакаси етишмасди. Бу эндигина иш бошлаган «адолат»чиларга тегишли эди. Бундан Ҳамид Жалолов ҳам мустасно эмас. Шу турдаги адабиётларни чиқариш учун, аввало, мазкур соҳани эгаллаш талаб этилади. Бутун иш фаолияти давомида устози Шайхзоданинг ўғитига амал қилиши Ҳамид акага қўл келди. У ҳуқуқшуносликка оид адабиётларни мунтазам мутолаа қилишни одат қилди, ходимларни шунга даъват қилди. Бу соҳадаги билимини ошириш ва эндигина ҳуқуқшуносликни эгаллашга киришган ҳамюртларимизга ёрдамлашиш мақсадида дастлабки йилдаёқ атоқли ҳуқуқшунослар Фулом Аҳмедов ва Акмал Саидов ҳамкорлигида «Юридик атамалар луғати»ни нашр этишга эришди. Китоб нафақат ҳуқуқшунослар ва унга қизиқувчилар учунгина эмас, Ҳамид аканинг ўзига ҳам шу соҳадаги адабиётларни режалаштириш, таҳрир қилиш ва чоп этишда катта ёрдам берди. Нашриётдаги ўн йиллик иш фаолияти давомида юзга яқин ҳуқуқий адабиётлар унинг таҳрири остида ўқувчиларга етказилди. Республикамизда ўзбек тилида биринчи марта эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик, Фуқаролик-процессуал, Оила,



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа кодекслари-ни тайёрлашда шу соҳа мутахассислари билан тенгма-тенг фаолият кўрсатди. Йигирмадан ортиқ дарслик, қўлланма ва монографиялар унинг таҳрири остида чоп этилди. Маънавийтимиз дурдоналари ҳисобланган «Мажмаъ ул Мақсуд», Марғинонийнинг «Ҳидоя», Термизийнинг «Сунани Термизий» китобларининг дунёга келиши-да ташаббускорлик кўрсатди.

Ҳамид ака нафақага чиққач ҳам бир неча йиллар давомида унинг ҳуқуқшунослик қobiliятини яхши биладиган шу соҳа мутахассислари устознинг ёрдамида баҳраманд бўлишди.

Ҳамид Жалолов журналистлик ва ноширлик фаолияти давомида ижодий ишни ҳам тўхтатмади. Унинг болалар тарбиясига оид «Йўқолган кўприк», «Юлдузли кўчат», «Влтава соҳилларида», «Олтин сандиқ», «Ўзбеченок», «Китоблар оламига саёҳат» сингари ўнга яқин ҳикоя ва очерклар тўпламлари, ҳужжатли қиссалари нашр этилди.

Ҳамид аканинг ижодида таржимонлик асосий ўринни эгаллайди. Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида рус ёзувчилари В. Катаевнинг «Давр, олға бос!», татар ёзувчиси Р. Ҳафизованинг «Найболанинг саргузаштлари», бошқирд ёзувчиси А. Бикчентаевнинг «Неча ёшдасан, комиссар?» ва «Алвидо, нуқра ёмғирлар», украин ёзувчиси В. Нестайконинг «Робинзон Крузонинг саргузаштлари», «13-уйдаги нотаниш киши», «Уч номаълум кишининг сири», грузин адиби Т. Гулназаряннинг «Йўл бошида», чет эл адибларидан инглиз ёзувчиси Ж. Чейзнинг «Қиз ўғриси», «Гувоҳлар бўлмайдилар», вьетнам ёзувчиси Дик Ланнинг «Ким Донгнинг жасорати» сингари йигирмадан ортиқ роман ва қиссалари унинг таржимасида китобхонларга тақдим этилди. Унинг таржимасидаги бир неча саҳна асарлари республикаимиз театрларида намоён бўлишди. Шунингдек, Ҳамид Жалолов мустақил юртимиз солиқ идоралари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўп қисмли «Бурч» видеофильмининг сценарий муаллифидир.

Ҳамид ҳожи Жалолов эллик йилдан зиёд умрини болалар тарбияси, яъни болалар боғчасида тарбиячиликка бахшида этган умр йўлдоши ҳожи она Муҳиба Жалолова қизи, олий тоифали



шифокор Моҳийда, ўғиллари — иқтисодчи Фарруҳ, актёр ва режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фотиҳ Жалолов, таниқли журналист Дилшод Жалолов ва ўндан ортиқ набиралар ва эвараларга ҳаёт сабоғини берди. Инсонга бундан ортиқ бахт борми?!

Инсон умри азиз ва мунаввар. Ҳаёт ҳам узун ва қисқа. Уни узайтириш эса, инсоннинг ўзига боғлиқ. Босиб ўтилган оддий йўл, инсон умри ёки ортда қолган хотиралар эса ҳамиша азиз. Бироқ босиб ўтилган йўллар фақат хотиралар йиғиндиси эмас. Балки, у маъноли, мақсадли ҳаёт, сермазмун ижтимоий фаолият, эзгулик, ҳалол меҳнат орқали роҳат-фароғатга элтувчи машаққатли йўлнинг инъикосидир. Ҳамид Жалолов ҳам ана шундай эзгу йўлни, сермазмун умрни, мунаввар бир ҳаётни босиб ўтган табаррук инсон. Унинг ибратли фаолияти, сермазмун ҳаёти эса, ўзгаларга арзигулик намунадир.

Афсуски, умр деган вақт ҳам ўлчаб берилган экан. Устоз, ажойиб инсон, ёзувчи ва шоир ҳамда моҳир ношир, фарзандларига меҳрибон ота Ҳамид Жалолов салкам 80 ёшида бу фоний дунё билан хайрлашиб, боқий дунёга рихлат қилдилар.

Ҳа, устозлар, улуғлар ҳеч қачон ўлмайдилар. Уларнинг иккинчи умри ҳам бор. Бу уларнинг яратган боқий зиёсидир.

Шоир айтганидек:

*Кимгадир соғ юрмоқ армон,
Кимларгадир уй қурмоқ армон.
Бировларга армон чексиз бахт.
Кимга эса, бойлик, тожу тахт.
Менинг эса бир армоним бор:
Устозимни ёд олмоқ такрор.*



ҲУҚУҚШУНОСЛАРНИНГ «ТОҒА»СИ

Бир донишманд айтган экан:
«Бу феруза гумбазли осмон тагида
яшар экансан, билгилки, сени умрбод
ҳурмат қилишларини истасанг, ўзингни
камтарин, камсуқум, хокисор олиб
юр. Камтарин одам мактаниш, кибру
ҳаво, манманлик нималигини билмай-
ди. Ҳамиша ўзини оддий, содда олиб
юради. Камтар одам ҳамиша хушфеъл,
юмшоққўнгил, бағрикенг, кўркам фази-
латли бўлади».



Ҳуқуқшунос, камтарин ва ажойиб инсон Амрулло Раҳмонов ҳақида ўйлаганимда, донишманднинг юқоридаги доно фикрлари ёдга тушади. Ҳа, инсон комиллик ва барча эзгуликларга фақат камтарлик, камсуқумлик, тўғрлик ва ҳалоллик, энг муҳими, тинимсиз машаққатли меҳнати билан эришади.

**Ҳуқуқшунос Амрулло
Раҳмонов**

«Камтарга — камол» деган нақл бекорга айтилмаган. Бу сўзнинг тагида бир дунё маъно бор.

Қўп йиллар суд-ҳуқуқ тизимида ҳалол меҳнат қилган Амрулло Раҳмонов ана шундай дилкаш, камтар ва камсуқум инсонлардан бири. Шу ўринда беихтиёр сеvimли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг ажойиб шеъридаги фалсафий сатрлар беихтиёр ёдга келади:

*Гарчи шундай мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?*



Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

Юқоридаги шеърда камтарлик фазилати кўчма маънода таърифланганидек, бугун кўплаб ҳуқуқшуносларнинг устози, уларнинг таъбири билан айтганда, «тоға»нинг ҳам пешонасидан ўпса арзийди. Мана, қирқ йилдан ортса ордики, Амрулло «тоға» суд-ҳуқуқ тизимида ҳормай-толмай ишлаб келяпти.

Дарвоқе, Амрулло акани шогирдлари нега «тоға» дейишади? Бухоро вилоятининг Жондор туманида суд раиси бўлиб ишлаётган пайтида бир йигит эшикдан кириб келади. Амрилло аканинг исмини билолмай, у Раҳмоновга «тоға» деб мурожаат қилади. Жондордаги беш йиллик меҳнат фаолияти давомида Амрилло аканинг номи шу-шу «тоға»га айланиб кетади. Шундан буён уни таниган билган инсонлар, шогирдлари ҳам ҳурмат билан «тоға» дея мурожаат қилишади.

Таъкидлаш лозимки, қандай жамият, тузум бўлишидан қатъи назар, инсон ўз халқи, ўз Ватани учун сидқидилдан хизмат қилса, албатта, халқ уни муносиб қадрлайди. Ёшлар эса, унинг ибратли ҳаёт йўлларида ўрнак олишга интиладилар. «Тоға» ҳам ана шундай ибратли ҳаёт-фаолияти билан элда қадр топган инсонлардан биридир.

Амрулло Раҳмонов 1948 йилда Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида таваллуд топган. 1973 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. 1969-1971 йилларда Қорақўл туман судининг суд мажлиси котиби, 1971-1973 йилларда Қорақўл тумани давлат нотариал идорасида нотариус, 1973-1978 йилларда Жондор туман судининг раиси, 1978-1981 йилларда Бухоро вилоят судининг раиси ўринбосари, 1985-1992 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси, 1992-1997 йилларда Бухоро вилоят судининг раиси лавозимларида ишлаган. 1997 йилдан 2001 йилгача Олий судда турли лавозимларда фаолият кўрсатган. 2001-2006 йилларда эса, Тошкент вилояти фуқаролик ва жиноят



Амрулло Раҳмонов оила аъзолари даврасида.

ишлари бўйича судларида ишлаган, Тошкент туманида давлат нотариал идорасининг нотариуси лавозимида фаолият кўрсатган ва айни пайтда нафақа гаштини сураётган бахтли инсонлардан бири.

Ўз соҳасининг билимдони бўлган Амрулло Раҳмонов жуда кўплаб шогирдларининг камолга етишишига беминнат ҳиссасини қўшди. Шу ўринда айтиш мумкин, Амрулло аканинг ҳавас қилса арзигулик оиласи бор. Турмуш ўртоғи Гулсара Раҳмонова билан 5 нафар фарзандни вояга етказди. Ҳаммаси олий маълумотли. Бири ўқитувчи, бири иқтисодчи, яна бири банкир, яна бири ҳуқуқшунос... Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Ўн учта невараси бор, пиру бадавлат отахон!

— Устоз — отангдек улуғ, — дейди Амрилло «тоға»нинг шогирдларидан бири, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси Садр Толипов. — Биз — шогирдлари у кишидан ҳалол-покликни, камтарликни ўргандик. У доим бизга шундай дерди: «Адл тарозисини қўлингда шундай тутгинки, инсон тақдирини ҳал қилаётган паллада бармоқларинг сира ҳам титраб кетмасин». Биз — шогирдлари тоғанинг олам-олам маъноли каломига, ушбу сўзига доимо амал қиламиз.



Яқинда ёзувчи Музаффар Турсуннинг «Оқар сув» номи сайланма китобини ўқиб қолдим. «Сурхон сайли» публицистик мақоласида ажойиб бир лавҳага дуч келдим:

«Биламан, бу йўлдан юриш зерикарли эмас, — дея бошланади лавҳа. — Ҳар қадамда тоғларнинг манзараси ўзгариб турибди. Ёнма-ён тутшиб кетган Олтинсой тоғлари, уларга туташ пахтазорлар кўзга ранг беради, чарчокни олади. Ҳамроҳим Амрулложон Раҳмонов, баъзи адлия ходимларидан фарқли ўлароқ, шеъриятга жуда ўч, билимдон йигит.

— Олинг, Амрулложон! — деб қўяман.

— Кимдан?

— Абдулла Ориповдан-да.

Бошланади. Омон Матжонга ўтамин. Халима Худойбердиевнинг дардли шеърлари сеҳрида қоламиз. Усмон Азимнинг мағзи тўқ битиклари таъсирида одам бир зум дунё ташвишларидан узилгандай бўлади...»

Ҳа, Амрулло «тоға» шундай дилкаш, маърифатли инсон. У адабиётни, шеъриятни гоят севади. У ёддан шеър ўқиганида беихтиёр сеҳрланиб қоласиз. Бу ҳам Худо юқтирган истеъдод. Адабиётни севган одамдан, маънавиятли инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

Зеро, инсоннинг дили ҳам, тили ҳам, ўзи ҳам, юзи ҳам гўзал бўлса, чеҳраси очиқ, истараси иссиқ бўлса, Тангри яна озгина шарқона фазилат берган бўлса, у дунёдаги энг бахтли одамдир.

А. Раҳмонов етук амалиётчи-ҳуқуқшунос бўлиш билан бир қаторда катта бир зиёлилар сулоласига асос солган инсондир. 5 нафар фарзандининг ҳаммаси олий маълумотли, ўғли Ҳайрулло ва қизи Зилола ота изидан бориб ҳуқуқшунослик касбини танлашди, келини Зебинисо филология фанлари номзоди...

Амрулло «тоға» ана шундай бахтли инсонлардан бири. Биз унга кўпчилик шогирдлари, ёру биродарлари номидан «Умрингиз узун бўлсин, тоға!» деб қоламиз.



ТУЛКИНИНГ НАЙРАНГИ

Ўрта мактабнинг бошланғич синфларида ўқиб юрган кезларимизда айёр тулки ҳақида расм-ҳикояни ўқиганимиз кўпчилигимизнинг эсимизда. Унда оч тулки ўзини ўлганга солиб ётади. Уни ўлик деб ўйлаган қушлар устига қўнганда тутиб олади. Бундан ташқари ёшлигимизда эшитган барча эртақларимизда тулки айёр деб таърифланади. Тулкининг айёрлиги айни ҳақиқат экан. Бунга республикамызда кўзга кўринган журналистлар Алишер Ибодинов ва Тоҳир Ҳамроқуловлар тирик гувоҳ бўлишган.

Алишер Ибодинов Фарғонанинг Олтиариғидан. У ўтирган бўйра, юрган дарё қабалида иш тутиб, «хотин баҳона республиканинг бу чеккасида у чеккасига бориб келиб юрамизда, яна энг яхши томони — отасиникига «ҳа» деганда боравермайди», деб Қашқадарёдан уйланган. Бир куни юқоридаги орзусига моҳир сураткаш-журналист Тоҳиржон Ҳамроқуловни шерик қилиб, ўзи, Холидахон опа, Тоҳир ака ва Хайринисо опа билан Қашқадарёга боришибди. У ерда икки-уч кун маза қилиб меҳмондорчиликда бўлиб, қайтаётганларида мезбонлар меҳмонларни машинаси юкхонасига ҳар бири теримчи қизларнинг этакларидек дастурхонларни юклаб, иззат-ҳурмати билан кузатишибди.

Ўша жойдан чиққанича улар йўл юрибди, йўл юришса ҳам мўл юришиб, куннинг ғира-шира бўлган вақтида Бешариқ тумани ҳудуди (Рафқон қишлоғи юқорисига келганда) қирликлар томондан нимадир катта тезликда тушиб келиб, машинага урилибди.

Қўрқинчдан ким нима аҳволга тушгани ёлғиз Худога аён. Эраклар сал ўзига келиб, машинадан тушиб қарашса, қандайдир ҳайвон чўзилиб ётибди. Бизнинг тахминимизча, Алишер «рулдаман» деб ичмаганлиги аниқ. Тоҳир ака шунча йўлдан бекор кетгандан кўра эрмак деб «майдалаб» келган бўлса, сал ботирроқ



Адиб Алишер Ибодинов ва ёзувчи Мутал Қодир.

бўлгану биринчи бўлиб у унга яқинлашган бўлиши мумкин. Хуллас, яқинроқ бориб қарашса, чўзилиб ётган тулки экан.

Хурсанд бўлган тасодифий «овчилар» кутилмаган ўлжани дарҳол машина юкхонасига, тугунлар ёнига қўйиб йўлда давом этишибди. Машина ичида бўлса, ўзаро баҳс, тортишув бошланади.

— Худони бергани шуда, думидан пальтомга ёқа қилдириб оламан, — дейди Тоҳир аканинг турмуш ўртоғи Хайринисо опа.

— Ҳо-о-о, думи бизга, сизнинг «лама» пальтоингиз бор, ўша етади, очқўзлик қилманг, — дейди ўзича қизганиб Холида опа.

— Кечирасиз, тулкига биринчи бўлиб яқинлашган ким? Бизнинг «шер». Шунинг учун бизники бўлади-да!

— И-е-е, тулки кимнинг машинасига келиб урилди ёки тўғри келиб «шер»ингизга урилди? Бизни машинага оз бўлсам зарар етди. Шунинг учун бизга...

Тулкининг думи анча жойга боргунча «меники-сеники» бўлди. Бу тортишув сабаб зарба еган мошиннинг эгаси ва «шер» сулҳ тузишди. Тулкининг териси танасидан тозалангач, ҳар иккисига тенг бўлиб берадиган бўлишди.



Яхши кайфият, ширин орзулар оғушида «қаҳрамонларимиз» Бағдодга — Тоҳиржон Ҳамроқуловнинг уйи олдига келишди. Катта кўча. У ёқ-бу ёққа одамлар ўтиб турибди.

Алишер машинанинг орқа томонига ўтиб, энди юкхонани очмоқчи эди, Тоҳир ака тўхтатди:

— Алишер, тўхтанг! Очмай туринг. Атрофдагилар кўрса, уят бўлади. Тулкини пастга олмай туриб, эркакчасига келишиб олсак. Тулкини ким тозалайди?

— Ҳа, энди, отахон ўзингиз...

— Э-э, қўйсангизчи жигар, ҳозир шуни кўтариб уйга кириб бораманми? Сиз машинада... Ҳуллас, эркаклар ҳам анча тортишишгач, тулкини Тоҳир ака тозалайдиган бўлди. Бу ёқда Хайринисо опа уйининг олдига келгани учун меҳмонларни уйга таклиф қилди:

— Юринглар, уйга кириб бирор пиёла чой ичайлик, кейин кетарсизлар. Бу ёғи яқин қолдику!

— Раҳмат, сизлар ҳам чарчадинглар, овора қилмайлик.

— Вой, овораси борми? Ҳамма нарсa мана машина орқасида турибди. Уйга кирамизу, дастурхон ёзсак бўлди.

— Бошқа келамиз, олиб келганларимизни болаларга беринг, мазорбосди.

Алишер машинанинг юкхонасини очди. Шу пайт «лип» этиб пастга нимадир тушди. Бу тулки эди. У атрофдагиларга қараб, бир силкинди ва «қирлар ичида ёйишга ҳеч нарсa тополмай юрувдим. Товуқлар сероб қишлоққа олиб келганингиз учун, тугунлардаги ноз-неъматларинг учун катта раҳмат. Берган тузингизга рози бўлинглар» дегандек, думини ликиллатиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

— Ҳў, аблаҳ-ей, тирик экан-ку, — деди Алишер юкхонадан тугунларни олаётган Тоҳир акага қараб.

— Э-э, бу ёғининг ўзи ўликни тирилтирадиган бўлган экан. Тугунларда ҳеч нарсa қолмабди-ку...

Ана сизга тулкининг айёрлигига исбот. Бу бор ҳақиқат. Биринчи апрелда ҳазиллашадиган кунда эмас, одатий кунда рўй берган воқеа бу!



ШОҲИМАРДОНГА САЙР

ёхуд Водилнинг сирини очган шоир

Бундан бир неча йил муқаддам баҳор фаслида раҳматли дўстим Муҳаммад Раҳмон билан Шохимардонга сайрга борадиган бўлдик. Бизни йўлда данғаралик шоир ва ёзувчи Носир Зоҳид кутиб олди. У камина билан қучоқлашиб кўришар экан, секин қулоғимга шивирлади:

— Устоз, янги «Ашъори қабиҳа», «Ашъори солиҳа»лар ёзиб қўйганман. Ҳали Шохимардонда бир ўқиб бераман. Роса маза қиладиган бўлдинглар, баҳорда Шохимардоннинг ҳавоси Швейцарияникидан ҳам зўр бўлади-да. Ҳали қирғиз ошналарни кўндирсак, каклик шашлик қиламиз...

Носир Зоҳид Шохимардоннинг табиатини тинмай мақтаб борарди:

— Шохимардоннинг тоза ҳавоси бетақрор, гўзал манзараси қалбга ором бағишлайди. Ёзнинг иссиқ кунларида жаннатмакон гўша зиёратчилару сайёҳлар билан гавжум бўлади. Дам олувчиларга полвонлар ўз санъат маҳоратларини намойиш этадилар. Шохимардонда кўплаб дам олиш масканлари, санаторий, профилакторийлар халқ хизматида, акалар. Ҳмм...

Носиржоннинг ҳикояларини мириқиб тинглаб келаётган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», таниқли шоир Мамади Раҳмонов (тахаллуси Муҳаммад Раҳмон) шартта унинг гапини бўлди:

— Носиржон, бу Шохимардоннинг тарихини яхши биладиганга ўхшайсизми?

— Э, ака, билмай ўлибманми. Биламан-да! — Шохимардоннинг тарихи кўп жиҳатдан тўртинчи халифа, Муҳаммад пайғамбарнинг қуёвлари Ҳазрат Али номи билан боғланади. Айтишларича, Ҳазрат



Али Марказий Осиёга ташриф буюрганда Шоҳимардон қишлоғига ҳам келган экан. Унинг етти қабридан бири шу қишлоқда бўлиши мумкин, деб тахмин қилинади. Аммо бунини исботлашнинг ҳам, рад этишнинг ҳам иложи йўқ. «Шоҳимардон» сўзи форс тилидан таржима қилинганда «Одамларнинг ҳукмдори» маъносини билдириб, бу Ҳазрат Али номига мос экан... Ҳа, шундай, акалар. Мен билмасам гапирмайман. Ҳмм...

Машинамиз Водил қишлоғига келганда Носиржон Водилни мақтаётган эди:

— Водилнинг ҳам ўз тарихи борда, акалар. Келинлар, яхшиси, шу ерда бир санаторий бор. Директори таниш, бир кириб айланиб чиқамиз.

Мезбоннинг гапи ерда қолмаслиги учун шоирнинг кетидан эргашдик. Баҳор эмасми, ҳамма ёқ кўм-кўк, тоза ҳаво, қушлар сайроқдан тинмайди. Яшил арчалар, қумушдек товланиб турган бақатераклар ажойиб кўриниш касб этган ҳолда кишининг кўзини чунонам қувонтирадики, асти қўяверасиз.



Шоҳимардон. Чапдан ўнгга: журналист Карим Рихсиев, шоир ва адиб Носир Зоҳид, шоир Муҳаммад Раҳмон ва муаллиф.



Гапириб ҳеч чарчамайдиган Носиржон яна гапга тушди:

— Фарғонадан Шоҳимардон сари отланган йўловчи хоҳлай-дими-йўқми, Водил қишлоғи орқали ўтади. Водил сўзининг луғавий маъноси эса «дилтортар», «баҳри дилни яшнатувчи қир ён-атрофи» демакдир. Водилликлар меҳмондўст, гапга чечан ва самимий, улар меҳмонларга ноёб ноз-неъматларни тухфа этадилар. Минг йиллик чинорлар эса, мозийдан акс-садо беради.

Носиржон шундай деб турган эди, бирдан шоир Муҳаммад Раҳмон унга «Тўхтанг, тўхтанг, бир илҳом келди», деди.

— Ҳа, эшитайлик, — дедик биз бирваракайига таажжуб билан. Муҳаммад Раҳмон томоғини бир қириб олдида, қироат билан «экспром» шеър ўқий бошлади:

Водий, водил, воҳ дил...

Тилимга аввало шу каломлар келди,

Шовуллаган Кумушбибилар —

Тераклардан саломлар келди.

— Э, қойил, устоз, тезобликда Чустий домла бўлиб кетинг-е, — деди Носиржон қаҳ-қаҳа отиб. — Шеър тўқиш тезоблигида домладан ҳам ўтиб кетдингиз-ку. — Сиз авлиё экансиз. Худди Водилнинг тарихини билиб айтаётгандайсиз-а! Во, ажаб!

— Нима, Водил қишлоғининг тарихи ҳақида ривоят айтмоқчимисиз, дейман, — дедим мен ҳам унга. — Унда «Ашъори қабиҳа»ни қачон эшитамиз?

— Э, устоз, меҳмоннинг кетиши мезбондан. Ҳали вақтимиз кўп. Ҳаммасига улгурамиз. Ундан кўра баҳор фасли табииатидан баҳра олсангиз-чи.

Ҳали Наврўз байрамини ҳам шу ерда кутиб оламизми, Худо билади, а, Муҳаммаджон ака, — унга қараб кулимсираб қўйди Носиржон.

— Қани бўлмаса, ё Водилнинг тарихидан сўйланг, ёки бизнинг шеърни қолган тўрт қаторини давом эттиринг, — деди Муҳаммад Раҳмон ҳам бўш келмай.

— Мен ҳали сизга ўхшаб «экспром» шеър тўқий олмайман, устоз, — деди Носиржон. — Чунки ҳали илҳом келгани йўқ.



Илҳомни қитиқловчи нарса Шохимардонда! — У шундай дея машинадаги бозор-ўчарга ишора қилди. Яхшиси, тарихини сўзлаб берай. Билиб қўйган яхши-да! — Ривоят қилишларича, эрта тонгда узоқ сафарга отланган бир мусофир чол тоғлар, адирлар оралаб кетаётган экан. Мўйсафид бир масканга келиб тўхтаб қолибди. Ҳаво сокин, осмон мусаффо. Қуёш тоғлар ортидан бош кўтариб, олтин қаламлари билан атрофга нур таратмоқда. Борлиқ гулларнинг ширин исю, қушларнинг майин наволарига тўла. Мажнунтоллар шаршара бўлиб оқаётган сувнинг томчиларида сочларини оҳиста юймоқда...

Носиржон шундай деди-ю, «оҳ-оҳ қандай манзара», дея қўлларини бир-бирига ишқаб қўйди. — Чинорлар ҳам гердайиб, янги бир тонгни қарши олаётганларидан мамнун экан. Тоғлар эса, бу масканни ҳеч кимга бермайман, демоқчидай кўкка бўй чўзиб турар эди. Тонгдаги тоза ҳаво, ғир-ғир эсаётган ёқимли шабада киши дилига ором бағишларди. Шунда мўйсафид чол худди Муҳаммаджон акамга ўхшаб қалб тўридан чиққан садони баралла айтиб юборибди: «Воҳ, дил!» Бу сўзнинг маъноси юқорида айтганимиздек, дилни яйратувчи, дилга ором берувчи дегани экан. Шу тариқа бу қишлоқ «Водил» деб номланибди.

— Э, Носиржон, билмаган нарсангиз йўғ-а, — деди Каримжон. — Яшанг!

Ҳазил-хузил билан Шохимардонга кириб келганимизни ҳам билмай қолибмиз.

— Мана, менинг Шохимардоним.., — деди Носиржон қўлларини икки ёнга ёйиб. — Эй, тоғлар, мен келдим!., — У овозининг борича бақирди. — Мен ҳузурингизга Тошкентдан меҳмонларни, шоир Муҳаммад Раҳмонни олиб келдим. Қабул қилинглар... Ям-яшил тоғлардан бир зум ўтмай акс-садо келди. Носиржон бироз қулоқ тутгач, «қабул бўлди» дея яна тарихдан «лекция» ўқий кетди:

— Айтишларича, Муҳаммад (с.а.в) пайғамбаримизнинг куёвлари Ҳазрат Алининг ер юзида еттита қабрлари бор экан. Лекин Ҳазрат Али ўз оғизлари билан: «Менинг ҳақиқий қабримни тўрт тоғ оралиғидан, икки дарё туташган ердан изланглар» деб



айтган эмишлар. Шоҳимардон қишлоғи тўрт тоғ оралиғида, икки дарё туташган ерда жойлашган бўлиб, аҳолиси 5600 дан ортиқ. Қишлоққа кириб келишингиз билан тоғ устидаги Ҳазрат Алининг қабр мақбарасига қўзингиз тушади. Қишлоқнинг икки тарафидан, тоғ устидан оқиб тушадиган Оқсув, Қўқсув сойларидан минералларга бой шифобахш сувлар оқади...

Биз Шоҳимардонда икки кун мириқиб дам олдик. Наврўз арафасида тоғ ҳавосидан, мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олдик. Айниқса, шоир дўстимиз Муҳаммаджон хурсанд эди. У табиат гўзаллигидан ҳайратда, илҳом париси билан гаплашаётгандек эди гўё... лаблари эса, пичирлаб шеър ўқирди... Шеър... Унинг бу ҳолати ҳеч қачон ҳаёлимдан кетмайди. Гўё, кўз ўнгимда у абадий муҳрланиб қолгандек эди.

Афсуски, дўстим дунёдан бевақт кетди. «Минор» қабристони ёнидан ўтганимда беихтиёр сеvimли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги шеъри ёдимга тушади:

*Яшасанг дунёда ёруғ юз билан,
Ҳурмат кўргузсанг ва бўлса иззатинг!
Кетсанг, эсласалар ширин сўз билан,
Яхши номинг қолса, қолса хизматинг.*

*Ғаним нафратингга келолмаса бас,
Кулсанг, сидқидилдан яйраб кулолсанг.
Дилда ғашлик бўлмай яшасанг, хуллас,
Бахтли одамлардай бахтли бўлолсанг.*



ШО...ҲАЙДАР

ёки ўзбекчани русчага қандай ҳайдар?

(тескари фелъетон)

Биз уни Шо... деб чақирамиз. Асида унинг исми Шоҳайдар. Талабалик йилларимизда ҳам уни Шо... дердик. Биз лекция эшитиб ўтирганда, у «Ўзбекистон овози»да ҳарф тозаларди. Биз дарс қилаётганда, у мазза қилиб «Пахтакор»да футбол томоша қиларди. Домла:

— Қани Шо... Кўринмайдику? — деб қолса, «оқсоқол»имиз шоир Абдулла Турдиев: — Ҳозир кеб қолади, домлажон, ҳозир, — дерди қизариб-бўзариб. Аммо Шо... дарс охиригача қорасини кўрсатмасди. Эртасига «исправка» кўтариб келарди: «...расмий материал кеч келгани учун масъул котиб ўринбосари Ш. Мирҳабибов навбатчилик қилди...».



Тақдирни қарангки, бир гуруҳ курсдошлар «Ўзбекистон овози»га ишга келиб қолдик. Таниқли шоир Азим Суюн Бош муҳаррир, камина ўринбосар эди. Шо ҳалиям эски одатини тарк этмаганди. Гоҳо, Шо ишда йўқолиб қоларди. Муҳаррир ўринбосари қидиргани-қидирган. Эртасига Сирдарё ва Жиззахдан «ўтмас мавзуда» битта репортаж ёки мақола «қўлтиқлаб» келарди. Ўзи масъул котиб ўринбосари эмасми, масъул котибни дарҳол «қўлга олиб», номерга ҳам қўйиб юборарди. Шо бундан хурсанд... Аммо хурсандчилиги узоққа чўзилмасди. «Летучка»да мақоласи «қора доска»га осиларди. Шо бундан хуноб:



— Талантимни қўролмайсизлар, — дерди аччиғи чиқиб. — Ахир мен қишлоқ хўжалиғи бўлимига мудир бўлишим мумкин. Шундай одамнинг қадрига етмайсизлар, — дея «Прима»ни кетма-кет бурқситиб тутатарди. — Кетаман, бўлди. Энди кетганим бўлсин. Қўчада қолмайман. «Халқ сўзи» бор, «Қишлоқ ҳаёти»нинг бағри кенг, «Туркистон»га бораман. «Адабиёт ва санъат» бор. Газеталар биж-биж. Жа, бўлмаса, мана, «Адолат» бор...

Бир кун хурсанд ишга келаяпти.

— Ҳа, Шо... ишлар «беш»ми? — деб сўрадим ундан.

— Бўлмасамчи, бир бюрократнинг эшигида уч соат сарғайиб ўтирибман-а! Э, охири бахайр бўлди, қабулига кирдим. Интервью олдим. Теккани шу бўлди. (У қўлтиғида газетага ўралган колбасага ишора қилди). Қарасам, ўралган газетада «Ғалабанинг ўзи келмайди» деган сарлавҳага қўзим тушди.

— Ие, ҳа, — дедим мен ҳам, — тўғри, ахборот олишнинг ўзи бўлмайди...

— Энди, шу десангиз, яқинда ишлар зўр бўлиб кетадиганга ўхшайди, ошна, — деди янги «Хон»ни тутатар экан.

— Ҳа, ишдан ҳайдашяптими? Ёки «Хон»га машина ютасизми?

— Йўғ-э...

— Ҳа, Юнус Зиёдов қўчқор сўйдирмоқчими? «Қовурма» дегандек...

— Бе, Юнус ака-я?! Ўзини осиб қўяр.

— Унда нима гап?

— Халқ мақолларини таржима қилиб қўйдим.

Биласизми, курсдош, менгача бўлган таржимонлар пала-партиш, расвосини чиқариб русчага ағдаришган экан.

Мана, бир-иккитасини қандай таржима қилганимни айтайми? Яқинда «Шарқ»да китоб бўлиб чиқади.



— Ҳа, майли, қани бир эшитайликчи? Ўзбекларда зўр мақол бор: «Така бўлсину сут берсин». Таржимаси шундай бўлади: «Пусть будет така, но даст молока». Қалай?

— Ие, зўрку!

— Буёғини эшитинг. «Ўғри бўл, ғар бўл, аммо инсофли бўл». Ўғиришни ҳам болаганман: «Будь вора́м, будь гара́м, но с инсафо́м».

— Э, офарин, офарин!

— Бу ёғини эшитинг. Ҳали қойил қоласиз. Ҳозир нима кўп, бойваччалар кўп. Ўзбекларнинг «Бой бойга боқар, сув сойга оқар» деган мақолини «Бай смотрит баю, вода течёт к саю» деб таржима қилдим. Зўрми? Яна биттаси бор: «Бор товоғим — кел товоғим». Буни болаб ўғирдим: «Иди мой тавак, вернись мой тавак». Охиргиси зўр: «Чўнтакда пулинг бўлса, чангалда шўрва»... «Если деньги в кармане, то шурпа в чангале». Қалай, болабманми?

— Бунақалари ҳали кўп. Китоб бўлиб чиқса ўқийсиз... биринчисини сизга совға қиламан, дўстим. Ие, ана, автобус ҳам келиб қолди, мен Мирзо Улуғбек боғига — Матбуот байрамини ўтказгани шошяпман. Қолган гапни ўша ерда гаплашамиз... Кўришгунча...



«СИЗГА АЙТОЛМАГАН ГАПЛАРИМ»



Ҳуқуқшунос Иброҳим Омон

Яқинда ўқувчилар эътиборига ҳа-
вола қилинган, узоқ йиллар суд, про-
куратура ва адлия идораларида фао-
лият кўрсатиб келган ҳуқуқшунос ва
ёзувчи Иброҳим Омоннинг хотиралар,
мушоҳада ва мулоҳазалардан иборат
бўлган, ўзига хос янги бир тарзда ёзил-
ган китоби ана шундай номланган.

Китобнинг ўзига хослиги шундан
иборатки, унда теварак-атрофимизда
бугунги кунда бўлиб ўтаётган воқеа
ва ҳодисалар, инсонлар ўртасидаги
ўзаро муносабатлардаги нозик жиҳатлар қисқа ҳикоялар ва шеър-
рий чизгилар, шеър ёки ҳикояга айланмаган фикрлар тарзида баён
қилинган.

Аслида, айти шунга ўхшаш воқеа ёки муносабатларга
ҳар биримиз, деярли ҳар куни дуч келамиз. Аммо гарчи
уларда омонат тирикликнинг шаклу шамойиллари акс этиб
турган бўлса-да, ўз муаммоларимиз ва зарур ишларимиз
туфайли уларга у қадар эътибор беравермаймиз. Ёзувчи
Иброҳим Омон ўз китобида ўзаро инсоний муносабатлардаги
айнан ўша қирраларни, ўша нозик жиҳатларни очиб беришга
ҳаракат қилганлиги кўринади.

Узоқ йиллик соғинишдан кейин қадрдон қишлоғига бориб,
болалиги ўтган кўчаларни ким ҳам соғинмайди дейсиз? Аммо бу
ҳолатни Иброҳим ака қай тариқа шеърга қўчирганлигига бир эъ-
тибор беринг:



Болалигим ўтган қадим кўчанинг
Тупроғин кўзимга суртдим,
йиғладим.

Йўл четида мудроқ,
қадим толларни,
Ажинларин силаб, ўпдим,
йиғладим.

Тўлиб-тўлиб йиғладим,
шундай,
бесабаб,

Бу не ҳол?
Ўзим ҳам билмаётирман.

Қўйинг!
Халал берманг!
Мени овутманг!

Болалигим қўмсаб йиғлаётирман.

Ўзаро суҳбат чоғида китобдан ўрин олган яна бир ажойиб шеърнинг ёзилиш тарихи билан қизиқдим ва ундан сўрадим. У бир оз кулимсираб: — Бунинг тарихи ҳам жуда қизиқ. Бир кунни Қамчиқ довони орқали Фарғонага кетаётган эдик. Қутилмаганда бизлар кетаётган машинанинг суви қизиб кетди. Ноилож тўхтаб, бир оз кутишимизга тўғри келди. Ўша ерда тасодифан пастда оқаётган сувдан иккита челақда олиб, довоннинг тепа қисмига чиқиб кетаётган, ёши саксондан ошган бир қарияни кўриб қолдим. Билсам, у сувни довоннинг юқори қисмига эккан дарахтларини суғориш учун олиб чиқиб кетаётган экан. Энг қизиғи, у буни ҳар кун икки маҳал такрорлар экан. Ўзингизни қийнамай, пастроққа экамбасизда, — деб сўраганимда, вафот этган тўрт нафар ўғилларимизнинг хотирасига деб кампирим иккаламиз эккандик. Икки йил аввал кампир вафот этди. Дарахтлар ҳали нозик, томири намликкача етиб бормаган. Худо хоҳласа бир-икки йилда ўзини тутиб олади. Ўшангача яшаб турсам бўлгани, деган эди отахон. Қариянинг гапидан ва ишидан шу қадар қаттиқ таъсирландимки, унинг сўзлари бир умрга хотирамга ўрнашиб қолди. Миямда роса етилиб-пишган



бўлса керак, бир куни ўтириб шу шеърни деярли беш дақиқа ичида ёзиб битирдим. Яна бир жиҳати, кейинчалик ҳам унинг бирорта сўзи ёки мисрасини ўзгартиришга ботина олмадим. Ўша чолнинг ҳатто исмини ҳам билмайман. Эҳтимол, аллақачон бу дунёни тарк этган ҳам бўлса керак. Аммо у шу бир оғиз сўзи билан хотирамда яшаб қолди. Баъзан йиллаб бирга бўлган инсонлар тез орада унут бўлиб кетишларини ўйлаб қоламан. Мана ўша шеър:

«Эй Худо!

Мадад бер!

Бир оз умр бер!

Йўқ! Кўп сўрамайман.

Яшадим.

Етар.

Фақат бир ўтинчим: озроқ имкон бер,

Йўқса меҳнатларим кетар бесамар.

Қуримай қолса бас эккан ниҳолим»

Қуриса қоламан ёлғиз мунғайиб.

Икки қўлда икки зил-замбил челақ,

Қария сув олиб борар мункайиб.

«Ё Раб!

Яна озроқ умр берсанг бас! —

Пичирлар қария лаблари беҳол.

— Панд бериб қўймагин сен ҳам эй юрак!

Ҳадемай илк мева беради ниҳол».

Қадамлар зил-замбил.

Қувватлар ҳам танг.

Тириклик югуриб маррага етган.

Сув челақ тубида оз қолган, у ҳам

Умрдек йўللарга тўкилиб кетган.

Ҳуқуқшуносларни, одатда, дийдаси қаттиқ ва табиатан қўрс бўлади дейишади. Аммо Иброҳим аканинг ёзган нарсаларини



Ўқигандан кейин бу фикрни айтишга бир оз иккиланиб қоласиз. Бир оз истиҳолога борсам-да, ундан айнан шу ҳақда сўрагандим, у: — Ёшликда ҳамма ҳам ўжар ва қўрс бўлади. Ўша елкасига погон таққанларнинг кўкисида ҳам худди бошқаларникидек юрак бор, бошқаларникидек оиласи ва фарзандлари бор. Ҳамкасбларим ичида нафақат шеър ёки ҳикоя ёзадиган, балки буюк мусаввирликни даъво қилса арзийдиган, полотнолар яратган инсонлар ҳам бор. Ижод қилиш, қайсидир бир санъат асарини яратиш аслида тананинг эмас, балки кўнгилнинг истаги ва эҳтиёжи. Истак ва эҳтиёжлар эса, ўзингиз биласиз, ҳар хил бўлади, — деди жавоб сўнгини бир оз мавҳум қилиб.

Китобдан ўрин олган, «Фурсат топиб учрашсак» деб номланувчи қатра ҳам кишини ўйлашга, атрофингдаги одамларга, яқинларингга бўлган муносабатни ўзгартиришга чорлайди.

«Атайлаб, сени кўриш учун уйингга борган эдим. Йўқ экансан... Уйингга қўнғироқ қилган эдим, сени йўқ деб айтишди...

— Раҳмат сенга, эй азиз дўст! Раҳмат сенга, вақт топиб, мени кўргани уйимга келган биродар! Раҳмат сенга, фурсат топиб менга қўнғироқ қилган меҳрибон инсон! Дунёвий ташвишлар билан банд бўлиб, анчадан буён сен билан учраша олмай қолдик. Югурик бу дунёнинг кундалик ташвишу муаммоларига ўралашиб, нафақат бир-бирларимизни, ҳатто ўзимизни ўзимиз ҳам топа олмай қолдик. Аммо, сен билан бир кун, албатта кўришамиз. Фурсат топиб учрашсак...

«Фурсат топиб учрашсак... » Қизиқ. Биринчи бўлиб шу гапни ким айтган экан-а? Хотиржам қилишга, хотиржам бўлишга, янаям аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак — лоқайд ва бефарқ бўлишга ўргатадиган бундай ярамас баҳонани қачон ва ким тўқиб чиқарган экан-а? Ана шу «фурсат топиб учрашсак» деган алдовлар ипига ўзимизни чирмаб, учрашиш учун вақт топа олмай, ҳеч қачон битмайдиган ва тугамайдиган ишларимизни битириб олай деб ҳамон яшаб келаяпмиз. Хўш. Қачон топамиз ўша фурсатни? Қачон топамиз ўша вақтни? Умуман, топа олармиканмиз энди?

Билмадим! Балки топармиз. Топганда эса, бизни изловчи, бизни қидирувчи азиз инсонларимизни топа олмасмиз. Буни ҳаёт



дейдилар. У бизларни ана шундай калака қилиб, устимиздан кулгани-кулган.

Бир кун келиб, атайлаб мени кўриш учун уйимга келмайсан... Бир кун келиб менга қўнғироқ ҳам қилмайсан. Чунки, бир кун келиб ё сен бўлмайсан, ё мен бўлмайман. Ўшанда, «фурсат топиб учрашсак» деган сўзларни ҳам, баҳонани ҳам ҳеч кимга кераги бўлмай қолади.

Эшикни оҳиста қоқаман.

— Ким бор?

Ҳеч ким жавоб бермас.

Шарпа сезилмас.

— Бирор кимса борми? —

дейман баландроқ,

Ичкари ҳамон жим.

Ҳеч ким бермас сас.

Сўнг сабрим чидамай,

қия очилган,

Эшикни очдим у ичкари кирдим.

Бехосдан ердаги хор бўлиб ётган

Кимнингдир қадрига қоқилиб кетдим».

Ижодкорнинг маънавий дунёси пишиб-етилиб, бадий қиёмига етганда, ўзига хос асар бўлиб қоғозга «тўкилгани» шу назаримда. Устоз шоирлардан бири шеър ёзишни «игна билан қудуқ қазишга» қиёс этган. Қалам тебратиш ўта нозик ва мураккаб жараён. Дилдаги туғёнларни, ҳисларни, фикрларни тизгинлаб, уларни маржондек териб, ўқувчи кўнглига етказишнинг ўзи бўлмайди. Журналистика соҳаси билан яхши таниш бўлмаган Иброҳим аканинг ёзган асарларини ўқигач, унинг туғма истеъдоди борлигига, бу ҳам Яратгanning бир инъоми эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Китоб саҳифаларидан ўрин олган «Бизлар хайрлашмоқ учун учрашдик... » деб номланган мана бу сатрларга эътибор беринг.

«Гоҳ, қилинган арзимас хато, бемаврид айтилган биттаги-на аччиқ сўз, ўйламай қўйилган биргина ноўрин қадам, мулоҳаза



қилмасдан чиқарилган шошинч хулоса туфайли гулдек турмушга, осойишта ва бир маромда кечаётган кунларга, бир неча ўн йиллик дўстликка, қариндош-уруғчилик, борди-келдиларга бир умрга хотима ясалади.

Бизлардаги кибр, манманлик, ўжарлик ва чеккан арзимас озорлар шу қадар кучли таъсир қиладики, қилинган хатони тан олиш, бир оз бўлса-да пастга тушиш, уэр сўраш, узилган ришталарни қайтадан боғлаш бизлар учун ўлим билан баробардек туюлади.

Бир-бирларимизга бўлган соғинч, сўнмаган умид, бирга ўтган кунларни қўмаш каби туйғулар ҳам бўш келмай, баъзан кибр, манманлик, ўжарликлардан устун келиб, бизларга дакки бериб қолади. Шундай лаҳзаларда оёқларимиз ақлимизга эмас, кўпроқ ҳис-туйғуларимизга, қалбимизга, умидларимизга бўйсуниб, бизларни яна ва яна учраштираверади. Орадаги девор бўлиб турган кўринмас тўсиқларни олиб ташлагиси, бизларни яраштириб қўйгиси келаверади.

Гарчи, кўнглимиздаги ана шу ҳис-туйғулар туғён уриб, бизларни бир-бирларимизга яқинлаштира-да, ғурур, кибр, манманлик, жаҳл устида айтилган гаплар, озорлар бизларни барибир бир-биримиздан узоқлаштираверади.

Ҳар гал бизлар, узоқ айрилиқдан кейин, бир-бирларимиз билан дийдор кўришиш ёки ярашиш учун эмас, балки ўтган озорларни бир-бирларимизга эслатиш, таъналар қилиш, кейин эса... Кейин эса яна қайта ва қайта хайрлашиш учун интилаётганга ўхшаймиз.

Модомики, бир кун ўлим ғолиб келиб, бизлар бир-бирларимиздан айрилмоғимиз пешонамизга битилган тақдири азал экан, у ҳолда нега бизлар бир-бирларимизни кўриш имкониятларимизни чеклаб, тириклик чоғидаёқ айрилишни маъқул кўраверамиз?

Ярашиш учун баъзан сўзнинг ҳам кераги бўлмайди. Айтиш учун баъзан биргина қарашни ўзи ҳам кифоя. Кетиш учун хайр дейиш ҳам шарт эмас. Бирозгина нафрату бирозгина хоҳишни ўзи бўлса бас.

Нега бу айрилиқларга бошқа яқин кишиларимизни, айниқса, фарзандларимизни ҳам шерик қиламиз? Бу уларга нисбатан ноҳақлик эмасми?



Аслида, ҳар гал бизлар бир-бирларимиз билан хайрлашиш учун учрашамиз. Лекин, қайси бир «салом» деган сўзимиз охиргиси-ю, қайси «хайр» деган сўзимиз видолашув эканлигини ўзимиз ҳам билмаймиз.

*Менга соғинч билан қарама! Қўйгил,
Менсиз ҳам яшадинг шуқр, соғ-омон.
Сенсиз яшаиш учун кетгандим мен ҳам,
Мана сенсиз яшаб юрибман ҳамон.*

*Менга илтижоли қарама! Етар.
Ялинчоқ сўз айтма, эриб кетмайин.
Яхшиси қувиб сол! Ҳайдагил! — токи,
Умрбод қошингга қайтиб келмайин.*

*Менга бундай мунгли қарама! Ахир,
Нигоҳ ҳам сукутни бузиши мумкин.
Қўзларингдан оққан бир томчи ёшда
Вужудим кемадек сузиши мумкин.*

*Менга кўзда ёшла қарама! Кулгин.
Кулгинг таъна мисол бағримга ботсин.
Оғриқ ҳамроҳ бўлиб соғинган маҳал,
Совуқ малак бўлиб мен билан ётсин.*

*Менга — «Кетма», — дея қарама! Ахир,
Кетаяпман сенсиз яшамоқ учун.
На сен биласану на мен биламан,
Машғум айрилиқнинг даҳшатли кучин».*

Китоб саҳифаларида ёзувчи ва шоир Иброҳим Омоннинг «Руҳим айтган эртақ» деб номланувчи қиссасидан айрим парчалар ҳам берилган.

— Аслида китобга киритилган айрим шеърлар қиссанинг ёзилиш жараёнида яратилган десам ҳам бўлади. Шеърга айлана олмаган фикрлар баъзан ҳикоя ҳолатида баён қилинса, баъзан бунинг



Иброҳим Омон дўстлари даврасида.

акси ҳам бўлади. Шундай ҳолатларда фикрлар шеър бўлиб ҳам «тўкилади», — дейди Иброҳим ака. Қиссадан олинган ва китобга киритилган ушбу парчага эътибор беринг:

«Бизлар шу қадар беғам ва беэътибормизки, кунлар, ойлар, фаслар ёки йиллар ўтиб кетганлиги тугул, ҳатто айрим кўнглимизга яқин инсонларнинг орамизда йўқ бўлиб қолганликларини ҳам сезмай қоламиз. Назаримизда уларнинг айримлари бизлардан бир оз олдинроқда, айримлари ёнма-ён, яна бировлари эса, ортимиздан қадамба-қадам келаётгандек туюлаверади.

Бир вақт атрофимизга ўгирилиб қарасак, биз кўнглини олмоқчи бўлган инсонларнинг кўплари аллақачон бизлардан буткул узоқлаб, бу дунёни бутунлай тарк этиб, кетиб ҳам қолишибди. Ўз вақтида айтилмаган гаплар ҳам, қурилмаган ширин суҳбатлар ҳам, соғинчга лиммо-лим тўлиб-тошган дийдор ҳам, ҳамма-ҳаммаси қиёматга қолибди.

Битмаган ва ҳеч қачон битмайдиган дунёнинг ишларини ҳамма нарсадан, ҳатто азиз кишиларимиз дийдоридан ҳам устун қўйиб, оқибат бизлар нимага эришдик? Армон ва афсусдан бошқа ҳеч нимага эришмадик.

Бизлар шу қадар беғам ва беэътибормизки, ҳатто ана шу йўқотишларга ҳам ўзимизни бемалол кўндироламиз. Ана шу



йўқотишлардан кейин ҳам ҳеч нарсa бўлмагандай, ҳеч кимни йўқотмагандай яшай оламиз. Чала қолган суҳбатларни эса, бутунлай унутиб юборамиз. Нега шундай? Бу нима? Тақдирга тан беришми ёки ўзни овутиш учун ўзимиз ўйлаб топган янги баҳона ёки усулми?

Инсон маълум ёшдан кейин яна қайта ортга, болаликка қараб қайтади, шекилли? Бу ҳолатни, худди улкан бир дарахтнинг тепасига чиқишга ўхшатгим келади. Юқори кўтарилганинг сари сени ҳаяжон ва ҳайрат эгаллайди-ю, кейин бирдан ҳамма нарсадан ҳафсаланг совиб, яна қайта пастга, ерга тушгинг, яланг оёқларинг билан иссиқ тупроқ тафтини сезгинг келади, гуллар ва майсалар ҳидини ҳидлашни қўмсаб қоласан.

Дунёда дўстлар кўп. Аммо ғанимлар ҳам оз эмас. Қулиб қараган ҳар кимса ҳам дўст бўлавермаганидай, ачитиб сўз айтганларнинг ҳаммаси ҳам ғаним эмас. Шунинг учун ҳам дунёни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш, ундан завқлана билиш, ҳеч ким пайқаманган нарсаларни илғай олиш ва улардан шодлана билиш керак. Бу дунёда ҳамма нарсa ўткинчи. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам. Ҳеч кимдан мурувват кутмай, ҳеч бир ғанимдан омонлик тиланмай мағрур яшамоқнинг ўзи буюк бахт эмасми?!»

Инсон вужудини вақт дарёсида сузиб бораётган кемага қиёс қилган ҳолда «Вужуд кемасида жон ҳам омонат...» деб номланувчи саҳифани ўқиймиз.

«Кимдир дунёни омонат деб айтди. Яна кимдир жонни омонат деди. Ота-онани, ака-укани, дўсту биродарни, яна кимдир вақтни ва яна биров умрни омонат деб айтди.

— Бўлмаган гап! Мен омонат эмасман! Мен — бу менман! Чунки мен кучли ва бадавлатман! Шунинг учун ҳам мен зўрман! Омонат деганинг — бу кечаги кун. Шунинг учун ҳам у ўтиб кетди. Мен эса, бугун ва эртаман. Мен абадийман, — деди яна кимдир бироз чираниб.

Лекин бу гапларга Дунё парво ҳам қилмади. Ҳатто эшитмади ҳам. Манманнинг чираниши ҳам узоққа бормади. Айнан ўша чиранганлар омонат сўзидан ҳам омонатроқ, бечора сўзидан ҳам бечорароқ эканлиги тез орадаёқ аён бўлди.



Ниманики омонат деганларнинг ҳар бирлари ўзларича ҳақ эди. Улар айтган нарсаларнинг барчаси ҳақиқатан ҳам омонат ва ғанимат. Аммо ана шу омонатлар ичида янаям омонатроқ бир нарса борки — уни ИЙМОН дейдилар. Фоний дунёдан боқий дунёга фақат ана шунигина либос қилиб кийиб, савобу гуноҳларимизни елкамизга ортганча кетамиз. Қолган ҳамма нарса қолади. Ҳаттоки, ҳар хил гап-сўзлар ҳам...

*Вужуд кемасида жон ҳам омонат,
Қўҳна бу заминда тан ҳам омонат.
Омонат кўрганинг, шу ёруғ олам,
Кундузни қўйвер, тун ҳам омонат.*

*Барг учида турган бир томчи мисол,
Қалқиб турса-турар бўғзимизда жон.
Хавотири йўқдир чиқиб кетса ҳам,
Кўзёшдек покиза бўлса бас иймон.*

Китобдаги мана бу сатрларни ўқигач эса, шу кунга қадар тонг отиши лаҳзасига жиддий эътибор бермаганлигингизга иқрор бўласиз:

«Тонгни яхши кўраман. Саҳар туриб, баланд бир жойга чиқиб, иложи бўлса ястаниб, бемалол ўтириб олиб, завқ билан қуёш чиқишини эринмай томоша қилганмисиз? Аввалига кунчиқар тараф хира ёриша бошлайди. Кейин ёруғлик жуда аста-секинлик билан кучая бошлайди. Бу ҳолат худди жуда узоқдан чироғини ёққанча, оғир қадам ташлаб, сен томонга яқинлашиб келаётган улкан паравозни эслатади. Ниҳоят қуёшнинг илк нурларини учлари кўринади. Ана шу маҳалда бутун борлиқ жонлана бошлайди. Туннинг сеҳру жодуси туфайли ҳушидан кетган жонзотларга худди унинг нурларидан жон ато қилинаётгандай туюлади. Мана, юз-кўзларимизга ажиб бир илиқликни сездириб, аста-секин қуёшнинг ўзи ҳам кўринди. — Салом Қуёш, — дейсиз беихтиёр. Шуурингизда унинг меҳрибонлигини хис этасиз. Дастлаб унинг жамолига бемалол тик қарай оласиз. Шу туфайли унга тўйиб-тўйиб боқкингиз келади. Аммо борган сари нурлар кучайиб, энди унинг юзига тик қарай



олмаётганлигингиздан қийналасиз. Ҳозиргина кўрган нарсангизни бирдан соғинаётганлигингизни ҳис қиласиз. Эртанги кунни... Тонг отишидек буюк бир мўъжизани томоша қилиш лаззатини берадиган эртанги куннинг келишини яна орзиқиб кутасиз».

Бу сатрлар ҳам Иброҳим Омоннинг «Сизга айтолмаган гапларим» деб номланган китоби орқали Сиз азиз ўқувчиларга айтмоқчи бўлган гапларидан бири. Мухтасар қилиб шунини айтиш керакки, муаллиф ўзининг ушбу мўъжаз китобчаси орқали инсонлардаги иймонни, эътиқодни, инсоф ва диёнатни, дўстликни, умрни, Ватан олдидаги бурч ва мажбуриятларнинг муқаддас эканлигини тараннум этишга, уни ўқувчилар онгига етказишга ҳаракат қилган.

Баъзан тўрттагина сатр орқали айтилган сўзлар замирида жуда чуқур ва теран маъноларни, инсонни ўйлантириб қўядиган фикрларни англаш мумкин. Буни мана бу сатрларда ҳам кўриш мумкин:

*Ҳар кун бўлмаса-да, зарур маҳалда,
Юрт сени чорласа, бера олгин сас.
Фақат сени бор деб,
Сенга ишониб,
Бошқалар ғафлатда қолмасалар бас.*

Қалам тебратиш ғоят нозик иш. Зеро, ёзилган кичик бир мақола ёки бадиий асар ўқувчининг қалб торларини оҳиста чертиб, унга завқ бағишлаши керак. Тўғри, китобда айрим номукаммалликлар, ҳали қийёмига етмаган фикрлар, бадиий ёки танқидчилар тили билан айтганда, айрим адабий қусурлар ҳам учрайди. Лекин бу камчиликлар юракларга илиқлик бағишловчи, эзгуликка чорловчи фикрлар соясида қолиб кетади ва ўқувчига у қадар малолик келтирмайди. Китоб муаллифига ўзининг самимий табрикларимни билдираман. Бундан кейин Иброҳим акадан янги-янги асарлар кутиб қоламиз.




ЭЪТИҚОД

Олим бўлсанг — олам сеники

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясининг қарорига биноан бир гуруҳ олимлар унинг ҳақиқий аъзолари бўлдилар. Уларга академик унвонлари ҳам берилди. Олим-академиклар орасида Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Тошкент Давлат аграр дорилфунунининг ректори Эркин Турдиевич Шайхов ҳам бор...

«Илм-фанда тўппа-тўғри йўл бўлмайди. Илм-фаннинг метин қояларига чарчашдан қўрқмай эмаклаб чиққан кишиларгина унинг нурафшон чўққиларига етиши мумкин».



Академик Эркин Шайхов

Сочларига оқ оралаган, истараси иссиқ, зуваласи пишиқ, вужудидан ғайрат ёғилиб турган Эркин Турдиевич сиймосига тикилар эканман, донишманднинг юқоридаги фикри хаёлимдан ўтди. Инсоннинг неча ёшга кирганини унинг кечирган ойлари, йиллари билан ўлчаманг, қилган ишлари билан ўлчанг, деган эди яна бир донишманд. Агар академик Эркин Турдиевич Шайховнинг ҳам фаолиятига шу нуқтаи назар билан қўз ташласак, у амалга оширган эзгу ишлар тарозу палласини босиб кетгай... Зеро, Абулқосим Фирдавсий айтганидек: «Биродар бу дунё ҳеч кимга қолмас, қолур яхши номинг жаҳонда, шу бас».

Дарҳақиқат, Инсоннинг бу ёруғ дунёга келишидан мақсад не? Эзгулик эмасми? Ҳа, Эркин ака шундай эзгулик билан туғилган, эзгулик билан йўғрилган. Умри пайдо бўлибдики, одамларга яхшилик қилади, одамларнинг оғирини енгил бўлсин дейди, ҳаловат



нималигини билмайди, элим, юртим, дорилфунуним деб тиним билмайди.

Чамаси йигирма йиллар муқаддам мен уни юксак минбарларда кўрган эдим. Ўша пайтларда Эркин Турдиевич республика қишлоқ хўжалик вазири эди... Аммо у бу лавозимда узоқ ишламади. «Оқ олтин» хирмони шиддат билан 6 миллион тоннани забт этаётган бир пайтда тўсатдан истеъфо берди... Илмга чанқоқлик, келажак ёш авлодни тарбиялаш, халққа, республикага етук олимлар етказиб бериш, пахтанинг янги навларини яратиш устида илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, Ўзбекистонда ягона қишлоқ хўжалик олий билимгоҳини оёққа турғозиш иштиёқи амалдан устун келди. Шу-шу 1975 йилдан буён унинг меҳнат дафтарчасида битта ёзув турибди: Тошкент қишлоқ хўжалиги олий билимгоҳи ректори...

Эҳ-е, шундан буён ариқлардан қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Тошкентнинг турли бурчакларига сочилиб кетган билимгоҳга қайтадан асос солинди. Унинг янги корпуслари бир жойда қад кўтара бошлади. Институтдан катта бир дорилфунунга айланди. Бу ердаги ҳар бир ўзгаришни Эркин Турдиевичнинг номи билан боғлашади. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, унинг саъй-ҳаракати бесамар кетмади.

— Олий билимгоҳга ректор бўлиб келган пайтларим ҳозиргидек ёдимда, — дейди академик Эркин Шайхов ўша дамларни хотирлар экан. — Институт ўқув бинолари шаҳар бўйлаб сочилиб кетганди. Ўқув хоналари етишмасди. Институт кутубхонасида ҳар бир толибга етгита ўқув қўлланмаси тўғри келар, билимгоҳ моддий-техника базаси ночор аҳволда эди. Ҳатто қишлоқ хўжалик машиналари кафедрасида талабаларга от сеялкаси ва культиватор мисолида машғулотлар ўтказиларди. Ўрганиш учун бошқа техника йўқ эди.

Хўш, ким билимгоҳни оёққа турғозиши керак? Ким жон куйдиради? Бирор мард, фидойи борми?

Бу масала деярли ҳеч кимни қизиқтирмасди. Шунда Шайхов ташаббус билан чиқди. Енг шимариб, ишга киришди. Биринчидан, институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамламай туриб, талабаларга яхши билим бериб бўлмасди, янги илмий-тадқиқот ишларини кенг қўламда давом эттириб ҳам бўлмасди. Ректор ишни



Эркин Шайхов ҳамкасблари билан.

шундан бошлади. Келажак учун пухта замин ҳозирлади. Йиллар ўтди, тинимсиз изланишлар, машаққатли меҳнат онлари ортида қолди...

Ҳозир дорилфунунни таниш қийин. У беқиёс даражада ўзгариб кетди. Биргина кейинги 15 йил ичида 6 та янги ўқув корпуси ва 10 та ётоқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Талабаларнинг нафақат илм олишлари, балки ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам шароитлар яратилган. Синфхоналар замонавий ўқув техника воситалари билан жиҳозланган, энг замонавий электрон ҳисоблаш машиналари ва янги компьютер техникаси бўлган телевизион ҳамда ҳисоблаш марказлари ишлаб турибди. Талабалар фойдаланаётган кутубхонадаги китоб фонди миллион нусхадан ошди. Ҳамма талабалар, шу жумладан, оилаллари ҳам ётоқхоналарда жой билан таъминланган. Минг ўринли ошхона, чойхона, тез ёрдам хизмати билан бирга поликлиника, дорихона, профилакторий, спорт-соғломлаштириш лагери, усти ёпиқ сузиш ҳавзаси бўлган мукамал спорт иншооти, ҳовузли ҳаммом, маиший хизмат уйи талабалар ихтиёрида. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда талабалар ўртасида ҳеч қандай норозилик йўқ. Дорилфунун раҳбарияти талабалар тўғрисида мунтазам қайғуриб келяпти...



Тадбиркорлик — бу замон талаби, шу куннинг талаби. Катта ҳаёт йўлини босиб ўтган республикамизнинг таниқли давлат ва жамоат арбоби бўлган Эркин Шайхов буни қалбан ҳис этади. «Талабалар учун номига эмас, балки чинакам ғамхўрлик керак, — дейди унинг ўзи. — Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар қалқиб турган бир пайтда талабаларни ижтимоий ҳимоялаш бизнинг бурчимиздир...»

Ҳа, замон билан одимлаш, олдинни кўра билиш доимо унинг ҳамроҳи. Эътиқод, имон, иштиёқ унинг фикри эди. Одамларга озми-кўпми эзгулик қилиш унинг муқаддас нияти.

*Ки, ҳар ишники қилди одамийзод,
Тафаккур бирла билди одамийзод.*

деганларида Алишер Навоий Эркин Шайхов каби инсонларни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Эркин Турдиевич ҳам туну кун тафаккур қилади, дорилфунунни, илмий ишларни, талабалар ҳаётини, халқни ўйлайди.

Дарвоқе, халқ ноиби сифатида олиб бораётган ишлари ҳам ғоят ибратли. Зеро, бугунги кунда халқ ноиби бўлиш, эл ишончини оқлаш осон эмас. Лекин сайловлардан амал-тақал қилиб ўтиб олиб, кўксига «Ўзбекистон халқ депутати» нишонини тақиб олганлар ҳам бўлди. Аммо «Жўжани кузда санаймиз» деб бежиз айтмадилар. Ноибликнинг ҳам сарҳисоб онлари бор. Ғалвирни сувдан кўтарганимизда Эркин Турдиевич бу борада анча-мунча иш қилиб қўйибди. Сайловчилардан тушган 100 дан ортиқ катта-кичик буюртмаларнинг 70 фоизи бажарилди. Бир донишманд айтганидек, бир нарсага иккинчи нарса туртки ёки сабаб бўлмаса, ҳеч нарса ўзгармас экан.

Эркин ака халқ дардини тортувчи, уни амалга оширувчи чинакам халқ ноиби. Дарвоқе, унинг елкаси узра оғир бир тоғ босиб турибди, бу халқ дарди. У ҳар сессияда халқ дардини айтади. Фарҳод каби елкасидаги тоғни аста «кемириб» боради. Ўз меҳнати нишонасини кўрганда эса, ич-ичидан болалардек қувонади...



Раҳбар — падар, дейдилар. Оилада болалар отадан ўрганганларидек, унга ҳавас қилганларидек, олий билимгоҳда унинг шогирдлари Эркин акадан кўп нарса ўрганишга, унга эргашишга ҳаракат қиладилар. Бу ерда ўзига хос «Шайхов мактаби» яратилган десам, муболаға қилмайман. Ҳозир бу «мактаб»да 600 га яқин ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Улардан 34 нафари фан доктори ва профессорлар, 295 нафари эса, фан номзоди ва доцентлар бўлиб, шулардан 23 киши республикамизнинг фахрий унвонларига эгадилар. Институт ташкил топгандан буён, 40,1 минг олий маълумотли мутахассис тайёрланди. Олий билимгоҳни битирганлар Ўзбекистон халқ хўжалигининг ривожланишига улкан ҳисса қўшмоқдалар...

Бу ерда, дорилфунунда амалга оширилаётган ишларни бир сўз билан таъкидлаш қийин. Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши.

Дарвоқе, ҳар хил олди-қочди ва мўъжизаларга ўч бир киши доно кексадан сўрабди:

— Дунёда энг ажойиб мўъжиза нима?

Доно кекса унинг кўзига узоқ тикилиб турибди-да, шундай дебди:

— Сен мўъжиза излаб дунё кезиб юрма, оламнинг ноёб мўъжизаси — одам, яхши одамларни ўргансанг, мўъжизали умр кечирасан.

Ҳа, академик Эркин Турдиевич Шайховдан, унинг «мактабидан», тажрибасидан ҳар қанча ўрганилса арзийди. Академикнинг ҳаёти ана шундай эзгу эътиқодга тўла.

**«Ўзбекистон овози» газетаси,
1992 йил 11 декабрь.**



ҚАЛБИДА ҚУЁШ БОР...

Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувоқов
портретига чизгилар



Машарип Қувоқов

Бу ерда, жўшқин Амударёдан унча ҳам узоқ бўлмаган жойларда об-ҳаво жуда тез ўзгариб туради. Тонг отарда, наҳорда осмон топ-тоза, бир парча гарди йўқ, мусаффо эди. Кейин само сатҳида бирданига шапалоқдай қора булут пайдо бўлдида, ўз-ўзидан кенгайиб, тарвақайлаб, йирик-йирик ёмғир томчилаётди. Шамол туриб, деразаларнинг полиэтилен пардалари ойналарга қарс-қурс урила бошлади...

Жамоа хўжалигининг шинамгина меҳмонхонасида ҳамсуҳбатимизга сўнгги саволни бераман:

— Машарип ака! Олтмиш ёш ҳам ўзига хос бир довон, етуклик довони. Ушбу қутлуғ ёшга тўлишингиз арафасида Сизга анъанавий бир савол билан мурожаат қилмоқчимиз: ай-тингчи, ҳаётингиздан, тақдирингиздан мамнунмисиз?

Раис бирданига жавоб бермайди. Бир нуқтага тикилганча узоқ ўйга толади.

— Ҳам анча жўн, ҳам анча оғир савол бўлди... унга жавоб излайдиган бўлсам, гапни узокроқдан бошлашга тўғри келади. Биринчи галда болалигим, оғир уруш йиллари ўтади қўз ўнгимдан. Отам уруш тугаган йили 35 ёшида оғир бир хасталик туфайли оламдан ўтди. Ўшанда мен 7 ёшда эдим. Биз, уч фарзанд онамнинг қўлига қараб қолдик. У киши кун бўйи далада



меҳнат қилар, кечқурунлари эса, бир қариндошимизникида чарх тўқир ва шу билан бизга кийим тикардилар. Биз, фарзандларини деб онам бошқа турмуш қилмадилар. Ҳозир у киши 95 ёшдалар. Ҳар куни бўлмасада, орадан уч-тўрт кун ўтказиб, волидан муҳтарамамизнинг ёнига кириб, ҳолидан хабар олиб тураман. Онам, энг аввало, менинг соғлигим учун дуо қилгач, бир савол берадилар: «Ўғлим, бугун одамларга нима яхшилиқ қилдинг? Мен бажарган ишларим ҳақида у кишига бирма-бир айтиб бераман. Маъқуллаб бош ирғайдилар.

Шоҳ ва шоир Бобурнинг машҳур бир ғазалида шундай ўлмас сатрлар бор:

*Бори элга яхшилиқ қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.*

Инсондан ҳаётда из, яъни яхшилиқ изи қолиши керак. Мабодо, мен ўз Ватанимда, туғилган қишлоғимда, юртдошларим тақдирида бирон-бир яхши из қолдира олган бўлсам, демак, ўз инсоний бурчимни озми-кўпми бажарибман.

— Менимча, яхши из қолдирмаган одам Республика Президентининг назарига тушиб, унга давлатимизнинг олий мукофоти тақдим этилмаган бўларди.

— Бу гапингизга қўшилмасдан илож йўқ... 1974 йилда мен бу ердаги давлат хўжалигига раҳбар бўлиб келган эдим.

Мана шу ҳозир сиз кўриб турган ерларнинг аксарият қисми қамишзордан иборат эди. Жамоа хўжалигининг ривожига, тараққиёти фақат янги ерларни ўзлаштиришгагина боғлиқ эканлигини яхши билганимиз ҳолда ерга ер қўшиш устида қаттиқ ишладик. Йилига ўртача 200 гектардан ер ўзлаштириб бордик. Ўн йил давомида деярли 2 минг гектар қўриқ очилди. Энди ўзингиз таққослашингиз мумкин: 1974 йилда экин экиладиган майдонларимиз 700 гектар эди. Ҳозир — 2700 гектар. Қишлоқдаги оилалар сони ўша вақтда 100 та эди. Ҳозир — 550 та. Жамоа хўжалигимиз бутунлай, юз фоиз газлаштирилган, ичимлик суви, электр қуввати билан таъминланган. Ҳамма қишлоқлар, маҳаллаларимизга текис, равон йўллар олиб боради. Жамоа хўжалигида ижтимоий инфрақурилманинг



ҳамма таркиби мавжуд: 700 ўринли мактаб, болалар боғчалари, даволаш муассасалари ва бошқалар.

... Қаҳрамонимиз табиятан камтар одам бўлганлиги учун ҳам баъзи бир гапларни унинг юрагидан «суғуриб» олиш лозимлигини билганим ҳолда қўшимча саволлар бераман:

— «*Боғот*» жамоа хўжалиги бир вақтнинг ўзида ёпиқ турдаги ҳиссдорлик жамияти ҳам экан. Бунга қандай эришилди?

— Ҳа, ўтган йил ўрталаридан бошлаб шундай бўлди. Ҳозир жамоа хўжалигимизнинг ҳар бир аъзоси ўртача 50 минг сўмлик акцияга эга. Бу йил, масалан, уларнинг ҳар бири ўз акциялари ҳисобига 15 минг сўмдан дивиденд оладилар. Бунинг устига улар йил бўйи ўртача 35-40 минг сўмдан (натура ҳолида бериладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бундан мустасно) даромад олишларини чўтга соладиган, уларнинг чорваси, томорқа хўжаликларида етиштирадиган маҳсулотларини ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, хўжалигимиз аъзолари яхшигина, тўқ-фаровон турмуш кечиришяпти, деб айтиш учун барча асосимиз бор.

— *Хўш, нега энди бошқа хўжаликлар ҳам сизларга ўхшаб акциядорлик жамиятига айлантирилмаяпти?*

— Бунинг учун мустаҳкам моддий асос керак, — рўй-рост эътироф этади Ўзбекистон Қаҳрамони. — Афсуски, ҳамма хўжаликлар ҳам ана шу нарсага эга эмаслар. Гапим қуруқ бўлмаслиги учун кўрсаткичларимиз ҳақида бир оғиз айтиб ўтсам, кўп нарса тушунарли бўлиб қолса керак. Биз, масалан, ўтган хўжалик йилида 35 миллион сўм фойда олдик. Шундан ҳам кўриниб турибдики, одамларимизнинг қўлидаги акциялар ўзининг моддий қимматига эга.

— Демак, Президентимиз ҳар бир катта йиғинда «*Акциядорлар ҳам пайчиларнинг бир кўриниши. Ҳар бир пайчининг умумий мулкда ўз ҳиссаси, ўз улуши бор*», деган гапи сизларда ўзининг амалий исботини топаяпти эканда!

— Худди шундай. Лекин хўжалигимизда бу нарса ҳозирча синов, тажриба тариқасида амалга оширилди. Имоним комилки, бошқа ҳар бир хўжалик ўзида етарли даражада моддий пойдевор яратиб олгач, албатта, бу нарсани ўзида жорий эта олади.



Ўтган йили боғотликлар учун жуда яхши келди. «Боғот» жамоа хўжалиги 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта, 1300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан шоли йиғиштириб олди. Бу йилги мақсад эса, пахта ва шоли ҳосилдорлигини 60 центнерга етказишдир. Бунинг учун реал имкониятлар мавжуд.

... Машарип ака юртимиз раҳбари қўлидан «Олтин Юлдуз»ни олганига ҳам бир неча ой бўлди. Ўтган йили эса, у киши билан муқаддас Ҳайит байрами арафасида суҳбатлашгандик. Раис кун тартибида турган бир қатор муҳим муаммоларни ўртага ташлаган эди. Биз уларнинг ечими билан қизиқдик ва қишлоқ хўжалигида ишни жадаллаштириш учун дастак ролини ўйнайдиган бу муаммоларнинг бир хиллари ҳал қилинганлиги, бошқалари эса, ҳал қилиш арафасида эканлигидан хабар топдик.

— Аввалги мақоламиздан бирида шоличиликни ривожлантириш ҳақида сўз юритган эдик. Орадан ўтган давр мобайнида сиз Жанубий Кореяга бориб келдингиз. У ердан ушбу муаммо хусусида нималарни ўрганиб қайтдингиз?

— Энг аввало, мен у ердан «Мотоблок» деб аталадиган техникани олиб келдим. Бу машина анча қиммат туради, лекин иш жараёнида ўзини ба-
тамом оқлайди. Авваллари бир одам шоли қўчатидан бир уяга фақат битта ўтқазарди, холос. Энди эса, иссиқхонада етиштирилган қўчатдан қўл билан 3-4 тасини ўтқаза олади. Иш унуми, ўзингиз билганингиз каби, шунча баробар ортади. Натижада бир одам кунига 2 гектар



Боғот тумани ҳокими
Шакаржон Хўжаниёзова
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси депутати Машарип ака
билан шоли экадиган янги
техникани кўздан кечиришмоқда.



майдонга шоли кўчати ўтқазиш имконига эга бўлади. Бир нарсани унутмайлик: жаҳоннинг 90 фоиз мамлакатларида шоли майдонларга кўчат ҳолида ўтқазилади. Биз ҳам шунга тўла ўтишимиз лозим.

* * *

Ушбу очеркка «Қаҳрамон портретига чизгилар» дея изоҳ бердим. Чизгиларнинг тўла бўлиши учун эса, Машарип оғани яхши билган одамларнинг фикри, баҳоларига кенгроқ ўрин беришни, қаҳрамонимизнинг ён дафтаридан айрим сатрларни кўчириб олиб, диққатингизга ҳавола қилишни лозим топдим.

**Шакаржон ХЎЖАНИЁЗОВА, Боғот тумани ҳокими,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати:**

— Юртга, ўз халқига муҳаббатни Машарип акадан ўрганмоқ керак. У кечаю-кундуз халқ ташвиши билан юради. Унинг онгида фақат бир фикр — қандай қилиб ўз ёнидаги, ўз раҳбарлиги остидаги одамларнинг ҳаётини янада тўқроқ, фаровонроқ қилиш фикри ҳукм суради. Машарип ака қалбида қуёш билан юради, десак тўғрироқ бўлар. Бу қуёш она юртига, ўз халқига, уни вояга етказган тупроққа меҳр нуруни сочади...

**Ёқубжон РЎЗМЕТОВ, «Боғот» жамоа хўжалиги
раисининг ўринбосари:**

— Машарип акадаги энг яхши хислат — унинг ёшлар учун жон қуйдириши. Мен шахсан шу кишининг сабъ-ҳаракати, ташаббуси билан олий ўқув юртини тугалладим. Ҳозир унинг «ўнг қўли»ман. Устозимнинг энг яхши фазилатларини қалбимга сингдиришга ҳаракат қиламан.

Жамоа хўжалиги бригадирларидан бири:

(«Фақат фамилиямни ёзишнинг кераги йўқ...» дея илтимос қилди):

— Раисимиз гўзалликни севадиган одам. Асосий қишлоқ хўжалик мавсумларида келиб қолсангиз, даладаги механизмларнинг бир хил, ям-яшил рангга бўялганини кўрасиз. Қўплар «Ие,



Машарип ака бунча янги техникани қардан олди экан?» деб ҳайрон бўлишади. Аслида техника янги эмас, эски. Фақат яхшилаб таъмирланган, сифатли қилиб бўялган, холос. Бу нарса ҳар 3 йилда бир марта бажарилади, техниканинг кучини 30 фоизга оширади. Яхшилаб таъмирланган, бежирим бўялган қишлоқ хўжалик машинаси механизаторда бу техника учун жавобгарлик, масъулият ҳиссини ҳам шакллантиради.

Жамоа хўжалигида бўлган кунимиз яна бир қизиқ нарса ҳақида ҳам билиб олдик. Жамоа хўжалиги ўз аъзоларидан уларнинг шахсий хўжаликларидаги гўнгнинг бир тоннасини 1 килограмм пахта ёғи ҳисобига сотиб олар экан. Бу ҳам оз бўлса-да, рағбат, албатта...

* * *

Ташқарида баҳор шамоли чўлда оч қолган бўри каби увиллар, раис билан суҳбатимиз эса, диктофондаги икки соатлик ёзувга қарамай, ҳамон давом этарди. Жамоа хўжалигининг раҳбарини ўйлантирган масалалар сон мингта эди. Мен улардан айримларини қоғозга тушира олдим, холос.

... Қўшни хонада телефон жиринглади ва Машарип ака ўша ёққа чиқиб кетди. Унинг стол устида қолган ён дафтарига назар ташлайман ва қизиқ-қизиқ ёзувларга кўзим тушади. Мана, улардан айримлари:

«... Деҳқончиликдаги энг муҳим омил — вақтдан ютиш. 15 кун аввал экин эккан одам унинг ҳосилини 15 кун аввал йиғиштириб олади. Кузда эса, ҳар бир кун алоҳида ҳисобда. Шу боис «Андижонча экиш усулини кўпроқ майдонда жорий этиш керак».

«...Гўдак туғилиши билан она кўкрагига интилади. Ўсимликнинг ниҳоли ҳам ўша гўдакка ўхшаш бир нарса, у жонлана бошладими — дарҳол ўғит бериш керак. Бу нарса уни касалликдан ҳам сақлайди. Ахир, касаллик биринчи навбатда ожиз нарсага ёпишади-да... »

«Кишининг уйида тинчлик бўлса — ишида унум бўлади, яъни кўнгли тўқ бўлади унинг. Шу боис, бирон-бир хўжалик аъзосининг шахсий ҳаёти назардан қочирилмаслиги керак».



«Нега биз қанд лавлаги экмаяпмиз? Бозорларда шакарнинг нархи осмонга чиқиб кетган. Бу йил 20 гектар ерга қанд лавлаги экишимиз лозим. Шу билан Хазораспда қурилаётган шакар заводини хомашё билан таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшамиз».

«Терак билан жийдани кўплаб экишни йўлга қўйиш лозим. Ўзимизнинг тераклар 10 йилда, Калифорния тераги эса, 5 йилда навқирон бўлиб етилади. Ҳам пахтазору шолизорларни шамолдан ихота қилади, ҳам қурилишга ярайди. Бу йил 150 минг терак, 30 минг туп жийда, 20 минг туп тол кўчати ўтқазмоғимиз керак».

Мен сизга катта хўжалик раҳбарининг мингдан бир ташвишларидан айримлари ҳақида сўзлаб бердим, холос ...

* * *

Хоразмдан қайтар эканман, нафақат ушбу воҳанинг, балки бутун Ўзбекистоннинг қадрли шоирларидан бири ўзининг янги нашр этилган газаллар тўпламини тортиқ қилди. Унда шундай сатрларга дуч келдим:

*Экмасанг битта туп ниҳол,
Этмасанг элингни хушхол,
Одам эрсанг амримаҳол,
Келдинг нима, кетдинг нима.*

*Эл ишига жўр бўлмасанг,
Қалби ёниқ, қўр бўлмасанг,
Ошиқ Эркин, зўр бўлмасанг,
Келдинг нима, кетдинг нима.*

Ушбу ўтли сатрлар гўёки қаҳрамонимизга атаб ёзилгандай туюлди. Билолмадик, балки шундайдир ҳам. Зотан, Машарип Қувоқов юртимизнинг ана шундай қалби ёниқ, қалби қўр, юрагида она халқига, қадрдон тупроғига нисбатан қуёш тафтини кўтариб юрадиган ноёб инсонларидан биридир.

**«Адолат» газетаси.
1998 йил 1 май.**



НОТАНИШ ФУРҚАТ

Суҳбатдошим Шариф Юсупов 1928 йилда туғилган. 1958 йили Низомий номидаги Тошкент педагогика илмгоҳини имтиёзли диплом билан тугатган. 1975 йилдан ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) филология куллитининг ўзбек нодир адабиёти кафедраси доценти. 1990 йил июль ойида филология фанлари доктори илмий даражаси учун диссертацияни ёқлаган, фурқатшунос олим.



Олим Шариф Юсупов

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат деганимизда улуғ ўзбек маърифатпарвар шоири кўз ўнгимизга келади. Республикамиз раҳбарининг шахсан ташаббуси билан халқимизнинг қатор буюк сиймолари, шу жумладан, Фурқат таваллудининг 130 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Дарҳақиқат, Фурқатнинг ўзбек маърифатчилигига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Шу билан бирга, дарбадар шоир ҳаёти ва ижодининг ҳали очилмаган қирралари ҳам беқиёс. Улар маълум сабабларга кўра кенг жамоатчиликдан четда сақлаб келинди. Бугунги ошкоралик даврида бу қирралар кўзга ташлангандек бўлади. Бизнинг суҳбатимиз ҳам худди шу хусусда.

— Домла, биз шу кунгача ўз тарихимизни бузиб ўргандик. Чунончи, шу кунгача ўзбек маърифатпарварлиги XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган, деб тушунилган. Маълум бўлишича, у минг йиллик тарихга эга экан...

— Тўғри айтдингиз. Манбаларга мурожаат этсак, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» асарида айнан шу масала ўртага



қўйилганлиги маълум. Масалан, профессор А. Саъдийнинг 1925 йилда чоп этилган «Амалий ва назарий адабиёт» дарслигида Юсуф Хос Ҳожибни адабиётимизда оқартиш фикрчилик, яъни маърифатпарварлик оқимининг отаси деб ҳисоблаган эди. Кейинчалик бу гаплар ёддан қўтарилиб кетди. Ваҳоланки, Юсуф Хос Ҳожибдан сўнг Аҳмад Яссавий, Навоий, Бобур, Машраб ва бошқа кўп ижодкорлар меросида маърифатпарварликнинг ёрқин ва кўркам намуналари мавжуд эди.

— *Шуни айтиш керакки, ўша даврда маърифатпарварликни дунёвий ва диний йўналишларга ажратишган...*

— Худди шундай, диний йўналишдаги маърифатпарварлик ҳам инсонларда яхши фазилатларни камол топтиришга ҳисса қўшган. Лекин мамлакатда мафкура ишлари бир ёқлама олиб борилгани натижасида диний маърифатпарварликка қараш ғоят салбий бўлган. Айрим ташвиқотчиларнинг диндан беҳабарликлари туфайли оддий замонасозлик талабидан келиб чиқиб ислом динини диний мутаассиблик билан қориштириб юборганлар. Кўпгина «тадқиқотлар»да гўё дин қўшиқ ва куйни, сураткашликни ҳаром деб ҳисоблайди деган, шеърийатни шайтон васвасасига яқин бир иш деб ҳисоблайди деган даъволар қалаштириб ташланган.

— *Шуниси ҳам борки, янгича йўналишдаги ўзбек маърифатпарварлари, аввало, ўз халқларининг бой маданий меросини пухта эгаллашни, шундан кейингина бошқа халқлар, айниқса, рус халқи фан-техникаси, маданияти ва тили билан шугулланиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаганлар...*

— Масалан, Фурқатнинг энг яқин дўсти Сатторхон Абдулғаффоров Туркистон вилоятининг рўзномасида ишлай бошлаган дастлабки ҳафталардаёқ масаланинг шу томонига алоҳида эътибор берган: «Аввало, бизларга лозимдирким, бобо ва аждодимизнинг тараддудлари билан ошкора бўлинган илмларни таҳсил қилмоққа ружу қилмоқ. Чунки, бизларга уят ва айбурким, бизларнинг бугунги олимларимиз илм бобида баланд даражада туриб, бошқаларга таълим бериб турган ўлса-да, бизлар ҳамма халқдан пастлик мақомида қолсак.



Мазкур мақсудни ҳосил қилмоққа Ўрусия халқининг тилини билмоқ ҳам ҳеч бир зарар еткурмас эрди, балки фойда еткурур эрди».

Биргина Сатторхонгина эмас, Фурқат, Рожий Марғилоний, Тошхўжа Асирий, Мирзо Бухорий, Шарифхўжа, Муҳитдинхўжа, Саид Русул Азизий сингари ўша даврнинг бошқа йирик маърифатпарварлари ҳам бу масалага етарли эътибор берганлар. Масалан, Шарафутдин Али Яздий «Зафарнома»сининг жаҳонда ягона мукамал нусхаси Худдий Муҳиддинхўжа туфайли барча халқларнинг мулки бўлиб қолди. ЮНЕСКОнинг қарори билан 1973 йилда нашр этилди. Шарифхўжа эса, Низомий «Хамса»сининг 1492 йилда кўчирилган, кўплаб ажойиб миниатюраларга эга бўлган нодир нусхасини Петербург халқ кутубхонасига жўнатди. Рожий Марғилоний туфайли Умар Шайхнинг илм учун гоят қимматли ёрлиқлари Бартольд, Мелиоранский сингари машҳур шарқшунослар томонидан ўрганилиб, улар ҳақида тадқиқотлар яратилди. Фурқатнинг ўзи бир томондан рус классик шеърияти билан ўзбек ўқувчиларини, шарқ шеърияти билан рус ўқувчиларини таништириш юзасидан катта ишлар олиб борганлиги «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида», «Илм хосияти» ва бошқа асарларида сезилиб турибди. У ўзбек халқининг қадимий удумлари — тўй, аза, гап-гаштак ҳақида нодир асарлар яратиб, рус ўқувчиларига тақдим этмоқчи бўлган.

— *Шу билан бирга Фурқатнинг ўз халқини, ўз юртдошларини янги замон илм-фанидан тўла баҳраманд этиш ва шу орқали жаҳоннинг энг илғор халқлари даражасига кўтариш йўлидаги кизгин фаолияти Туркистондаги чор амалдорларининг ва бошқа қора ғуруҳчиларнинг ғазабини қўзғатиш турган гап эди...*

— Бу ҳақда қатор ҳужжатлар мавжуд. Чунончи, жумҳурият Марказий Давлат архиви органларида Н. Остроумов ва унинг атрофидаги кишиларнинг Фурқатга салбий муносабатда бўлганлигини кўрсатувчи анчагина материаллар мавжуд. Масалан, Остроумов бир ўринда Фурқатни «сўзнинг ҳақиқий маъносида қашшоқ» деб камситса, бошқа бир ўринда ўзининг буюртмасини бажармаганлиги учун нохуш гаплар айтади...



Остроумовнинг топшириғига биноан Фурқат билан Ёр-кентда учрашган бир реакцион рус зиёлиси унга Тошкентга ёзган бир мактубида «Зокиржоннинг поэзияси менга ёқмади, чунки мен Фурқатнинг самимийлигига қаттиқ шубҳадаман, менинг ўйлашимча, у Россияни севмайди», дейди. Бу ўринда Остроумовнинг гумаштаси Фурқатнинг чор амалдорларига, келгинди реакционерларга бўлган нафратини атайлаб бутун Россияга йўяди.

— Домла, шу ўринда яна бир масала бор. Фурқатнинг асарларида танқид яшириниб ётади. Уни сезиш жуда қийин. Шундай эмасми?

— Фурқат ҳамма нарсани ошкора, ўз номи ила айтиш йўли билан бормайди. Чунки, у ўз она юртида яшаганда ҳам, чет элларда истиқомат қилган кўп йилларда ҳам, ҳамма вақт чор амалдорлари ва уларнинг жосуслари диққат марказида эди. Иккинчидан, у яратган асарларнинг аксар қисми Туркистон вилоятининг рўзномасида чоп этиш учун мўлжалланган эди. Рўзнома эса Туркистон генерал-губернаторининг шахсан кундалик назорати остида бўлган. Хужжатгоҳ материалларининг кўрсатишича, рўзнома ҳар бир сонининг мундарижаси ва макетини генерал-губернаторнинг шахсан ўзи кўриб, тасдиқлаб берган. Аҳвол шундай бўлгач, Муқимий, Завқий, Анбар отин, Аваз ва бошқаларнинг асосан тор доиралар учун мўлжалланган асарлари каби ошкора танқид Фурқат асарларида имкондан хориж нарса эди. Шу туфайли Фурқат асарларида танқид матннинг тагида, ҳамиша қалин парда остидадур.

«Шуни айтиш керакки, — деб ёзган эди машҳур рус ёзувчиси И.С. Тургенев, — ўз сўзини билинтирмаслик услубини ва санъатини ривожлантиришга цензура жуда катта ёрдам беради. Цензуранинг тўсиғидан асабийлашган одам уни енгишни хоҳлайди ва бунда деярли ҳамиша муваффақият қозонади.

Рамзли сўз ҳаяжон кураш изларини сақлаб қолади. Одий баёнга нисбатан унда эҳтирос кўпроқ бўлади. Рамзий фикр сўзнинг қудратини оширади. Яланғоч фикр эса идрокни жиловлайди. Ёзувчи қанчалик эҳтиёт бўлиши зарурлигини тушунадиган ўқувчи уни диққат билан ўқийди. Ўқувчи билан муаллиф ўртасида



Шариф Юсупов иш устида.

яширин алоқа пайдо бўлади: бири нима ёзганини яшириб туради, иккинчиси эса тушуниб туради». Фурқат худди ана шу йўлдан боради ва:

*Ёзармиз баче шод бўлса кўнгул,
Ваё ғамга мутод бўлса кўнгул.
Наҳол ўлса анга мувофиқ қилиб,
Яна рамзи мазмунга лойиқ қилиб,*

— дея ўз ўқувчисини аввалдан огоҳлантиради ва ҳамиша рамз ишлатади.

— Лекин баъзи «олимлари»миз Фурқатни диндорликда, тақдирга ишонишда айбладан нарига ўтмаган эдилар...

— Тўғри, одатда, мусулмонлардан бирининг бошига катта мусибат тушса, унга хайрихоҳлик билдирган одамларнинг сўзларига жавобан мусибатда қолган киши худди Фурқат айтганидек, «Ҳақ таоло иродаси билан бўлди», деб жавоб беради. Фурқатнинг нозик санъаткор сифатида бундай йўл тутганлигини ўша даврдаги муштарийларнинг ҳаммаси яхши тушунган бўлиши керак.



— Демак, ҳали Фурқатнинг босилмаган асарлари кўп бўлиши керак?!

— Албатта. Фурқат бизга жуда бой мерос қолдирган. Агар Фурқатнинг ҳозиргача ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган асарларидан кўра, босилмаганлари кўпроқ эканлигини айтсак, бу масала янада равшанлашади.

Иккинчи томондан, нашр этилганлари ҳам асосан мафкура соҳамиздаги танг бир вазият тақозоси билан жуда кўп қисқартирилиб, ўзгартирилиб нашр этилган. Масалан, Фурқат шеърӣ мактубларининг ноширлар қўлига тушганларининг бирортаси ҳам тўла нашр этилмаганлигини, ҳатто «Акт мажлиси хусусида», «Виставка хусусида», «Суворов», «Гимназия», «Тошкент шаҳрида бўлган нағма базми хусусида» сингари янгича маърифатпарварлик йўналишидаги асарларининг бирортаси тўла нашр этилмаганлигини айтиш кифоя. Мисол, «Сабоға хитоб» шеърӣ мактуби Фурқат қалбига энг яқин 28 дўстининг феъл-атвори, касб-кори, уй-жойи, шеърӣятга муносабати ва бошқалар ҳақида маълумот беради. Асли 280 мисра бўлган бу асарнинг ўзбекча нашрларида 200 мисрадан камроқ, русча нашрларда эса, 140-150 мисрада нашр этилган, холос.

— Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, Фурқат меросидаги барча намуналарни асл нусхага энг яқин даражада нашр этиши ва ҳали ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилмаган асарларини ҳам ўз эгаларига етказиш керак экан-да!

— Ҳа, ҳали фурқатшуносликда ўрганиладиган масалалар, аниқлик киритишни талаб этадиган жиҳатлар кўпки, уларни янги-янги истеъдодли тадқиқотчиларни жалб этган ҳолдагина амалга ошириш лозим.

— Одамлар орасида турли мулоҳазали фикрлар юради. Масалан, Туркистон генерал-губернаторининг келини Светлана Николаевна билан Фурқат ўртасида бўлган ишқ можароси исботланганми? Фурқатнинг бадарға қилинишига шу нарса сабаб бўлганми?

— Йўқ, Светлана Николаевна билан бўлган «ишқ можароси», уларнинг интим муносабати далилланмаган. Гап шундаки,



Светлана Николаевна 1890 йилнинг 28 декабрида Тошкентга келган. Орадан уч ҳафта ўтгачгина унинг уйидаги балда Фурқат иштирок этган. Фурқат кейинги балда ҳам иштирок этган. Лекин ҳар иккала балда ҳам Светлана билан гаплашганда унинг эри ҳозир бўлган. Фурқатнинг у билан бошқа учрашувлари бўлганлиги маълум эмас.

— Унда шоирнинг чет элга кетиши сабаби нимада?

— Фурқатнинг чет элга кетиш сабабларини бу интим муносабатлардан эмас, балки унинг бутун фаолияти чоризмнинг Туркистонда юргизган сиёсатига моҳият-эътибори билан зид келганлигидадир. Шунингдек, ўлкада етилиб келаётган катта халқ қўзғолони (1892 йил вабо қўзғолони)да шоирнинг Шарифхўжа, Иномхўжа, Аҳмадхўжа, Муҳиддинхўжа сингари дўстлари билан етакчилик қилиш эҳтимоли генерал-губернаторлик амалдорларини хавотирга солганлигидан излаш, менимча, ҳақиқатга тўғри келур эрди.

— Унинг она юртига қайта олмаслиги ҳам Туркистон генерал-губернаторлигидаги ва Петербургдаги амалдорларнинг ишлатган кўпдан-кўп хийлаларининг оқибати бўлган, десак янглишмаймиз, шундай эмасми, домла?

— Ҳақ гап. Гап шундаки, бу Ёрқентдаги Россия мусулмонларининг оқсоқоли Комилжонбойга расмий котиб сифатида боғлаб қўйилганлиги, лавозимни ташлаб кетиш имиконияти бўлмаганлиги билан ҳам алоқадордир.

— Дарвоқе, ўрта мактаб дарслигида Фурқат ижоди ярим-ёрти кўрсатилган...

— Шубҳасиз, бу гап чин ҳақиқат. Бу ўша давр нуқтаи назаридан, мафкура туфайли кўп нарсалар қор остида қолган, унинг ижоди бутун мураккаблиги бўйича кўрсатилмаган.

— Баъзи манбаларда унинг Тошкентда бўлган йиллари ҳам бузиб кўрсатилади.

— Аслида Фурқат Тошкентда 1889 йил 15 июндан 1891 йил 14 майгача яшаган.

— Шариф Юсупович, рухсатингиз билан сўнги саволга ўтсак. Айтишларича, Фурқат машҳур ўзбек ҳофизи Тўйчи Ҳофизнинг тўйида иштирок этган экан...



— Ҳақиқатан, Фурқатнинг Тўйчи Ҳофиз билан дўстлиги тарихий факт. Фурқат Тошкентда яшаган 1890 йилда Тўйчи Ҳофиз уйланган эди. У ўзининг ҳаммаҳалла дўсти Мансур қорини Қўкалдош мадрасасидан тўйга айтиш учун борганида, Мансур қори укасининг Гуручқоппондаги дўконида экан. У ерда Мансур қори билан бирга қўқонлик мусофир шоир Фурқат ҳам ўтирган экан. Тўйчи Ҳофиз тўйга икковларини баравар таклиф қилади. Фурқат бир қадар ийманиб, Қўкалдошдаги мадрасада қолади. Тўйга ёлғиз келган Мансур қорини кўрган Тўйчи Ҳофиз ундан аҳволни билгач, дарров Фурқат хужрасига ўзининг Раҳмат исмли укасини юборади. У мадраса хужрасидан Фурқатни топиб, тўйга олиб келади. Шундан кейин Тўйчи Ҳофиз билан Фурқат ўртасида мустаҳкам муносабатлар ўрнатилади. Ҳатто у Тўйчи Ҳофизга бағишлаб махсус мувашшаҳ — ғазал битади. Бу ғазал биз томонимиздан бир неча марта эълон қилинган. Шундан кейин Тўйчи Ҳофиз репертуаридан Фурқатнинг ғазал ва мухаммаслари жуда катта ўринни эгаллайди.

1912 йилда Тўйчи Ҳофиз ўз маблағи ҳисобига «Армуғони Хислат» баёзини нашр эттирар экан, репертуаридаги Фурқат асарларидан ўн чоғлигини унга киритади ва умрининг охиригача Фурқат ғазалиёти бу машҳур хонанда ижодида жуда катта ўрин тутган.

**«Тошкент оқшоми» газетаси,
1990 йил 1 декабрь.**



ҲАЁТ ПОСБОНИ

Бемор шифтга тик боққанича ётибди. Кўзлари очиқ, аммо улар кўрмайди. У чуқур хўрсиниб, ўрнидан қўзғалди. Амаллаб тургач, хона ўртасида бир зум ҳайкалдай қотди. Сўнг қўлларини ёзганча, пайпасланиб дераза ёнига келди. Сийпалаб илгични топдида, «шилқ» этказиб тортди. Дераза табақалари худди шуни кутиб тургандай ланг очилди. Димиққан хонани гул-чечакларнинг хуш бўйи тўлдирди. Бемор энтикиб боққа тикилди. Лекин ҳеч нарсани кўролмади... У бир маҳаллар тонг отишини кўп марта кузатганди. Ҳозир ҳам илинж билан кун чиқар томонга боқди: зим-зиё...



Ҳусан Абдуллаев

— Йўқ, ортиқ чидаб бўлмайди, — унинг кўксидан бир нидо отилди. — Ёруғ дунёни кўрмай яшаш нақадар даҳшат-а!.. Хастанинг ногирон кўзлари жиққа ёшга тўлди. Ҳасса тутган қўли билан кўз ёшини сидирди. Эртагаёқ борганим бўлсин... Мадраим янги дўхтирнинг «қўли гул» деб бежиз айтмаяпти...

Бош врач кабинети остонасида Ҳасан ота билан ёш йигит пайдо бўлди. Врач отани кўрди-ю, аҳволни тушунди. Уни аста суяб диванга ўтқизаркан, сўради:

— Кўзингиз анчадан буён кўрмайдими, ота?

— Икки ойча бўлди. Аввалига хиралашиб юрди. Кейин бирдан кўрмай қолди. Бу қарилиқданмикин-а, ўғлим?! Сенинг олдингга ҳам минг хижолат билан келдим... Қартайиб қолган бўлсам...



Ота кўзларига яна ёш олди. Шу ёруғ дунёни, далани бир кўриб ўлсам, дейман. Шу армон...

— Э, ота, қўйинг бундай гапларни, кўзингизни албатта даволаймиз. Келиб жуда яхши қилибсиз...

Операция хонаси. Ним қоронғи. Деразаларга сарғиш ҳарир парда тортилган. Жарроҳлар ҳам одми кийинишган. (Кўз операцияси шуни талаб этади). Хонада сукунат. Операция столида ётган беморнинг юрак уришигина бу жимликни бузаётгандай... Жарроҳ пешонасидаги бинокуляр лупани кўзларига тутди. Унинг доимо кулиб турувчи чеҳраси, кўзлари жиддий тус олди. Хирургнинг қўллари дадил, айна пайтда нозик ҳаракат қила бошлади.

Ора-чора унинг овози эшитилади: «Қайчи... тампон, скальпель... томчи... игна...».

Врачнинг ёноқларида маржондек тер томчилари ҳосил бўлди. Инсон кўзларига зиё бахш этиш учун курашда сўзсиз, унинг маҳорати, бурч масъулияти, олижаноблик ҳисси бу сафар ҳам унга муваффақият келтирди.

Операция хонасидан чиққанда Қибрай узра оқшом чўкканди. Яна бир кишининг кўзларини очганидан, гўзалликни кўриб, ундан баҳра олишига меҳнати синганидан қалби ифтихор ҳисларига тўлганича, одимлаб борарди. Уни йўлакда чолнинг чевараси саволга тутди.

— Дўхтир амаки, бувам кўрадимиз?

— Албатта, кўради...

— Ур-ре, — болакай худди шу жавобни кутиб тургандай ўйноқлаб чопганича ташқарига отилди... Врач унинг ортидан бир зум жилмайиб қараб қолди.

Ўспирин ҳозир унинг хаёлларини олис болалик томон тортиб кетаётгандай эди. Баъзида шундай бўлади: киши хаёллар гирдобидан чиқмоққа қанчалик уринмасин, бўлмайди. Ҳозир Ҳусан ака ҳам бундан 25 йил муқаддам илк бор кўз операциясига дадил қўл урганини ва дастлабки муваффақиятга эришганини эслар экан, эртанги режаларни қанчалик ўйлашга тиришмасин, барибир босиб ўтган ҳаёт йўли хаёлини банд этаверди.



... Ҳусан Тошкентнинг Уйғур кўчасида истиқомат қилувчи ўртаҳол касиб оиласида дунёга келганда 1925 йил эди. Отаси — Сайдулла ака ўғлига кўп таъкидларди:

— Ўғлим, ўқи, бизлар ўқий олмадик. Ўқийда гап кўп. Дунёнинг паст-баландини бил...

Ҳусан Абдуллаев ҳам бир мақсад — врач бўлиш орзуси билан, кишилар умрига умр қўшиш, уларнинг саломатлиги йўлида қунт ва ҳавас билан ўқиди. Мактаб, Й. Охунбобоев номидаги тиббиёт техникуми... Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультети... Йиллар ўтиши билан Ҳусан ака бу довларни ошиб борди. У қўлига врачлик дипломини олиб, шифокор қасамёдини тилга олганда урушдан кейинги оғир — тикланиш йиллари эди.

Ёш врачни йўлланма билан Янгийўлга юборишди. У Андреев номли қишлоқ Советига қарашли фельдшерлик пунктини қабул қилиб олганда, бу ерда беморларни даволаш учун ҳеч қандай шарт-шароит йўқ эди. Пункт атрофидаги олтита (ҳар бирининг ораси 5-6 қақирим) колхозга медицина хизмати кўрсатиш лозим. Лекин қандай қилиб? Врачлар, ҳамширалар ҳам йўқ. Ҳусан Абдуллаев ҳеч иккиланмай ишни кадрларни жамлашдан бошлади. Бир акушерка ва санитарка билан пунктни тартибга келтирди. У тушгача беморларни қабул қилар, куннинг иккинчи ярмида чанг, лой кечиб (от-улов ҳам йўқ эди) қишлоқма-қишлоқ кезарди. Тунлари эса, беморларнинг касаллик тарихи билан синчиклаб танишар, унинг асосларини пухта ўрганиб, шунга биноан даволарди. Пунктни эса, амбулаторияга айлантириш учун тиришарди. Бунга эришди ҳам: кейинроқ собиқ пунктни кичик колхоз касалхонасига айлантирди...

Орадан икки йил ўтгач, уни вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига чақириб қолишди.

— Ёш, умидли, билимдон врач эканлигингиз, ташкилотчилигингиз бизга яхши маълум, — деди раҳбар ходимлардан бири. — Сизни аҳоли зич жойлашган Паркент қишлоғига юборишга, район соғлиқни сақлаш бўлимига мудир қилиб тайинлашга аҳд қилдик. Сиздан умидимиз катта. Шунинг учун ҳам масъулиятли участкага юборапмиз...



Ҳусан Абдуллаев синглиси ва рафиқаси билан.

Енг шимариб ишга киришиб кетган Ҳусан Абдуллаев бу ерда ҳам ўзининг ташаббускорлиги, уddaбуронлиги туфайли туман шифохонасини «оёққа турғазди».

Туман соғлиқни сақлаш бўлими йиғилишларидан бирида «Заркент» санаторийсини очишни таклиф этди. Сўнгра, санаторийни бунёд этишда фаол қатнашди.

Бу ердаги икки йиллик меҳнат фаолияти ҳам қизғин ўтиб кетди. Энди уни Қибрай касалхонасида бош врач этиб тайинлашди. Шифохона 35 ўринга мўлжалланган бўлиб, талабга жавоб бермасди. Ҳусан Абдуллаев қисқа муддат ичида бу ерда туғруқхона, юқумли касалликлар хирургияси бўлимларини очди. Айниқса, касалхонанинг кўз касалликлари бўлими тезда оғизга тушди. Ўша йиллари — 1945-1955 йиллар касалхона «намунали шифохона» деган юсак ном олди. Жаҳоннинг ўн етти мамлакатидан келган медицина делегациялари кўз касалликлари бўйича тошкентлик врачларнинг бой тажрибасини ўргандилар...

1956 йилга келиб Мирзачўлни ўзлаштириш авж олди. Ҳусан Абдуллаев ҳам биринчилар қатори қўриқни ўзлаштиришга отланди. Ҳусан ака вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг яна бир вазифасини адо этди. Жуда қисқа муддатда у чўлда поликлиника, дорихона очди. 1966 йилнинг май ойида уни қўлига буйруқ тутқазишди.



Унда собиқ 1-махсус интернат ўрнида яна бир янги касалхона очиш кўрсатилган эди.

«Масъулиятли иш, жуда масъулиятли иш, — дея таъкидларди Ҳусан ака ўзига-ўзи орқага қайтаркан. Ишни нимадан бошлаш керак?.. Шу кунгача босиб ўтган умрим мобайнида кўплаб шифохоналар қурдим, тажриба тўплاديم. Энди нега иккиланяпман? Чекиниш йўқ».

Режалар амалга оша бошлади. Ўринлар сони ҳам пропорционал ўсиб борди. 1966 йилнинг ўзида 750 та ўрин очилди. Шундай қилиб, собиқ интернат ўрнида аста-секин замонавий, мухташам 17-шаҳар шифохонаси қад ростлади.

... Шифохона бугунги кунда Тошкентдаги киши дардига малҳам топувчи энг йирик тиббиёт даргоҳларидан бири. Унинг ҳузурида 20 га яқин хизмат бўлимлари ишлаб турибди.

Шифохонада замонавий медицина жиҳозлари мавжуд. Бу ерда тиббиёт соҳасида республикага машҳур врачлар эл саломатлиги посбонлигида туришибди. Катта жамоани бутун умрини эл саломатлигига бахшида этаётган бош врач, халқ ноиби, биринчи категорияли шифокор, соғлиқни сақлаш аълочиси Ҳусан Сайдуллаевич Абдуллаев узоқ йиллар бошқарди.

Мана у: сочларига оқ оралаган, ўрта бўйли, тўладан келган бош врач шифохона боғи ичра шахдам одимлаб боряпти. У эртанги режалар, эртанги истиқбол ҳақида ўйлаяпти.

**«Тошкент ҳақиқати»,
1980 йил 28 февраль.**



МУСТАҚИЛЛИК УНИНГ ОРЗУСИ ЭДИ...

*Халқ билан тил топишмасдан
бу кунларга етишиш қийин бўларди.*

Ислом Каримов



Ғуломмаҳмуд Абдуллаев

Умрни дарёга қиёслашади. Ҳа, у шундай тезки, кимдир оқар дарё деса, бошқаси шамолга ўхшатади. Чиндан ҳам, бу кўҳна дунёнинг чексизлиги ҳисобга олинса, инсон умри лаҳзага ўхшайди. Эҳ, кимлар келиб, кимлар кетмади! Барибир доимий курашдан иборат бу ҳаётда инсон умридан ширин, инсон камолотидан буюк ҳеч нарсаси йўқ.

Ҳаётнинг аччиғини ҳам, лаззатини ҳам тотган, куч-ғайратини, билимини, истеъдодини халқига, Ватанига бағишлаган Ғуломмаҳмуд ота Абдуллаев ҳақида газета ва журналларда босилиб чиққан мақолаларни, лавҳаларни кўздан кечиран эканман, шундай сатрларни ўқидим: «1929 йил Жумамачит (Юнусобод) маҳалласида «Қизил партизан» жамоаси ташкил этилди. Жамоа раёсати 7 кишидан иборат бўлиб, унда ўрта бўйли, жуссаси пишиқ, чехраларидан нур томиб турган забардаст йигит Ғ. Абдуллаев ҳам бор эди. У жамоага раис қилиб сайланди. Ўшанда 51 аъзо, бир омор, бир жуфт ҳўкиз, битта Қўқон арава, 300 гектар майдони бўлиб, майдонга кетмон ва омор орқали ишлов берилиб, бир неча йил сурункасига юқори ҳосил олинди. Шу-



шу бўлди-ю, у ўзининг бутун ҳаётини қишлоқ хўжалиги соҳасига боғлади, деҳқонлар билан сирдош-дўст бўлди. Тўғри-да, Мавлоно Абдурахмон Жомий айтганидек: «Боши билан шўнғиб кирмаса ҳар дам, сув остидан дурни топарми одам».

Ҳаёт сўқмоқлари қизиқ. Дам пастга, дам юқорига кўтарилади. Йўллари гоҳ тораяди, гоҳ кенгаяди. Ҳалол меҳнат, одамларга муҳаббат, яшаш учун жасорат, сабот ва чидам олиб келади, кишини катта ва равон йўлга олиб чиқади. Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда! Одам боласи риёзат чекмай, тоғ чўққисига чиқа оладими?

Ғуломмахмуд отанинг ҳам ҳаёти ана шундай кечди. Ота-онасидан эрта жудо бўлди. Уч норасида укаларига ҳам ота, ҳам она ўрнида эди, уларнинг ейиш-ичиши, кийиниши — ҳаммаси ёш Ғуломмахмудга қолди. Ўн беш ёшида рус бойига хизматкор бўлиб ишга кирди. Бир неча йил аравакашлик қилди. Жамоалаштириш (коллективлаштириш), индустрия йилларини бошдан кечирди. 30-йилларнинг охирида қишлоқ хўжалигига кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратилди. Ғ. Абдуллаев ҳам қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлаш олий курсига юборилди. Курсни тугатгач, орадан бир йил ўтар-ўтмас қайтадан жамоа раислик курсисига ўтирди.

Оловли йилларда Ғ. Абдуллаевнинг раҳбарлик санъати ёрқин намоён бўлди. Йилдан-йилга жамоа мавқеи мустаҳкамланиб, ҳосилдорлик ортиб борди. Раиснинг доврўғи довон ошди, айниқса, картошкадан ниҳоят даражада юқори ҳосил олинди. Бунда раҳбарнинг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги қўл келди. Фронт ортида туриб, қўлидан келгунча озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминлашга ёрдам берди. Бунинг устига жамоадаги барча нарсалар янгилана бошланди. Янги қўчалар, боғлар, ариқлар, йўлларнинг икки четига оппоқ уйлар, саройлар қурилди. Ҳовуз, ариқ бўйидаги тол, тераклар, томорқа ва боғлардаги мева қўчатлари янги куч билан гуркираб ўса бошлади. Раиснинг жонқуярлиги, меҳнатсеварлиги, ғамхўрлиги муносиб тақдирланди. Унга 1948 йили Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

Инсон тириклигида кўрмаганини кўриб, билмаганини билиб бораверар экан. Ғуломмахмуд ота 50-йилларнинг охири, 60-йил-



ларнинг бошларида халқнинг турмушини яхшилаш, маданиятини кўтариш учун зарур иншоотлар, бинолар қуриш, кўчаларни асфальтлаш, хонадонларни газлаштиришга ҳаракат қилди. Бироқ буларни бошлаш учун Москвадагиларнинг рухсати кераклигини билиб, ажабланди. Ахир, жамоа миллионер бўлса... эркинлик, мустақиллик номигагина эканлигига тушуниб етди. Нима қилсин? Замон зайлига қараб иш юритиш керакми? Йўқ. Мақсадга эришиш учун ҳаракат қилиш лозим. Ҳа, ҳаракатда баракаат бор. Ёшлигида отаси айтган ривоятни эслади. Бир аллома ариқ ёқасида ўтириб ҳордиқ чиқараётганди. Шу пайт дарахтга чирмашиб чиқаётган чумолига кўзи тушибди. У дарахт ўртасига етганда нимагадир урилиб, ерга қулаб тушибди. Бу ҳол бир неча бор такрорланибди. Бироқ чумоли қийинчиликларни енгиб, дарахт тепасига чиқиб олибди. Инсон ҳам олдига мақсад қўйиб интилса, ҳаракат қилса, йўлида учраган қийинчиликларни мардонавор енгса, албатта, муроди ҳосил бўлади.

Бу ривоят Ғуломмахмуд отанинг орзуларига қанот бағишлади. Ҳузур-ҳаловатдан кечди. Эртадан кечгача идорама-идора юрди. Бормаган жойи, учрашмаган раҳбари қолмади. Бировни ака, бировни ука деди. Мақсадга эришди. Халқ раҳбарни бекорга падар, деб айтмайди. Ҳақиқатан иш кўзини билган раҳбарда гап қўп. Қаранг-а, ярим аср муқаддам Ғуломмахмуд ота ташаббуси билан бошланган ҳаракатлар шу кунда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун қилинаётган ишларимизда бўй кўрсатаётир. Улардан айримларини айтишга тўғри келади: республикада биринчилардан бўлиб жамоадаги хонадонлар, иншоот бинолари газлаштирилди. 3 та мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларини, 4 та ясли-боғча кичкинтойларини йил давомида бепул сут, пишлоқ, ҳосилга кирган боғу полизлардан шарбатлар, мевалар билан таъминлаш амалга оширилди.

50-60 йилларда аҳолининг ҳамма эҳтиёжлари, маданий талаблари ҳисобга олинган жамоа республикада намунали хўжалик сифатида тилга олина бошланди. Жамоа ҳисобига қурилган кўп уй-жойлар серфарзанд муҳтож оналарга бепул, ўрта ҳолларга 50 фоиз ҳақ тўлаш шарти билан 20 йил муддатга берилди.



Ғуломмахмуд отани миллатчиликда айблаб, туҳмат тошини отганлар ҳам бўлди. Меҳнати одамларни руҳлантириб, катта муваффақиятларга эришадиган раисни кўролмайдиган бахил одамлар ҳам пайдо бўлди. Бироқ 50 йил атрофида раислик қилгани, жамоадаги салобат тўкиб турган бинолар, шиғил-шиғил ҳосиллари кўзни яшнатувчи кўркем боғлар устун келди. Ота умрининг охириги йилларида тўй, маъракаларда юрак дардларини очарди:

*Тўкилган хазондек орзум топталди,
Чўғ устида турган каби юрагим.
Қон қусган бемордек туйғулар қолди,
Чилпарчин синдику оппоқ тилагим.
Нега сен бунчалар азоб берасан.
Нега мени кўргани кўзинг йўқ, хундор!
Сен ҳам бир кун, эртами-кеч ўласан,
Дунёдан ўтганлар барчаси иқрор.
Оламга келгандан бахти қораман,
Беомон қисқарди умрим йўллари.
Отамдек тупроққа сингиб бораман.
Ўзига имлайди онам қўллари.
Дунёга тупурдим, эшит, дўстгинам,
Воз кечдим баридан, Худодир гувоҳ,
Мустақиллик — иқбол яқин жуда ҳам,
Пойдевор қўйдиму кўрмайман, э воҳ...*

— Донишмандлар ҳақ гапни айтишган. Қаранг, улардан бири шундай деган экан. «Ватан уйнинг остонасидан бошланади». Тўғри, биз оиламизни, турмуш ўртоғимизни, дўст-биродарларимизни, жондан ортиқ фарзандларимизни севамиз. Оила қуриш, фаровон турмуш яратиш, бола-чақали бўлиш инсон учун бахт, — деган эди 40 йилдан ортиқ сурункасига республика Олий Кенгашига депутат бўлиб сайланган Ғуломмахмуд Абдуллаев 1980 йил февраль ойининг бошларида 110-Келес сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашувда.— Ўйлаб кўринг. Мен 15 ёшимда меҳнат фаолиятини бошлаган эдим. Ҳаётнинг кичик сўқмоғидан катта йўлга



чиқиб олгунча не-не машаққатларни кўрмадим. Эрталаб ишга кетаётганимда қўшнимиз «Бошинг тошдан бўлсин, болам», дердилар. Энди, бу сўзларнинг мағзини чақсам, бошим тошдан экан, дейман. Ҳамма қаттиқчилигу, ҳамма бўронларга бардош бердим...

Яхшидан от, ёмондан дод қолади, дейишади. Ғуломмаҳмуд отанинг ташаббуси, бевосита меҳнати билан бунёд этилган кўркем боғлар, идора, клуб, дўкон, мактаб, ясли-боғчалар, ҳаммом, чойхона ва бошқа бинолар ҳамон одамларга хизмат қилиб турибди. Узум, анжир, шафтоли, ўрик, олма ва бошқа ширин-шакар мевалардан Юнусободда яшовчиларнинг, маҳалла аҳлининг оғзи тегмагани йўқ.

Ғуломмаҳмуд Абдуллаев яшаган кўча ва маҳалла ҳозир у кишининг табаррук номи билан аталади. Шу гулгун маҳаллада истиқомат қилган отанинг уйига ўғиллари, қизлари, неваралари, чеваралари тез-тез келиб турадилар.

Ўзининг ҳаёт йўлини келажак авлодига бағишлаган, инсонийлик бурчини сидқидилдан бажарган Ғуломмаҳмуд ота саксон йилдан ортиқ умр кўрди. Умрининг олтмиш беш йилини халқига, юртига бахш этди. Буюк неъмат — мустақиллигимиз пойдеворига монолит тошлар қўйди. Борди-ю, ҳозир Ғуломмаҳмуд ота тирик бўлганларида эди, юз ёш билан кўришарди. Президентимиз таъкидлаб айтганларидек, элим деб, юртим деб ёниб яшаганларнинг энг олдинги қаторида бўларди. Шундай нуроний инсонларнинг ўша оғир йилларда юракдан қилган дуои фотиҳалари юртимизни, элимизни оғир кунлардан асрашига аминмиз. «Олтин олма, дуо ол» деганларидек, бундай дуолар улкан ишларни олиб бораётган давлатимизнинг йўлбошчисига ҳам куч-қувват ва соғлиқ ато этишига ишончимиз комилдир.

**«Адолат» газетаси,
1997 йил 16 август.**



БЕТАКРОР ОЛИМ ЭДИ...

«Яхши, билимдон кишилардан ажралиб қолиш ҳамиша ҳам оғир. Аммо чинакам, бетакрор олимдан жудо бўлиш изтироби унинг ёр-дўстлари, ҳамкасблари, қариндош-уруғлари учунгина эмас, балки бутун халқ учун ҳам катта йўқотишдир», деган эди бир куни ЎзМУ профессори, ҳурматли устоз Шариф Юсупов ҳаётлик вақтида. Шариф ака бир пайтлари университетда бизга сабоқ берган домламиз Бегали Қосимов билан яқин маслақдош, ҳамфикр эди. Шариф акани Бегали Қосимовнинг бевақт ўлими қаттиқ изтиробга солганди.



Бегали Қосимов

«Бегали Қосимовнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитганимда, юрагимнинг бир томири узилиб кетгандек бўлди, — дея у хўрсиниб гапирганди ўшанда. — Чунки, олим билан сўнгги ўттиз беш йил ичида бир кафедрада хизмат қилдик, охириги ўн йил мобайнида эса, Бегали ўзи ташкил этган ва Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий фанлар кафедралари орасида биринчи ўринга кўтарган «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» кафедрасида ёнма-ён ишладик. Иш жараёнида ҳар хил вазият, баъзан асабий ҳолатлар рўй бериши табиий ҳол. Бироқ бутун шу давр ичида Бегали билан бирор марта бир-биримизга қош чимириб гаплашганимни эслолмайман...»

Ҳа, Бегали Қосимов ўз соҳасининг бармоқ билан санарли йирик мутахассисларидан эди. У ўзбек адабиёти тарихида энг мураккаб давр саналмиш Миллий уйғониш даврига қирқ йилдан



ортиқ умрини бағишлади ва бу соҳада бошқа ҳамкасблари эгаллай олмаган юксак чўққиларга кўтарилди. Пайғамбар ёшида ҳаммани доғда қолдириб кетган бу машҳур олимнинг ибратли ишлари кўп эди. Беғали ака 30 дан ортиқ йирик монографиялар, фундаментал дарслик ва қўлланмалар яратгани маълум. Бир зарурат билан улар ҳақида ёзганида, хокисорлик билан бирваракайига ҳаммасини «рисолалар» деб атайди. Беғали Қосимов Туркиянинг машҳур Камол Отатурк маданий марказининг фахрий аъзолигига сайланиб, ўша мамлакат президенти томонидан шу ҳақдаги диплом топширилганини биз халқаро телекўрсатувларни томоша қилиш вақтида тасодифан билиб қолганмиз. Беғали Қосимов асарлари дунёнинг уч қитъасидаги ўн бир мамлакатда босилиб чиққан.

Унинг шиори кеча-ю кундуз тиним билмай ишлаш эди, ўзини асло аямас, қўлидаги бой хазинани имкони борича шитоб билан халққа етказиш иштиёқида ёниб яшарди. У қирқ йиллик меҳнатини «Миллий тикланиш» номли монографияга жамлаб, шўролар дав-



рида қатағон қилинган, таҳқирланган, халқнинг ёдидан чиқаришга роса уринилган 100 дан ортиқ ижодкорни ёруғ юз билан эл-юртга қайтарди. Мактабларнинг 5, 7, 9, 10-синфлари учун дарсликлардан ташқари кафедра аъзоларига бошчилик қилиб, миллий уйғониш даври адабиётидан олий ўқув юртлари учун 30 босма табоқдан иборат дарслик ҳам тайёрлашга муваффақ бўлди. У ҳамма масалада ниҳоятда жиддий, касбига мислсиз фидойи эди.

2003 йили унинг бир кўзи хиралашиб, врачлар операция қилдириши лозимлигини айтишди. Операцияга ётиш учун соат 11 гача касалхонага етиб бориши керак бўлган Бегали домла эрталаб 9 да факультетга келиб, талабаларга маъруза ўқиб, соат 10 яримда шифохонага жўнаганини кўриб, ҳамма ҳайратга тушган. Бунини қарангки, шундай қалтис операцияга жўнаётган Бегали Қосимовнинг кўнглига маъруза сиғиши яна бир карра унинг фидойилигидан далолат берганди.

Олим қолдирган бой мерос яна кўп замонлар илм ривожига хизмат қилишига, кўплаб миннатдор шогирдлари унинг изланишларини давом эттиришига ишонамиз. Унинг хотираси халқ қалбида абадий яшайди.

**«Биржа» газетаси,
2010 йил 8 май.**



«АДОЛАТ»ЧИ ЖУРНАЛИСТ

Журналистикамиз оқсоқолларидан бири Зиёд Есенбоев бир гурунгда шундай деганди:

— Ишончни оқлайдиган, ишни боқлайдиган, обрўни сақлайдиган, устозларини вақтида йўқлайдиган журналист ким деб сўрасангиз, Тўхтамурод Тошев деган бўлардим. Уни йўқни йўндирадиган, борни ундирадиган, мухбирларни суйайдиган, зарур пайтда аяйдиган, яхшиликка эш бўлган, ижодини беш қилган, зиёсини таратган, ўз мактабини яратган Бош муҳаррир, дегим келади. Умрим бўйи шу соҳада фаолият кўрсатиб, аввало таҳририят ташкил этиш, сўнг газета чиқаришнинг машаққатини жуда яхши биламан. Мустақиллик шарофати билан юртимизда талайгина янги нашрлар пайдо бўлгани қувончли ҳол. Улар орасида Тўхтамурод бош-қош бўлган «Адолат» газетасининг алоҳида ўрни бор. Қаранг, шу газетани йўқдан бор қилиб, энг ўқишли, сеvimли нашрга айлантирди, бугунги кунда қалбига «Адолат» нури кириб бормаган газетхон топилмаса керак!..

«Миллий тикланиш» газетаси Бош муҳаррири Иброҳим Фафуров шундай деган эди:

— У журналист учун сув ва ҳаводай зарур бўлган барча хусусиятларга эга. Тўхтамурод Тошев ўзини муҳаррир сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам, эл-юртни танийдиган, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, давлат, Ватан, халқ олдида турган вазифаларни чуқур тушунадиган, мустақиллик мафкураси ғоялари учун хизмат қиладиган ходим сифатида танилган.

«Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррири Азим Суюн ҳамкасби ҳақида фахр билан гапиради:

— Тўхтамурод Тошев билан бир «оила»да ўсганмиз. Бу — ижод оиласидир. Олий даргоҳда бирга таълим олдик, кўп йиллар



**Тўхтамурод Тошев устози, «Халқ сўзи» газетаси
бош муҳаррири Анвар Жўрабоев билан. 1998 йил.**

битта таҳририятда фаолият кўрсатганмиз. У истеъдодли, қалами ўткир журналист, публицист. Кўплаб муаммоли мақолалари тилга тушган. Иқтисодий қийинчиликларга бўй бермай, «Адолат» газетасининг ташкил этилишида матонат кўрсатди. Эндиликда бу газета ғоят ўқишли ва жозибадор, кўп минг сонли ўқувчиларига эга бўлди...

Ажойиб ҳамкасбимиз ҳақида ўзимнинг ҳам мухтасар фикрларимни баён этсам, мақсадга мувофиқ бўлади, деб биламан. Чарақлаган қуёш, мовий осмон, юксак тоғлар, шовуллаган денгиз, бепоён дала, серҳосил боғлар, шақирлаб қайнаб-тошаётган булоқ ва табиатнинг бошқа турфа мўъжизалари ҳақида ҳамма бир-бирдан гўзал фикрлар айтиши мумкин бўлгани каби, Тўхтамурод Тошев ҳақида ҳам шундай илиқ сўзлар айтса арзийди. Ахир, қуёш каби нурини сочмаган, осмон янглиғ бағрикенг бўлмаган, маънавияти тоғ каби юксалмаган, ҳаёт денгизиде ўзанини топиб сузмаган, бепоён далада тупроқ билан тиллашмаган, эл ила беллашмаган, ижод боғида маҳсулини кўрсатмаган, янги-янги мавзулар топишда булоққа ўхшамаган кишини журналист дейишга қийналаман...



Мақолаларим айнан «Адолат»да ёритилганида муродимга етган бўлман. Нега, дейсизми? «Адолат»нинг сўнгги саҳифасига эътибор беринг:

Ҳеч қанақа «бигизона» гаплар йўқ. Айрим газеталар адоғида муаллифларга қарата ёзилган шундай мазмундаги сатрларга кўзим тушганида кўнглим ғаш бўлаверади: «...таҳририят фалон бетдан ортиқ қўлёзмани қабул қилмайди», «қўлёзмалар албатта таҳрир қилинади», «таҳририят воситачилик қилмайди», «муаллифга жавоб ёзилмайди» ва ҳоказо. Таҳририят эшигига яқинлашмасингиздан пешонангизга «тақ» этиб тегадиган бунақа гапларнинг кимга кераги бор? Қалам тебратиш бағоят нозик иш. Ёзганларини минг истиҳола билан таҳририятга олиб бормоқчи бўлган ижодкор ўша газетадаги доимий «эълон»га кўзи тушса, кўнгли қандайдир оғриқ туймайдими?

«Адолат» газетасида эса, ўз номига яраша адолат тантанасини кўраман. «Бу таҳририят ходимларининг энг катта ютуғи шуки, муаллифнинг қўлёзмасини беҳуда бўямасликка, имкон қадар услубини сақлашга жуда эътибор билан қарайдилар», — дейди олис қишлоқдан — Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманидан муҳбир Турсунбой Маҳмадалиев.

Унинг гапида жон бор. Аслида катта-ю кичик ижодкорларнинг баъзан кўнглини ғаш қиладиган бир жараён бор — таҳририятга берган қўлёзмасини билиб-билмай «таҳрир» қилишмаса, беҳуда қисқартиришмаса бўлгани.

«Адолат» газетаси Бош муҳарриридан тортиб мусаҳҳихигача муаллиф қалбига йўл топишга интилишади. Бу — «адолат»чиларнинг жуда адолатли иш услубидир. Ана шундай ижодий мактабини яратган фидойи журналист, Бош муҳаррир Тўхтамурод Тошев ҳақида илиқ сўз юритмай бўладими!

Қатор йиллар «Тошкент оқшоми», «Ўзбекистон овози», «Осиё бозори» газеталарида самарали фаолият юритиб, «Адолат» газетасининг ташкил этилишида жонбозлик кўрсатган жонкуяр ҳамкасбимиз билан жуда ҳам фахрланамиз.

Юзаб суд очерклари, фельетонлари, муаммоли ва публицистик мақолалари ҳамда «Меҳнат инсонни улуғлайди», «Эл ўғлони»,



«Ўзбекистон олтини», «Зимистонда қолган излар», «Хиёнат» сингари китоблари билан маънавий хазинамизга муносиб улуш қўшаётган истеъдодли қалам соҳибини эъзозламай бўладими!

Аллома шоир Мақсуд Шайхзоданинг шундай ажойиб сатрлари бор:

*Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!
«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг,
Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан —
Уни тиригида бир соат йўқланг!*

Ҳа, яхшиларни қадрлаш, эъзозлаш, авайлаб-асраш ҳам бизнинг инсонийлик бурчимиздир. Инсон тириклигида қадрига етмоқ, эъзозламоқ керак!

**Тўлқин ЭШБЕК,
филология фанлари номзоди,
2002 йил.**



МУНДАРИЖА

Хотира ва кадр	3
Бир оғиз сўз.....	5
Муаллиф ҳақида	6
Менинг Кавардоним!	7
Ўзимизнинг Ғафур Ғулом.....	13
«Ёд айланг бу камтарин Чустийни».....	21
«Элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ...».....	31
Тадбиркор Навоий.....	33
Даҳолар ўлмайди.....	35
«Оқшом»нинг нури.....	38
Касбга эътиқод, дўстга садоқат.....	42
«Алиазар дўстгинам, йўқдир каму кўстгинанг»	47
Ака Расул омонми?	51
Жавохирлар сандиғи.....	54
Эл ичига сингиб кетган одам.....	60
Чинорга айланган... дўстим.....	67
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.....	70
Муҳаммад Юсуф.....	75
Олим «дода»	80
Сулола	83
Мунаввар ҳаёт	89
Ҳуқуқшуносларнинг «тоға»си.....	95
Тулкининг найранги.....	99
Шоҳимардонга сайр.....	102
Шо...Ҳайдар	107
«Сизга айтолмаган гапларим».....	110
Эътиқод	121
Қалбида қуёш бор.....	126
Нотаниш Фурқат.....	133
Ҳаёт посбони	141
Мустақиллик унинг орзуси эди.....	146
Бетакрор олим эди.....	151
«Адолат»чи журналист	154



Тўхтамурод Тошев

**МЕҲР ҚОЛУР,
МУҲАББАТ ҚОЛУР...**

Ўзбек тилида

Муҳаррирлар:

А. Омонов,

Г. Ортиқхўжаева

Техник муҳаррир:

А. Аҳмедов

Саҳифаловчи:

Ш. Расулов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АИ № 228, 16.11.2012.
100192, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: 0(371) 268-28-56, 268-28-57.
Факслар: 0(371) 268-28-43, 268-28-41.
Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz

Босишга рухсат этилди 09.03.2017 й.
Қоғоз бичими 84x108 ¹/₃₂, «Academy» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 5,0.
Нашриёт ҳисоб табоғи 8,5. Адади 500 нусха.
-буюртма. Нархи шартнома асосида.

«Print Line Group» хусусий корхонаси
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.